

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

Қўлёзма ҳуқуқида

УДК:

Расулов Нуриддин Абдуллаевич

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида корхонанинг инновацион
салоҳиятини бошқариш. (Наманган вилояти саноат корхоналари мисолида)

Мутахассислиги: 5А340201 “МЕНЕЖМЕНТ”

Магистр

академик даражасини олиш учун ёзилган

ДИССЕРТАЦИЯ

Илмий раҳбар:

и.ф.н., доц.Н. Нарзуллаев

Наманган-2013

МУНДАРИЖА

<i>КИРИШ</i>	3
--------------------	---

I БОБ. Иқтисодийни модернизациялаш шароитида корхоналарда инновацион салоҳиятни бошқаришни ташкил этишнинг назарий асослари

<i>I.1.</i>	Инновация ва инновацион салоҳиятнинг моҳияти ҳамда корхоналар фаолиятидаги аҳамияти.....	12
<i>I.2.</i>	Корхоналарда инновацион лойиҳани ташкил этиш ва бошқариш.....	
<i>I.3.</i>	Корхоналарнинг инновацион салоҳиятини баҳолаш ва унинг самарадорлигини ҳисоблаш усуллари.....	33

II БОБ. Наманган вилояти саноат корхоналари фаолиятининг инновацион салоҳияти таҳлили

<i>II.1.</i>	Наманган вилоятининг умумий ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичлари таҳлили	47
<i>II.2.</i>	Наманган вилояти саноат ва қўшма корхонларнинг инновацион фаолияти самарадорлиги кўрсаткичлари таҳлили ...	63
<i>II.3.</i>	Наманган вилояти саноат корхоналари модернизация қилиш ва инновацион салоҳиятини юксалтириш таҳлили	72

<i>III БОБ</i>	Корхоналарда инновацион салоҳиятни бошқаришни такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш йўллари	82
----------------	--	----

<i>III.1.</i>	Инновацион салоҳиятни бошқаришнинг концептуал модели.....	82
<i>III.2.</i>	Корхонанинг инновацион жараёнларини бошқаришда инвестиция салоҳиятидан фойдаланиш.....	89
<i>III.3.</i>	Инновацион салоҳиятни оширишда хориж тажрибаларидан фойдаланиш.....	98

<i>ХУЛОСА</i>	105
---------------------	-----

<i>Фойдаланилган адабиётлар</i>	109
---------------------------------------	-----

Аннотация

Расулов Нуриддин Абдуллаевич «Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида корхонанинг инновацион салоҳиятини бошқариш» мавзусидаги диссертацияда иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида корхоналар инновацион салоҳиятини бошқариш масалалари мамлакатимиз, мустақил давлатлар ҳамдўстлиги ва хорижий давлатлар иқтисодчи олимлари томонидан назарий ҳамда илмий нуқтаи назаридан ўрганиб чиқилган.

Тадқиқот кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ҳамда иловалардан ташкил топган. Ишнинг кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, тадқиқот объекти ва предмети, тадқиқот ишининг услубий ва назарий асоси, ишнинг таркиби ёритилган.

Тадқиқотнинг биринчи бобида инновацион салоҳиятни бошқаришнинг илмий-назарий асослари, корхоналарда инновацион лойиҳани ташкил этиш ва бошқариш ва инновацион салоҳият баҳолаш ва унинг самарадорлигини ҳисоблаш усуллари ёритилган.

Иккинчи бобида Наманган вилояти саноат корхоналарининг инновацион салоҳиятини бошқариш йўналишлари таҳлил этилган. Вилоятининг умумий ижтимоий-иқтисодий, саноат ва қўшма корхонларнинг инновацион фаолияти самарадорлиги ва модернизация қилиш кўрсаткичлари таҳлил этилган.

Учинчи бобида эса, иқтисодиётни модернизация қилиш жараёнида инновацион салоҳиятни бошқариш ва ривожлантириш йўллари таклиф этилган.

Хулоса ва таклифлар қисмида иқтисодиётни модернизация қилиши шароитида корхонада инновацион салоҳиятни бошқариш бўйича хулосалар келтирилган ва уни такомиллаштириш бўйича таклифлар берилган.

Кириш

Мавзунинг долзарблиги. Бугунги кунда мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилаш, иқтисодиётимизнинг сифат жиҳатидан янги, замонавий таркибий тузилмасини шакллантириш, ҳудудларимизни комплекс ривожлантириш бўйича барча режаларимизнинг муваффақиятли амалга оширилиши инфратузилма тармоқларини юксак суръатлар билан ривожлантиришга узвий боғлиқдир.¹

Мамлакатимиз саноат тармоқларини модернизациялаш яқин йилларда ва келгусида республикамызда ҳал қилинадиган энг устувор вазифалардан биридир. Ушбу устувор вазифани адо этиш саноат корхоналари олдига ишлаб чиқариш қувватларини янада ошириш, маҳсулот сифатини яхшилаш, бозор рақобатларига бардош бериш, ўз миқдорларини кўпайтириш, шу асосда пировард натижада олиннадиган фойдани янада кўпайтиришга имкон берувчи инновацион салоҳиятни юксалтиришга ҳамда у билан шуғулланишни зарурат қилиб қўймоқда. Республикамыз Президентининг 2008 йил 15 июлдаги “Инновацион ғоялар ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатлантириш борасида қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-916сонли қарори корхоналарнинг инновацион салоҳиятини ривожлантиришга қаратилган.

2009-2012 йилларга мўлжалланган инқирозга қарши чоралар Давлат дастурида қайд этилганидек, яқин келажакда Ўзбекистон инновация туридаги иқтисодиётни шакллантириш энг муҳим вазифа ҳисобланади. Бундай иқтисодиёт энг замонавий илм-фан ва техника ютуқларига, инновацион салоҳиятни самарали бошқариш, янгича фикрлашни тарбиялайдиган таълим тизимига таяниши зарур. Бунда миллий “инновация

¹Каримов И.А. 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2013 йил 19 январь

тизими”ни ишлаб чиқиш ва амалда рўёбга чиқариш учун алоҳида эътибор берилади.

Иқтисодийни модернизациялашда корхоналарнинг инновацион салоҳиятини бошқариш ва кескин рақобат шароитида ҳар бир корхоналарнинг муваффақиятли фаолият кўрсатиши, жамоаси, ходимларнинг малакаси, билими, тажрибаси ҳамда ташаббускорлигига боғлиқ бўлади. Корхоналарнинг инновацион салоҳиятини бошқариш бу ва бошқа сифатларни қарор топтириш ҳамда ривожлантиришга бошқарувни такомиллаштириш ҳисобига эришилади.

Маълумки, 2012 йил ҳам мамлакатимиз ижтимоий ҳаётининг турли жабҳаларида янги ютуқ ва натижаларга жуда бой бўлди. Президентимиз И.А.Каримов 2013 йил 19 январидagi Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “2012 йил якунлари ва 2013 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган мажлисида ўтган йил натижаларига атрофлича тўхталиб ўтиб, жорий йил вазифаларини аниқ-равшан белгилаб берди.

Корхоналарнинг инновацион салоҳиятини бошқариш стратегиясини илмий асосда ишлаб чиқишнинг аҳамияти бекиёсдир. Кўп йиллик тадқиқотлар шуни кўрсатадики, иқтисодий ўсишнинг асосини инновацион салоҳият: яъни ишчилар, мутахассислар, хизматчилар, раҳбарлар меҳнати, малакаси, изланувчанлиги ҳамда янгиликка интилувчанлиги ташкил этади. Инновацион салоҳиятни ҳаракатга келтирувчи куч - бу янгиликка (инновацияга) доимий интилиш ва уни жорий қилишдан иборатдир.

Корхоналарнинг инновацион салоҳиятини бошқариш, мустақил иш олиб боришга интилишундаги улкан ўзгаришларга тўртки бўлади. Бунинг учун эса инновацияни тўғри танлаш ва оқилона бошқариш талаб этилади.

Мамлакатимизда жойлашган саноат корхоналарининг инновацион салоҳиятини бошқаришда уни оқилона ташкил этиш, кенг кўламли, чуқур иқтисодий ислохотларни изчил амалга ошириш, турли мулкчилик шаклидаги корхона ва ташкилотлар учун алоҳида аҳамиятга эгадир. Чунки маъмурий-

буйруқбозлик тизимидан бозор иқтисодиёти муносабатларига ўтиш, иқтисодиётда биринчи навбатда бошқарув тизимини такомиллаштиришни тақазо этади.

2013 йил ва яқин келажакка мўлжалланган дастурни амалга оширишда иқтисодиётимиз ҳамда унинг етакчи тармоқларини модернизация қилиш, техник ҳамда технологик янгилашни жадаллаштириш ва унинг кўламини кенгайтириш, ишлаб чиқаришни диверсификация қилиш марказий ўрин тутмоқда.²

Ана шундай салоҳиятга эга корхоналар, корхона раҳбарлари, мутахассисларгина республика иқтисодиётини модернизациялаш, таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, эркинлаштириш ва ривожлантиришга қодирдирлар. Миллий иқтисодиётда кенг кўламли, ҳар тарафлама, чуқур ўзгаришларга киришилар экан, энг аввало иқтисодиётни тизимли ва таркибий изчил янгилаш устувор аҳамиятга эга.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида корхоналар инновацион салоҳиятини бошқариш масалалари мамлакатимиз, мустақил давлатлар ҳамдўстлиги ва хорижий давлатлар иқтисодчи олимлари томонидан назарий ҳамда илмий нуқтаи назаридан ўрганиб чиқилган. Иқтисодиётни модернизация қилиши шароитида корхоналар инновацион салоҳиятини бошқариш хорижий иқтисодчи олимлари В.Зомбарт, В.Митчерлих, Й.Шумпетер, Х.Мончев, И.Перлаки, В.Д.Хартман, Э.Менсфилд, С.Каплан, Р.Фостер, Б.Твисс, Э.Рожаерсва бошқаларнинг асарларида ёритиб берилган.³

Иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида корхонада инновацион салоҳиятни бошқариш масалалари бўйича иқтисодчи олимлар Ш.Зайнутдинов, Ф.Эргашев, Д.Рахимова, А.Сагдуллаев, О.Парпиев,

² Каримов И.А. 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2013 йил 19 январь

³ Каплан С., Фостер Р. Эффективная компания. Построение гибкого и инновационного предприятия. Изд. Алпина Бизнес Букс. – 2009.

Н.Б.Эрмасов, С.Б.Эрмасов, Р.А. Фатхуддинов ва бошқа олимларнинг илмий-тадқиқот ишларида ёритилган.⁴

Тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари. Иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида корхонада инновацион салоҳиятни бошқариш масалалари юзасидан илмий-амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдир. Айти пайтда илмий тадқиқот ишида қуйидагилар тадқиқот мақсад ва вазифалари сифатида белгиланди ва ўрганиб чиқилди:

- саноат корхоналарининг инновацион салоҳиятини ривожлантиришнинг назарий асосларини ўрганиб чиқиш;
- саноат корхоналарининг инновацион салоҳиятини давлат томонидан бошқаришни ташкил этишни ўрганиб чиқиш;
- Ўзбекистонда саноат корхоналарини бошқаришнинг ўзига хос жиҳатларини ўрганиб чиқиш;
- инқирозга юз тутаётган ва зарар билан ишлаётган саноат корхоналарида модернизация қилиш жараёнини амалга оширилишини таҳлил қилиш;
- иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида саноат корхоналарини бошқаришда давлат дастурларининг аҳамиятини таҳлил қилиш;
- Наманган вилоятида саноат корхоналарини инновацион салоҳиятини бошқаришда инвестициялар таъсирини таҳлил қилиш;
- саноат корхоналарида инновацион ишлаб чиқаришни бошқаришнинг ташкилий-иқтисодий шароитларини такомиллаштириш бўйича таклифлар бериш;
- саноат корхоналари бошқарув жараёнларини эркинлаштириш ривожлантириш бўйича таклифлар бериш;
- саноат корхоналари инновацион салоҳияти самарадорлигини ошириш йўллари бўйича таклифлар бериш.

⁴ Эрмасов Н.Б., Эрмасов С.Б., Инновацион менежмент, Учебник. – М.: Высший образование, 2007., Фатхуддинов Р.А. Инновационный менежмент: классификация, структура и отличительные черты инновационных организаций; Экономические зоны, законы, организации, научные подходы и принципы и др.: Учебник для вузов. Изд. 5-е, испр., доп. Питер. 2007., Ф.Эргашев, Д.Рахимова, А. Сагуллаева, О. Парпиев, Ш. Зайнутдинов Инновацион менежмент Дарслик. Т.: Академия, 2009.

Диссертация ишининг предмети. Иқтисодий ва илмий модернизация қилиш шароитида турли хил корхоналарда инновацион салоҳиятни бошқаришни такомиллаштириш ва инновацияларни тўғри ташкил этиш асосида ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга оид иқтисодий муносабатлар тизими хизмат қилди.

Тадқиқот объекти. Наманган вилоятида фаолият кўрсатаётган саноат корхоналари мисолида олинди.

Диссертация ишнинг услубий ва назарий асослари. Тадқиқотнинг услубий асосини Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов асарлари, саноат корхоналарининг инновацион салоҳиятини бошқариш, ривожлантириш ва такомиллаштиришга бағишланган хорижий ҳамда республикаимиз етакчи олимларининг илмий асарлари ташкил этади. Тадқиқот жараёнида иқтисодий таққослаш, мантикий фикрлаш, статистик гуруҳлаш ва бошқа усуллардан кенг фойдаланилди.

Магистрлик диссертациясида Ўзбекистон Республикасининг Қонунларидан, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Наманган вилояти ҳокимлиги иқтисодий бошқармаси, Наманган вилоят статистика бош бошқармаси маълумотларидан кенг фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

1. Инновация тўғрисидаги иқтисодчи олимлар фикри ўрганилиб, муаллифлик таърифи тайёрланди.
2. Наманган вилояти хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда саноат корхоналарида инновацион салоҳиятни бошқаришнинг моҳияти ва услублари атрофлича ёритиб берилди.
3. Саноат корхоналарида инновацион салоҳиятни бошқариш ва уни стратегик режалаштириш жараёни кўрсатиб берилди.
4. Наманган вилояти ишлаб чиқариш ҳамда хусусий корхоналарида таркибий ўзгаришлар, аҳолини иш билан таъминлашнинг ҳозирги ҳолати таҳлил қилинди.

5. Саноат корхоналарида инновацион салоҳиятни самарали ташкил этиш ҳамдарағбатлантиришга асосланган бошқарув тизимини такомиллаштириш, креатив ходимлар билан ишлашни такомиллаштириш асосида инновацион технологиялардан самарали фойдаланиш йўллари бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти. Илмий тадқиқот ишида берилган хулоса ва таклифларни Наманган вилояти саноат корхоналарининг инновацион салоҳиятини юксалтириш ва бошқарув тизимини такомиллаштиришда ҳамда унинг минтақа иқтисодий ривожланишида фойдаланиш мумкин.

Ишнинг опробацияси. Тадқиқотнинг асосий мазмуни ва якуний хулосалари диссертантнинг республика миқёсида ўтказилган турли илмий-назарий, илмий-амалий конференциялардаги маърузаларида, НамДУ илмий ахборотномаларида, журналларда эълон қилинган мақолаларида ўз аксини топган. Тадқиқот Наманган муҳандислик-педагогика институти “Менежмент ва иқтисодиёт” кафедрасида бажарилган. Ташкилот диссертацияга ижобий баҳо бериб, ҳимояга тавсия этган.

Диссертациясининг таркибий тузилиши. Тадқиқот кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ҳамда иловалардан ташкил топган. Ишнинг кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, тадқиқот объекти ва предмети, тадқиқот ишининг услубий ва назарий асоси, ишнинг таркиби ёритилган.

Тадқиқотнинг биринчи бобида инновацион салоҳиятни бошқаришнинг илмий-назарий асослар ёритилган.

Иккинчи бобида Наманган вилояти саноат корхоналарининг инновацион салоҳиятини бошқариш йўналишлари таҳлил этилган.

Учинчи бобида эса, иқтисодиётни модернизация қилиш жараёнида инновацион салоҳиятни бошқариш ва ривожлантириш йўллари таклиф этилган.

Хулоса ва таклифлар қисмида иқтисодиётни модернизация қилиши шароитида корхонада инновацион салоҳиятни бошқариш бўйича хулосалар келтирилган ва уни такомиллаштириш бўйича таклифлар берилган.

I боб. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида корхоналарда инновацион салоҳиятни бошқаришни ташкил этишнинг назарий асослари

1.1. Инновация ва инновацион салоҳиятнинг моҳияти ҳамда корхоналар фаолиятидаги аҳамияти

Ривожланган мамлакатларнинг тажрибаси шуни кўрсатдики, жамиятни юксалтиришнинг асоси иқтисодиётни модернизация қилишга боғлиқдир. Модернизация жараёни натижасида мамлакатда ижтимоий – иқтисодий ривожланиш барқарор ўсиш таъминланади. И.А.Каримов таъкидлаганларидек: “Ишлаб чиқаришни модернизация қилиш техник ва технологик қайта жиҳозлаш, иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини жадал янгилаш биз учун энг муҳим устувор вазифа сифатида изчил давом эттирилмоқда”⁵.

Жаҳон молиявий – иқтисодий инқирозининг салбий оқибатларини бартараф этиш ва инқироздан кейинги иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини барқарор ривожлантиришнинг асосий йўналишларидан бири сифатида иқтисодиётнинг инновацион салоҳиятини такомиллаштириш юқори самара беради.

Бу ўринда Президент И.А. Каримовнинг “...иқтисодиётимизнинг асосий тармоқларини модернизация қилиш ва техник янгиланиш, мамлакатимизнинг янги марраларни эгаллаши учун кучли туртки берадиган ва жаҳон бозорида рақобатбардошлигини таъминлайдиган

⁵ Каримов И.А. Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. // Халқ сўзи, 2011 йил 22 январь

замонавий инновация технологияларни амалга ошириши лозим”⁶, - деб айтган фикрларини эслаш ўринли деб ҳисоблаймиз.

Мустақил Ўзбекистон ривожланишининг ҳозирги босқичида инновация, инсоният тараққиёти ва иқтисодий ўсишнинг асосий омилига айланмоқда.

Инновацияларни алоҳида корхоналар ва қолаверса бутун иқтисодиётнинг фаолият кўрсатишига таъсирини муҳим аҳамияти мамлакатимиз ҳамда хорижий иқтисодчилар томонидан тадқиқ этилган ҳамда ўрганилган.

“Инновацион салоҳият” атамаси негизида, кўриниб турибдики, авваламбор, “**инновация**” сўзи, ушбу сўз негизининг ўзида эса, “**новация**” сўзи ётади. Ўзбек тили луғатига бу сўзлар хорижий тиллардан кириб келган. Чунончи, инглизча “**innovation**”, русчасига “**инновация**” сўзи луғатларда “нововедение”, “новаторство” сифатида талқин этилган Рус тилида берилган талқинга кўра бу сўз ўзбек тилига “янгилик киритиш”, “янги усул”, “киритилган янгилик” каби маъноларда таржима қилинган ва изоҳланган. Ўзбек тили изоҳли луғатида “**Инновация**” атамасига – техника ва технологиянинг янги турлари (авлодлари)ни жорий этиш мақсадида иқтисодиётган сарфланган маблағлар тушунчаси сифатида келитирилган.⁷ “**Новация**”, латинча “**novation**” сўзи рус тилидаги луғатларда “изменение”, “обновление”, ўзбек тили луғатларида эса “ўзгариш”, “янгилашиш” маъносида талқин этилган.

“Инновация” атамаси махсус луғатларда ва адабиётларда ҳам турлича таърифланган ҳамда изоҳланган. Чунончи, рус тилида чоп этилган “Большой бухгалтерский словарь”да инновация атамасига 1) “техника ва технология авлодини алмаштиришни таъминлаш мақсадида иқтисодиётга маблағ

⁶ Каримов И.А. Модернизация қилиш ва янгилашни давом эттириш – давр талаби. 2008 йилда мамлакатимизни ижтимоий – иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2009 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. // Халқ сўзи, 2009 йил 14 февраль

⁷ Ўзбек тилининг изоҳли луғати 2-китоб, Т: 2006. 212-б.

киритиш; 2) “илмий-техник ютуқлари натижаси ҳисобланган янги техника ва технология” мазмунларида таъриф берилган⁸.

“Инновация” моҳиятан мураккаб ва кўп қиррали масала бўлиб, бу иқтисодчи олимлар ёндашувидаги фарқлар билан ҳам изоҳланади.

В.А. Макаренко⁹ таҳрири остида нашр этилган замонавий тушунча ва атамалар луғатида “инновация” атамасига кенгроқ таъриф берилган. Луғатда “инновация” атамаси қуйидаги мазмунда баён қилинган: “инновация” – бу:

- техника ва технология авлодини алмашинувини таъминлаш мақсадида иқтисодиётга маблағ йўналтириш;
- илмий-техника тараққиётининг масъули бўлган янги техника, технологиядан фойдаланиш;
- янги ғояларни ишлаб чиқиш, синтезлаш, янги назария ва моделларни яратиш ва уларни ҳаётга татбиқ этиш;
- индивидуал тусдаги, такрорланмас, сиёсий дастурларни амалга ошириш;

Адабиётларда инновация атамасига “янгиликни яратишга қилинган инвестиция”, “янги жараён, маҳсулот, хизматларни амалий ўзлаштириш натижаси”, “янги техника ёки технологияга”, меҳнатни ташкил қилишга, хизмат кўрсатишга, бошқарувга ва бошқа мақсадларга киритилган изоҳлар тариқасида ҳам берилган. Шунингдек, инновацияга янгиликни яратиш, ўзлаштириш ва тарқатиш жараёнлари, бу жараёнларни ўзида мужассамлаштирувчи фаолият сифатида ҳам таърифлар берилган.

Жаҳон иқтисодий адабиётларида “инновация” салоҳиятли илмий – техник тараққиёт (ИТТ)ни ҳақиқий, янги маҳсулотлар ва технологияларда рўёбга чиқадиганга айланиши сифатида талқин қилинади.¹⁰

Инновацион назарияни асосий ривожланиш босқичи В.Зомбрет, В.Митчерхил, Й.Шумпетер тадқиқотларига тўғри келган. Инновациялар

⁸Большой бухгалтерский словарь. Под редакцией А.Н. Азрилияна. – М.: «Институт новой экономики, 1999. – С.150.

⁹ Макаренко В.А. Современный словарь. В 2 т. – М.: 2000.

¹⁰ Ёўлдошев Н.Қ., Мирсаидова Ш.А., Голдман Й.Д. Инновацион менежмент – Т.: ТДИУ дарслик 2011. 6-б.

назариясини шаклланиши ва ривожланишига, дастлаб, австриялик иқтисодчи олим Й.Шумпетернинг ҳиссаси катта. У инновацион конъюнктура силжишлари манбаларини таҳлил қилиш натижасида, ишлаб чиқаришнинг ва янги омилларини ажратди ва уларга қуйидагиларни киритди¹¹:

- янги хусусиятларга эга маҳсулотни ишлаб чиқариш;
- янги илмий кашфиёт ёки тижоратлаштириш усулига асосланган ишлаб чиқаришнинг янги услубини жорий этиш;
- саноатнинг мазкур тармоғида тақдим этилмаган, янги савдо бозорларини ўзлаштириш;
- хомашёнинг янги манбасидан фойдаланиш;
- ишлаб чиқаришни тегишли тарзда қайта ташкил этилишини амалга ошириш, монополликни таъминлаш.

Й.Шумпетер томонидан XX асрда инновация тушунчаси истёъмол товарларининг янги турлари ишлаб чиқариш ва техник воситалар, бозорлар ташкилий шакллари саноатга татбиқ этиш ва улардан фойдаланиш мақсадидаги ўзгариш сифатида талқин этган ҳолда киритилган.

Инновациянинг ушбу таърифи ва Й.Шумпетернинг ишлаб чиқариш омилларининг янги комбинациялари тўғрисидаги концепцияси инновациялар назариясига бўлган иккита энг кўп тарқалган ёндашувдан бирининг асосини ташкил этади. *Биринчи ёндашув* – янги омиллар тўғрисидаги тушунчага асосланган, *иккинчи ёндашув* – янги маҳсулот ёки технологияга асосланган (1.1.1-жадвал).¹²

Дунё иқтисодчи олимлари “инновация” атамасига таъриф беришда, турлича ёндашувларни амалга оширишган. Улар “инновация”га бир-биридан фарқли равишда инновацияларни яралиш, ривожланиш каби таърифлар билан бойитганлар. Масалан, биринчи ёндашув олимларидан бири Х.Бернет: “Инновация – яратиладиган янгилик ҳар қандай ғоя, фаолият ёки моддий натижа” бўлиши мумкин деган маънода таъриф берган бўлса, П.Ф. Друкер

¹¹Камилжанов Б.И. Инновациявий менежмент услубларини такомиллаштириш Т.: Фан, – 2007. 172б.

¹²Камилжанов Б.И. Инновациявий менежмент услубларини такомиллаштириш Т.: Фан, – 2007. 172б.

эса “инновация – янги бизнеснинг бир тури” сифатида деб қайд этган. Иккинчи ёндашув олимлари биринчи ёндашув олимларидан фарқли равишда асосий эътиборни ишлаб чиқаришга қаратишган. Умуман олганда, жаҳонда кўзга кўринган иқтисодчи олимлари “инновация”га таърифларни турлича бериб, бир-бирларини фикрини тўлдириб боришган.

1.1.1-жадвал

Янги омилар тўғрисидаги дунё иқтисодчи олимлари фикри (биринчи ёндашув)

№	муаллифлар	инновация таърифи
1.	Барнет Х.	Мавжуд шакллардан янги сифат жиҳати билан фарқ қилувчи ҳар қандай ғоя, фаолият ёки моддий натижа
2.	Ла Пеьерре П.Т.	Бошланғич ҳолатдан янги ҳолатга ўтиш йўли билан хўжалик ички тузилмасида содир бўлган ҳар қандай ўзгариш
3.	Витфилд П.	Ижодий ғояни ривожланиши ва уни тайёр маҳсулот, жараён ёки тизимга айланиши
4.	Водачек Л. Водачкова О.	Корхонанинг тизим сифатида фаолият кўрсатишининг мақсадли ўзгариши
5.	Друкер П.Ф.	Тадбиркорларнинг шундай воситасики, унинг ёрдамида ҳар қандай ўзгариш янги бизнес тури ёки хизматни амалга ошириш имконияти сифатида қўлланилади
6.	Найт К.	Ташкилот ёки унинг бевосита атроф-муҳитига нисбатан бирор янгиликни жориш этиш

“Инновация” тушунчасини тушунишга бўлган иккинчи ёндашув ишлаб чиқаришда муайян турдаги техника-технология ва бошқа янги маҳсулотлардан фойдаланишга асосланади. Ушбу ёндашув тарафдорлари бўлган айрим олимлар ишлаб чиқариш фаолиятининг инновацион ва илмий техник жиҳатларини тенг деб билади (1.1.2-жадвал).

Бизнинг фикримизча, “инновация” – яратилган янги ғоя, ишлаб чиқаришга тақдим этилган янги технология ва ишлаб чиқарилган янги маҳсулот, бошқарув тизимидаги янгича усул, умуман олганда, барча соҳалардаги янгича такрорланмаган ёндашувдир.

Мамлакатимизда, инновациянинг мазмунига таъриф беришда, бир томондан унинг мақсади ижтимоий эҳтиёжларни қондиришдан иборатлиги, иккинчи томондан эса, ундан фойдаланиш муайян иқтисодий самарага эришиш имконини берадиган восита ҳисобланишидан келиб чиқиш лозим.

1.1.2-жадвал

Янги омиллар тўғрисидаги дунё иқтисодчи олимлари фикри (иккинчи ёндашув)

№	муаллифлар	инновация таърифи
Жараёнли таърифида		
1.	Харман А.	Инновация деганда янги ёки анча такомиллаштирилган ишлаб чиқариш жараёнларини жорий этиш тушунилади.
2.	Джонсон Р.	Айрим корхоналар хўжаликларида янги ёки такомиллаштирилган эски жараёнлар ва маҳсулотларнинг пайдо бўлиши
3.	Саито Б.	Ғоя ва кашфиётларни амалий қўллаш орқали ўз хусусиятлари бўйича яхшироқ маҳсулот ва технология яратишига олиб келадиган жамият – техник – иқтисодий жараён
4.	Лемерль П.	Харажатларни тежовчи ёки унга шароит яратувчи ҳар қандай янги ёки такомиллаштирилган маҳсулот, хизмат,технология ва ҳоказо
5.	Брайтон Т.	Кашфиёт ёки ғояга иқтисодий мазмун берувчи жараён
6.	Никсон Ф.	Бозорда янги ва яхшиланган саноат жараёнлари ва ускуналари пайдо бўлишига олиб келадиган техник, ишлаб чиқариш ва тижорат тадбирлари йиғиндиси
Натижавий ёндашув		
7.	Моисеева Н.К. Анискин Ю.П.	Индивид томонидан янги сифатида қабул қилинадиган ғоя, амалиёт ёки маҳсулот
8.	Киперман Г.Я.	Жаҳон бозорида рақобатдош бўладиган маҳсулот, замонавий технологияларни ишлаб чиқиш, яратиш ва тарқатишга йўналтирилган ижодий фаолият натижаси
9.	Соколов Д. Титов А. Шабанова М.	Муайян жамият эҳтиёжларини қондирадиган ва бир қатор самара (иқтисодий, илмий-техник, ижтимоий ва ҳоказо) берадиган, принципиал янги ёки такомиллаштирилган яратиш ва ўзлаштиришнинг якуний натижаси

Инновацияларнинг корхона фаолиятидаги ролини аниқлаш учун уларни жорий этишнинг объектив зарурлигини кўриб чиқиш лозим:

Биринчидан, инновацияларни яратиш ва улардан фойдаланиш, бир томондан, товар ишлаб чиқарувчиларнинг рақобат кураши билан шартланган, иккинчи томондан эса рақобатбардошлигини оширишнинг ҳал қилувчи омили ҳисобланади.

Иккинчидан, инновацияларни ўзлаштириш бозордаги вақтинчалик монополияни қўлга киритиш орқали қўшимча фойда олиш имкониятига эга бўлишдир.

Учинчидан, радикал инновациялар корхона унга таянган ҳолда етакчи корпорацияга айланиши мумкин бўлган ягона восита ҳисобланади.

Инновация, инновацион жараённинг натижаси ҳисобланади, бунда ихтироларни кашф қилиш (ғояларни ишлаб чиқариш), жорий этиш ва саноат корхонасининг инновацион фаолияти давомида амалда фойдаланиш бўйича меҳнат жараёнларининг йиғиндисини тушуниш лозим.

Иқтисодиётда, техникада ва бошқа соҳаларда эришилган ютуқларни, янгиликларни ҳаётга жорий этилиши лозим. Лекин ҳар қандай ғоя ҳам илмий ишланмалар дастури ёки янгилик деб ҳисобга олинмайди. АҚШ ва Англия иқтисодчи олимларининг баҳосига кўра, 10 фоиздан 30 фоизгача ғоя ихтиро деб тан олиниши ва улардан 0,5 фоиздан 3,5 фоизгачаси ўзини оқлаши мумкин экан.

Баъзи бир АҚШ корхоналари маълумотларига кўра, саноат корхоналарида битта буюмни бозорда муваффақиятли реализация қилиниши ва ўзини оқлаши учун ўртача 70 та ғоя зарур экан. 170 та корхонада олиб борилган бошқа илмий тадқиқотлар ишланмаларининг бошланғич босқичида унинг техник ютуғи ўртача 71 фоизини ташкил этиши кўрсатган¹³.

Кўпгина унумли қарорлар ҳаётда қўлланилмайди, баъзида истиқболсиз ғоялар мажбуран жорий этилади. Бунинг ҳаммаси вақтни, маблағни, илмий салоҳиятни бўлинишига олиб келади. Бу эса ўз навбатида янгиликни жорий

¹³Гусаков М. Формирование потенциала инновационного развития // Экономист. 2009 г.

этишга, бошқаришга жиддий эҳтиёжни пайдо бўлишига олиб келади.

Инновацион жараён деганда умумий ҳолда ихтирони, янги технологияни, янги маҳсулотлар ёки хизматни, ишлаб чиқариш, молия, маъмурий характерга эга интеллектуал фаолият турини тижоратлаш жараёни тушунилади. Инновация жараёнининг тавсифнома ва асосий босқичлари мавжуд (1.1.1-чизма).

1.1.1-чизма

Инновация жараёнининг асосий босқичлари



Биринчи босқичда фундаментал тадқиқотлар олиб борилади. Тадқиқотлар академия институтлари, олий ўқув юртлари, ихтисос тармоқ институтлари, лабораторияларида олиб борилади. Молиялаштириш асосан қайтиб бермаслик шарти билан амалга оширилади.

Иккинчи босқичда амалий характерга эга бўлган илмий ишлар олиб борилади. Бу барча илмий тадқиқот институтларида олиб борилади ва давлат томонидан, яъни бюджетдан ҳамда буюртмачи томонидан амалга оширилади. Маълумки, асосий тадқиқотлар натижаси ҳамма вақт ҳам олдиндан маълум бўлавермайди, шунинг учун бу йўсиндаги хавф-хатар

даражаси анча юқори бўлиб, баъзида салбий натижа олиши ёки боши берк кўчага кириб қолиши ҳам мумкин.

Учинчи босқичда тажриба конструкторлик ишлари ва экспериментал ишлаб чиқариш олиб борилади. Улар ихтисослашган лабораторияларда, конструкторлик бюrolарида (КБ), ишлаб чиқариш тажриба участкаларида, йирик саноат корхоналаридаги илмий-тадқиқот бўлимларида олиб борилади.

Тўртинчи босқичда тижоратлашув жараёни давом этади, яъни ишлаб чиқариш, маҳсулот билан бозорга чиқиш ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг асосий ҳаётий босқичлари бўйича иш жараёни давом этади.

Инновация хўжалик юритиш субъектларини модернизация қилишга катта таъсир кўрсатмоқда. Самарали инновацион фаолият нафақат ишлаб чиқариш стратегияси, балки мамлакатда фаолият юритаётган корхоналарнинг иқтисодий, инновацион салоҳиятни кучайтиришни ҳам белгилайди.

Мамлакатимиз иқтисодиёти ривожланишининг сўнгги босқичларида инновацион салоҳиятни жадал суръатларда ривожланишига катта эътибор қаратилмоқда. Бу борада И.А. Каримовнинг 2008 йилдаги “Ишлаб чиқаришга инновацион лойиҳалар ва технологияларни жориш этишни рағбатлантиришнинг қўшимча чоралари” ПҚ – 916 сонли қарори муҳим аҳамият касб этади.

Инновацион салоҳият тушунчаси иқтисодиёт фанида XX асрнинг сўнгги йилларида пайдо бўлган. “Инновацион салоҳият” мамлакатнинг техника ва технологияси янгилашиши, унда илмий-техника ривожланиши даражасини, диверсификация сиёсатининг кучайишини англатади. “Инновацион салоҳият” – ўз ичига инновацион фаолиятни амалга ошириш учун зарур бўлган моддий, молиявий ақлий, ахборот, илмий-техник ресурсларни оловчи турли хилдаги мажмуадир.¹⁴ Баъзи иқтисодчи олимлар инновацион салоҳиятни иқтисодий салоҳиятдан юқори қўйишади. Бунда

¹⁴Йўлдошев Н.Қ., Мирсаидова Ш.А., Голдман Й.Д. Инновацион менежмент – Т.: ТДИУ. Дарслик 2011. 286-б.

улар илмий техника даражасига кўпроқ эътибор қаратишади.¹⁵

Бизнинг фикримизча, бундай қарашлар унчалик тўғри бўлмаса керак. Чунки ҳар қандай ҳолатда иқтисодий салоҳият инновацион салоҳиятга караганда анча кенг тушунча бўлиб, у мамлакат ёки корхонадаги ишлаб чиқариш салоҳияти, ресурслар салоҳияти, моддий-менирал салоҳияти, казилма бойликлар салоҳияти ва бошқаларни қамраб олади.¹⁶

Инновацион салоҳиятни кучайтириш катта ҳажмдаги инвестицияни тўғридан-тўғри жалб этишни талаб қилади. Ҳозирги вақтда ривожланган мамлакатлар янги техника ва технологияларни яратишга, янги маҳсулотларни ишлаб чиқаришга ялпи ички маҳсулот (ЯИМ)нинг деярли 5-7 фоизини сарфламоқда.

Корхонанинг инновацион салоҳияти, унинг барча жиҳатлари, яъни янгиликни яратиш ва ундан амалиётда фойдаланиш қобилиятини ифодалайди.

Корхонанинг инновацион салоҳияти элементларига қуйидагилар киритиш мумкин:¹⁷

- моддий – техник ресурслар;
- моддий ва номоддий активлар;
- молиявий ресурслар;
- ташкилий ресурслар;
- кадр ресурслар;
- ижтимоий-руҳий омиллар.

Шундан келиб чиқиб, корхонада инновацион жараёнларни ташкил этиш учун қуйидагиларга эга бўлиши зарур:

- ғоя ва ишланмаларни молиялаштириш учун етарли пул маблағлари;

¹⁵Зайнутдинов Ш.Н.Инновацион салоҳиятни ошириш стратегияси // Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар илмий электрон журнали. № 1, 2011 йил сентябрь

¹⁶Зайнутдинов Ш.Н.Инновацион салоҳиятни ошириш стратегияси // Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар илмий электрон журнали. № 1, 2011 йил сентябрь

¹⁷Зайнутдинов Ш.Н.Инновацион салоҳиятни ошириш стратегияси // Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар илмий электрон журнали. № 1, 2011 йил сентябрь

- янги маҳсулотни яратиш ва оммавий равишда ишлаб чиқариш учун тегишли моддий-техника базаси;

- янгиликларни амалга ошириш ва уни жорий этиш учун интеллектуал салоҳиятга эга ходимлар;

- ҳар қандай инновацион жараён асосида ётувчи оригинал ғояларни ишлаб чиқариш имконияти.

Инновацион салоҳиятнинг ажралмас қисмларидан бири бу интеллектуал салоҳият ҳисобланади. Мамлакат ёки корхонанинг интеллектуал салоҳияти, яъни муҳандис ва иқтисодчи олимлар, уларнинг янгилик яратиш имконияти қанчалик ошиб борса, шунга қараб инновацион салоҳият ҳам ортиб боради.

Корхонанинг интеллектуал салоҳияти ундаги “инновацион ғоялар портфели” сиғими билан аниқланади. Демак, “инновацион ғоялар портфели” сиғимини ошириш эса корхонада инновацион фаоллик билан боғлиқ.

Бозор иқтисодиёти шароитида инновацион жараёнларни ривожлантиришнинг хусусиятларидан бири, корхоналарда янгиликка мойилликдир. Шу сабабли инновацияни фаоллаштириш билан бирга уни қабул қилиш жараёнларини ўрганиш ҳам зарур. Янгилик киритиш доимо фойда келтиравермайди. Кўпинча у ноаниқлик билан боғлиқ бўлгани учун инновацион фаолликда таваккалчиликка ҳам эътибор қаратиш лозим.

Жаҳонда инновацион салоҳиятни ошириш асосан кичик корхоналарни ривожлантириш билан боғлиқ. Дунёнинг ривожланган мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, кичик корхоналар катта корхоналарга қараганда, 4 баробар кўп инновациялар яратади ёки илмий тадқиқотга киритилган ҳар бир долларга кичик инновацион корхоналар 2,5 баробар кўп маҳсулот яратадилар.

Шундай қилиб, бозор иқтисодиётида корхоналарнинг инновацион салоҳиятини бошқариш бирламчи, кучли, лекин чекланган салоҳият ҳисобланади. У айниқса, иқтисодий ўтиш шароитларида маълум бир чекловларга дуч келади.

1.2. Корхоналарда инновацион лойиҳани ташкил этиш ва бошқариш

Ҳозирги кунда, инновацион соҳани ривожлантириш алоҳида аҳамият касб этмоқда. Чунки фундаментал ва илмий-техник тадқиқотларнинг истеъмол хусусиятига эга бўлган товарга айланиши айнан шу ерда содир бўлади.

Инновация лойиҳасининг асосий мақсадларидан бири - корхона юқори сифатга эга бўлган керакли миқдорда маҳсулот ишлаб чиқаришга қодир эканлигини рақобатчиларга исботлашдан иборат.

“Инновацион лойиҳа” тушунчасига бир қанча нуқтаи назардан қаралиши мумкин.¹⁸

- инновацион мақсадларга эришиш учун хизмат қиладиган тадбирлар йиғиндиси сифатида;
- инновацион фаолиятни амалга ошириш жараёни сифатида;
- ушбу тадбирларни асословчи ва баён қилувчи ҳужжатлар пакети сифатида.

Юқорида келтирилган жиҳатлар инновацион лойиҳанинг инновацион фаолиятини ташкил қилиш ва мақсадли бошқариш шакллари сифатидаги аҳамиятини кўрсатади.

Шундай қилиб, инновацион лойиҳа - бу ресурслар, муддатлар ва ижрочилар бўйича ўзаро бир-бирини асослайдиган ҳамда бир-бирига боғлиқ бўлган, илм-фан, техника тараққиётининг устувор йўналишларида муайян мақсадларга эришиш учун қаратилган жараёнларнинг мураккаб тизимидир.

Инновацион лойиҳани тайёрлаш босқичидан уни амалга ошириш ва тизимли моделлаштириш босқичларига ўтиши, техник ва ташкилий-молиявий характерга эга бўлган кўп сонли муаммоларни ҳал этишни талаб қилади.

Тизимли лойиҳалаштириш босқичидаги масалаларни ечиш учун

¹⁸Саидова Г.А., Атаханова Ш.С. Инновацион лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва бошқариш усуллари // Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар илмий электрон журнал №5, 2012 йил, июль

куйидаги услублардан фойдаланилади¹⁹:

- тузилмавий ва иерархик декомпозиция услублари;
- композицион тузилмавий моделларни барпо этиш услублари;
- тузилмавий моделларга масалаларни ечиш услублари;
- лойиҳани амалга ошириш жараёнларини моделлаштириш услублари;
- моделлар тизимларини барпо этиш услублари;
- календар режалаштириш услублари;
- функционал-қиймат таҳлили, таваккалчиликни ҳисобга олиш, ишончлик ва бошқа услублар;

- таваккалчиликни бошқариш услублари;
- техник таҳлил ва лойиҳалаштириш услублари.

Инновацион лойиҳани амалга ошириш босқичида:

- иш, вақт, ресурслар, қийматнинг тезкор режалаштириш услублари;
- лойиҳа мониторинги услублари (ҳисобга олиш, назорат, ишлар ва кўрсаткичлар динамикаси таҳлили);
- лойиҳани ривожланиш прогнози ва тартибга солиш;
- харажатларни назорат қилиш услуби;
- захираларни бошқариш услуби;
- ўзгаришларни бошқариш услуби;
- лойиҳани амалга ошириш босқичдаги лойиҳавий таҳлил услуби;
- лойиҳа самарадорлиги таҳлили услублари.

Инновацион лойиҳаларни амалга ошириш учун уларни молиявий асослаш ва инвестициялаш муҳим аҳамиятга эгадир. Бунда лойиҳавий молиялаштириш жараёнлари нуктаи назаридан ўзига хос хусусиятларга эга инновацион лойиҳаларни фарқлаш керак:²⁰

а)инвестицион лойиҳалар, масалан, янги саноат объектлари қурилишига (энергетика, транспорт, алоқа ва ҳ.к.) йирик капитал қўйилмалар;

¹⁹Комилжанов Б.И. Инновациявий менежмент услубларини такомиллаштириш Т.: Фан– 2007. 172б.

²⁰ Саидова Г.А., Атаханова Ш.С. Инновацион лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва бошқариш усуллари // Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар илмий электрон журнал №5, 2012 йил, июль

б) илмий-техник (инновацион) - илғор технологиялар, янгиликлар, маҳсулотлар ва хизматлар.

Ушбу инновацион лойиҳалар ўртасида муҳим фарқ қуйидагича:

- саноат корхоналарига капитал қўйилмалар ҳақидаги мавжуд молиявий ахборот;
- инновацион илмий-техник лойиҳалар мавҳумликнинг юқори даражасига эга эканлиги билан фарқ қилиб, улар шундай афзалликка эгаки, ишланманинг илк босқичидаёқ катта бўлмаган молиявий йўқотишлар билан тўхтатиб қўйилиши мумкин;
- илмий-техник лойиҳаларда ахборот инвестициявий лойиҳаларга караганда кўпроқ чекланганлиги ва мос эмаслиги билан фарқ қилади. Бу эса мустақил экспертларнинг лойиҳаларни баҳолаш бўйича фикрларини корреляциялашни ниҳоятда қийинлаштиради;
- Инновацион лойиҳалар кўп мезонлилиги ва юқори даражали мавҳумлилиги билангина фарқ қилмасдан, балки сифатли баҳолаш бўйича ҳам фарқланади.

Инновацион лойиҳани ташкил этиш бўйича ишларни тузилмалаштиришда, лойиҳани ташкил этиш босқичини алоҳида ажратиш мақсадга мувофиқ. Ўз навбатида, инновацион лойиҳани ташкил этиш босқичидаги асосий ишлар қуйидагилардан иборат бўлади²¹:

- бажарувчилар жамоасини шакллантириш ва улар ўртасида функцияларни тақсимлаш;
- ресурсларни ва ваколатларни тақсимлаш;
- зарур бўлганда ташкилий тузилмаларни лойиҳалаштириш ва лойиҳани амалга ошириш инфратузилмасини шакллантириш;
- лойиҳани молиялаштириш масаласини ечиш;
- зарур бўлган рухсат берувчи ҳужжатлар.

²¹ Комилжанов Б.И. Инновациявий менежмент услубларини такомиллаштириш Т.: Фан – 2007. 172б.

Инновацион лойиҳалар, ғоялар, фикрлар ва илмий-техник ечимларнинг аҳамият даражаси қуйидаги кўринишларда таснифланади²²:

-модернизацион лойиҳалар, бунда намуна конструкцияси ёки асосий технологиянинг туб қисми ўзгармайди;

-новаторлик лойиҳалар, бунда янги буюм конструкцияси турига ва элементлари хоссаларига қараб олдингисидан жиддий фарқ қилади (янги хоссаларни қўшиш, масалан, ушбу турдаги буюмларда илгари қўлланилмаган автоматлаштириш воситаларини, лекин бошқа турдаги буюмларда қўлланганларини киритиш);

-илгарилаб борувчи, бунда конструкция илгарилаб борувчи ечимларга асосланади;

-пионер лойиҳалар, илгари мавжуд бўлмаган материаллар пайдо бўлганда;

-олдинги ва ҳаттоки янги функцияларни бажарадиган конструкциялар ва технологиялар.

Инновацион лойиҳанинг аҳамият даражаси унинг мураккаблиги, давомийлиги, ижрочилар таркиби, кўлами, натижаларни илгари суриш хусусияти билан белгиланади, бу лойиҳани бошқариш мазмунига ҳам ўз таъсирини ўтказди.

Бажарилаётган ишлар ҳажми ва давомийлигига қараб лойиҳалар:

- қисқа муддатли (1 йилгача);
- ўрта муддатли (5 йилгача);
- узоқмуддатли (5 йилдан ортиқ) бўлиши мумкин.

Лойиҳа босқичлари ва поғоналари таркиби унинг тармоқ ва функционал мансублигига қараб белгиланади.

“Лойиҳа” тушунчаси билан бир қаторда, **“инновацион дастур”** деган тушунча ҳам мавжуд. Бу тушунчалар ўзаро бир-бири билан чамбарчас боғланган. Дастур - бу лойиҳа шаклларида бири, дастурлаш эса – лойиҳалар

²² Саидова Г.А., Атаханова Ш.С. Инновацион лойиҳалар ишлаб чиқиш ва бошқариш усуллари // Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар илмий электрон журнал №5, 2012 йил, июль

хаёт цикли босқичларидан бири бўлса-да, уларнинг хусусиятлари анчагина фарқланади, дастур кўшимча қатор янги хусусиятларни орттиради.

Инновацион дастур лойиҳаларнинг мураккаб комбинацияси бўлиб, бошқарув объекти сифатида алоҳида лойиҳадан ёки ўзаро бир-бири билан жуда заиф боғланган, корхона ёки унинг ижрочилари томонидан бажариладиган лойиҳалардан жуда кучли фарқ қилади.

Замонавий инновацион лойиҳаларни ишлаб чиқиш, одатда, катта инвестицияларни талаб қилишини, улар эса доим ҳам бўлавермаслигини ҳисобга олиш зарур. Шунинг учун инвестициялар ҳақидаги масала анча қийин ҳал этиладиган муаммодир, чунки мазкур лойиҳанинг зарур ва фойдал ҳамда самаралилигини исботлаш керак бўлади. Бу ҳолатда асосийси молиялаштириш манбаини танлаш, унинг ҳажмини, вақт бўйича тўловлар даражаси ва шу кабиларни амалга ошириши даркор. Бу ҳолатда инвестор ўзига лойиҳанинг моҳиятини тушунтириб бериш, ҳамкорлик қандай афзаллик беришини, энг асосийси, улар оладиган минимал ва юқори фойда миқдорини намоиш қилиши талаб этилади. Ушбу кўрсаткичларнинг барчасини инвесторларни капитал ажратишига ишонтириш учун тегишли тарзда расмийлаштириш керак.

Инновацион лойиҳа етарлича батафсил тузилиши керак, чунки бўлажак инвестор лойиҳа билан танишганда мўлжалланаётган дастур ҳақида тўлиқ тасаввурга эга бўлиши ва унинг мақсадларини тушуниши лозим. Инновацион лойиҳани қай даражада деталлаштириш ва унинг таркиби бўлажак дастур ва у тегишли соҳа ҳажмларига боғлиқ. Масалан, қандайдир маҳсулотни ишлаб чиқариш ёки инновацион технологияни жорий этишни йўлга қўйиш кўзда тутилаётган бўлса, батафсил режа ишлаб чиқилиши лозим, унинг қанчалик батафсиллиги инновацион дастурнинг якуний маҳсулоти мураккаблигига ва мазкур маҳсулот бозорининг мураккаблигига боғлиқ.

Инновацион лойиҳанинг асосий бўлимлари қуйидагилардан иборат бўлиб, улар:

- умумий кўриниш;
- товарлар ёки хизматлар тавсифи;
- товарлар ва хизматларни сотиш бозорлари;
- товарлар ва хизматлар рақобатбардошлиги;
- маркетинг режаси;
- ишлаб чиқариш режаси;
- ташкилий режа;
- лойиҳанинг юридик таъминоти;
- иқтисодий таваккалчилик;
- молиялаштириш стратегияси;
- молиявий режалардан иборатдир.²³ (1-Иловага қаранг.)

Инновацион лойиҳанинг таркиби, шунингдек, тахмин қилинаётган сотув бозори кўламига, рақобатчиларнинг бор-йўқлигига ва дастур натижаларидан фойдаланиш истиқболларига боғлиқ.

Шундай қилиб, инновацион лойиҳани ташкил этиш йўналишини танлаш ва уни асослаш корхонанинг муҳим стратегик вазифаларидан бири бўлиб, у ёки бу янгиликни жорий этиш қандай фойда келтиришини, шунингдек, корхонанинг самарали фаолиятини энг асосий мезони бўлиб нима хизмат қилишини исботлаб бериши лозим.

Таъкидлаш жоизки, инновацион лойиҳаларни таҳлил қилиш ва танлаш турли техник ечимлар ҳамда молиявий-иқтисодий омилларни ҳисобга олиб, янгилик ҳаётий циклининг барча босқичларида харажатларни башоратлаш имконини берадиган усуллар ва услублар жамланмаси асосида олиб борилади.

Инновацион лойиҳа портфелини шакллантириш босқичма-босқич амалга оширилади:

1. Инновацион лойиҳаларни дастлабки босқичини танлаш.

Босқичнинг мақсади - тақдим этилган инновацион лойиҳаларни

²³ Саидова Г.А., Атаханова Ш.С. Инновацион лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва бошқариш усуллари // Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар илмий электрон журнал №5, 2012 йил, июль

умумлаштирилган таҳлилдан ўтказиш ва баҳолаш. Ушбу босқич куйидаги одимларни ўз ичига олади:

- а) инновацияларни амалга оширишда ташкилотнинг асосий муаммолари ечимини таклиф эта оладиган асосий йўналишларини белгилаш;
- б) ажратиб олинган йўналишлар бўйича экспертизалар олиб бориш учун лойиҳаларни тақсимлаш;
- в) экспертизанинг ишчи усулини ишлаб чиқиш;
- г) эксперт гуруҳлар ишини ташкил қилиш;
- д) ҳисоб-китоблар ва экспертизалар натижалари бўйича лойиҳаларга дастлабки баҳо бериш;
- е) истиқболи йўқ лойиҳаларни чиқариб ташлаш.

Юқорида қайд этилган босқичда лойиҳа битта энг муҳим мезон (масалан, иқтисодий самарадорлик мезони - диссертант) бўйича танланади, бунда баҳолаш параметри паст бўлган лойиҳаларни чиқариб ташлашдан иборат оддий қоидадан фойдаланилади.

2. Устувор (бошланғич) йўналишлар бўйича портфелни шакллантириш.

Босқичнинг мақсади - лойиҳаларни устуворликлар бўйича пухта таҳлилқилиш ва тақсимлаш. Бу ерда куйидаги қадамлар кўзда тутилади:

- а) инновацион лойиҳаларни бир нечта мезонлар (3–5та) бўйича таҳлил қилиш;
- б) лойиҳаларнинг устуворлик даражасини аниқлаш;
- в) лойиҳаларни устуворлик даражалари бўйича тақсимлаш.

Барча лойиҳалар тегишли шкала бўйича, масалан, “паст”, “ўртаданпаст”, “ўртадан юқори”, “юқори” баҳо билан баҳоланади. “Ўртадан юқори” ёки “юқори” баҳо олмаган лойиҳалар дастлабки танлов босқичидаёқ чиқариб ташланади ва рад этилган деб ҳисобланади. Қолган лойиҳалар устуворлик даражаси бўйича тақсимланади:

- а) устувор лойиҳалар – бу умумий самараси (натижалар/сарф-харажатлар) 70 - 80 фоиздан кам бўлмайдиган лойиҳалардир;
- б) устувор лойиҳаларнинг биринчи 20 – 30 фоизи ўта устувор

лойиҳалар ҳисобланади.

Лойиҳаларни устуворлик бўйича сайқаллаш, ресурсларни лойиҳалар ўртасида тақсимлаш учун керак.

3. Молиявий ва бошқа ресурсларни инновациялар портфели ичида тақсимлаш.

Бунда “харажатлар – самарадорлик”схемасига асосланган қарор қабул қилиш қондасидан фойдаланилади: биринчи навбатда, нақд пул маблағлари иқтисодий самарадорлиги максимал даражага (устуворлик даражасига) эга бўлган лойиҳага ажратилади.

Жаҳон амалиётида “харажатлар - самарадорлик”ни таҳлил қилиш барча молияни тақсимлаш механизмлари учун мажбурий жараёндир. Буни шу билан изоҳлаш мумкинки, ушбу қондани амалий қўллаш қанчалик осон бўлмасин, у қуйидагиларга эришиш имконини берадиган лойиҳалар портфелини таъминлайди:

- берилган чекланган маблағлар доирасида максимал самарадорлик;
- талаб этилган натижа ва самарадорлик даражасига минимал сарф-харажатлар.

Корхонада шундай вазият юзага келиши мумкинки, инновацион лойиҳаларни амалга оширишга маблағларнинг етарли эмаслиги тўсқинлик қилади.

Бундай ҳолда қўшимча инвесторларни ҳамда хусусий молиявий маблағларни излаб топиш ёки мавжуд инновацион лойиҳалар портфелини ўзгартириш зарур бўлади.

4. Лойиҳалар портфелини аниқлаштириш - лойиҳаларнинг бир қисмини ўзига жалб қилиши кўпроқ лойиҳалар фойдасига ҳамда инвестицион маблағларнинг миқдориغا қараб кесиб ташлаш.

Шундай қилиб, инновацион ишлар портфелини танлашга тажриба, билим, соғлом идрок, иқтисодий билимлар, ходимлар имкониятлари ва инновацияларни жорий этиш ютуқлари эҳтимоллиги кутилаётган натижалар ҳақида яхши тасаввурга эга бўлиш, илмий ходимлар, бўлинмалар

менежерлари фаолиятини рағбатлантирувчи омилларни танлай олишни талаб қиладиган анча мураккаб муаммо сифатида қаралиши керак.

Айни пайтда инновацияларни бошқаришда қуйидаги муаммолар мавжуд:

- инновацияларга сарф-харажатларни камайтириш;
- жаҳон илмий-техник тараққиётдан техникани ривожлантиришнинг сифат кўрсаткичлари бўйича оқсоқлаш суръатларининг ўсиши;
- мавжуд моддий-техник, ишлаб чиқариш-иқтисодий ва ижтимоий-ташкилий тузилмалар ишида мослашувчанликнинг йўқлиги;
- инновацион жараёнларнинг ҳаддан ташқари кўп вақтни олиши (айниқса, инновациялар ҳаётий циклининг охириги босқичида);
- инновациялар тарқалишининг чекланганлиги (уларнинг битта-иккита корхоналарда жорий этилиши);
- радикал инновациялар тутган ўрнининг ниҳоятда пастлиги;
- инновациялардан манфаатдорликнинг йўқлиги;
- сўнгги 10-15 йилда ишлаб чиқаришни техник қайта қуроллантириш ва модернизация қилиш дастурлари бўйича инвестицияларнинг деярли бутунлай тўхтатилиши²⁴.

Ҳозирги кунда бир қатор ахборот технолгиялари мавжудки, улар муаммо ечилиши даражасини анча кўтариш имконини беради. Бошқарувнинг мавжуд услуб ва воситаларидан фойдаланиш, қуйидаги функциялар бажарилишини расмийлаштириш имконини беради²⁵:

- лойиҳа мақсадини аниқлаш ва уни асослаш;
- оралиқ мақсад ва босқичларни ажратган ҳолда лойиҳани тузилмалаштириш;
- мумкин бўлган таваккалчиликларни ҳисобга олган ҳолда зарурий молиялаштириш ҳажмларини аниқлаш;

²⁴Саидова Г.А., Атаханова Ш.С. Инновацион лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва бошқариш усуллари // Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар илмий электрон журнал №5, 2012 йил, июль

²⁵Комилжанов Б.И. Инновациявий менежмент услубларини такомиллаштириш Т.: Фан, – 2007. 172б.

- лойиҳани бажарилиш муддатларини белгилаш ва лойиҳани амалга ошириш графигини ишлаб чиқариш;
- автоматлаштирилган лойиҳалаштириш услубларини қўллаш;
- зарурий ҳисоботларни автоматлаштирилган расмийлаштириш билан лойиҳани бажариш устидан назорат ўрнатиш.

Инновацион лойиҳа концепциясини ишлаб чиқариш босқичида қуйидаги асосий услубларидан фойдаланилади:

- лойиҳа мақсадларини аниқлаш услублари;
- мақсадларга эришиш йўллари таърифи ва таҳлилини расмийлаштириш услублари (мақсадлар дарахти, эксперт тизимлари, ижтимоий таҳлил ва ҳоказо);
- концептуал лойиҳалаштириш услублари.


Инновацион лойиҳани муваффақиятли амалга оширишнинг асосий шартлари сифатида қуйидагиларни таъкидлаш мумкин:

- лойиҳанинг предмет соҳаси, бошланғич шароитлар ва чекланишлари расмий ифодасини ўз ичига олган, бизнес-режа мавжудлиги;
- мезонлар танловини асослаш, ресурслар тақсимотини оптимиллаштириш ва батафсил молиявий режа ишлаб чиқишни ҳисобга олган ҳолдаги муқобил вариантлар таҳлили;
- ижтимоий омилни ҳисобга олиш бўйича таклифлар.

Инновацион жараёнларни бошқариш инфратузилмасини барпо этиш масаласини тўртта йўналишга ажратилган ҳолда кўриб чиқиш мумкин (1.2.1-чизма):

1.2.1-чизма

Инновацион жараёнларни бошқаришнинг тузилмавий муаммолари



- инновацияларни бошқариш назарияси – инновацион лойиҳа ўзига хос бошқарув субъекти сифатида қараладиган йўналиш, бу ерда бошқарув жараёнининг самарали моделлари яратилади, бошқарув қонунлари ва алгоритмлари ишлаб чиқилади:

- инновацияларни бошқаришнинг инструментал воситалари – инновацион лойиҳа бошқарувчиларининг автоматлаштирилган иш жойлари яратилишига олиб келиши лозим бўлган йўналиш;

- олий касбий таълимнинг янги йўналишини шакллантириш ва услубий таъминлаш, бунда инновацион жараёнлар таълим фаолиятининг объекти ва субъекти сифатида қаралади;

- инновацион технологиялар, унинг доирасида инновацион лойиҳаларни амалга ошириш технологиялари таклиф этилиши керак.

Ҳозирги кунгача мамлакатимиз томонидан инновацион лойиҳаларни ташкил этиш, рағбатлантириш мақсадида турли хил қарорлар қабул қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2007-2011 йиллардаги даврда қурилиш материаллари саноати корхоналарини модернизация қилиш,

техникавий ва технологик қайта жиҳозлаш дастури тўғрисида”²⁶ 2007 йил 1 июндаги ПҚ-646-сон қарори мамлакатимизда саноат корхоналари ривожланишига, инновацион салоҳиятини юксалишига бўлган эътиборнинг илк босқичи дейиш мумкин. Сабаби, 2007 йилдан бошлаб мамлакатимизда улкан ривожланиш даври бошланди. Ушбу қарор ижроси билан янги турдаги қурилиш материалларини ишлаб чиқариш йўлга қўйилди, саноат корхоналарини модернизация қилиниши натижасида янгидан-янги технологиялар олиб кирилди.

Илмий-амалий тадқиқотлар ва инновацион ишланмалар ривожлантирилиши ҳамда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш жараёнларига татбиқ этишни рағбатлантириш бўйича амалий механизмлар яратиш, фан ва ишлаб чиқаришнинг янада мустаҳкам алоқасини таъминлаш мақсадида, шунингдек, илмий-тадқиқот ташкилотлари ҳамда реал иқтисодиёт тармоқлари корхоналари ўртасида узвий ҳамкорлик алоқаларини ўрнатишда инновацион ғоялар ва лойиҳалар Республика ярмаркасини ташкил бўйича Президентнинг “Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”²⁷ 2008 йил 15 июлдаги , ПҚ-916-сонли қарори қабул қилинди.

Юқори қўшилган қийматга эга бўлган рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришни таъминлайдиган замонавий, юксак технологияли ишлаб чиқаришларни ташкил этиш учун хорижий ва маҳаллий инвестицияларни жалб этиш бўйича қулай шарт-шароитларни шакллантириш, шунингдек, Навоий, Тошкент, Жиззах вилоятларининг ишлаб чиқариш, ресурс салоҳиятларидан комплекс ҳамда самарали фойдаланиш шу асосда янги иш жойларини яратиш ва аҳоли даромадларини ошириш мақсадида Ўзбекистон

²⁶ Каримов И.А. 2007-2011 йиллардаги даврда қурилиш материаллари саноати корхоналарини модернизация қилиш, техникавий ва технологик қайта жиҳозлаш дастури тўғрисида 2007 йил 1 июндаги ПҚ-646-сон қарори – lex.uz

²⁷ Каримов И.А. Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида 2008 йил 15 июлдаги, ПҚ-916-сонли қарори – lex.uz

Республикаси Президентининг 2008 йил 2 декабрдаги ПФ-4059-сонли, 2012 йил 13 апрелдаги ПФ-4436-сонли, 2013 йил 18 мартдаги ПФ-4516-сонли фармони қабул қилинди.²⁸ Президент фармонига биноан, юқорида санаб ўтилган вилоятлар махсус индустриал зона сифатида фаолият кўртсатиши белгилаб берилган.

Республика саноатини барқарор, жадал ва мутаносиб равишда ривожлантириш, асосий саноат тармоқларини диверсификация қилишга ҳамда экспорт салоҳиятини ўстиришга йўналтирилган таркибий ўзгаришларни чуқурлаштириш, саноат тармоқлари, комплекслари ва корхоналарини модернизация қилиш, ишлаб чиқаришни техник ва технологик янгилаш асосида уларнинг самарадорлиги ҳамда рақобатбардошлигини янада ошириш мақсадида “2011-2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида” Президентнинг 2010 йил 15 декабрдаги ПҚ-1442 сонли қарори қабул қилинди.

Бизнинг фикримизча, мазкур қарор ва фармонларни қабул қилиниши мамлакатимиз, унда фаолият кўрсатаётган барча ишлаб чиқариш корхоналарнинг инновацион салоҳиятини ривожланишига, бошқарув тизимида янгича услублардан фойдаланишга, дунёда етакчи бўлган давлатлар қаторидан ўрин эгаллашига хизмат қилади.

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, лойиҳа ҳаётий циклини ташкил этувчи ишлар таркибида, юқорида санаб ўтилган жуда ҳам паст даражада таҳлил ва лойиҳалаштиришнинг расмий услублари ёрдами билан таъминланган бўлиб, кўпинча ижодий ёндашувни талаб қилади.

1.3. Корхоналарнинг инновацион салоҳиятини баҳолаш ва унинг самарадорлигини ҳисоблаш усуллари

²⁸ Каримов И.А. Навоий вилоятида эркин индустриал-иқтисодий зона ташкил этиш тўғрисидаги 2008 йил 2 декабрдаги, ПФ-4059 сонли, Ангрен махсус индустриал зонасини барпо этиш тўғрисида 2012 йил 13 апрелдаги ПФ-4436-сонли, Жиззах махсус индустриал зонасини барпо этиш тўғрисидаги 2013 йил 18 мартдаги ПФ-4516-сонли фармонлари – lex.uz

Ҳозирги кун бозор иқтисодиёти шароитида инновацион салоҳият самарадорлигини аниқлаш (ҳисоблаш) муҳим аҳамият касб этади. Хусусан, корхонларда инновацион салоҳиятни баҳолашда қуйидаги кўрсаткичлардан фойдаланиш мумкин²⁹:

- илмий-техник салоҳият (илмий даражага эга ходим сони; бир ходимга тўғри келадиган рационализаторлик таклифлар сони; патентлар сони ва бошқалар);
- коммерциализация кўрсаткичлари (ишлаб чиқараётган ҳажмида янги маҳсулот улуши; лицензия шартномалари сони ва бошқалар);
- бажарилаётган ишларнинг давомийлиги (инновацион даврнинг катталиги);
- инновациянинг бошқарилаётган тизими тавсифи (корхонада инновацион фаолиятни рағбатлантириш шакллари, юқори даражадаги раҳбарларнинг инновацион лойиҳаларни амалга оширишда қатнашиши, инновацион фаолиятга қатнашувчиларга эркинлик даражасини таъминланиши).

Инновацион фаоллик корхона фаолиятининг жони, унинг моҳияти ҳисобланади. Бозор иқтисодиёти шароитида янгилик излашга мойил, рақобатли курашда муваффақиятга эришиш учун бирор тадбирни амалга оширишга тайёр бўлган корхона ёки ташкилот раҳбари сазовор бўла олади. Бу кучли рақобат шароитларида яшовчанлик эҳтиёжларини таъминлаш учун ҳаётий заруратдир. Инновационлик рақобат қонуни бўлиб, бозор иқтисодиётининг ажралмас қисмидир. Усиз ҳар қандай бозор тизими мувоффақиятсизликка учраши муқаррар.

Турли мулкчилик шаклидаги корхоналарнинг инновацион салоҳиятини баҳолашда эса қуйидагиларни аниқ белгилаш лозим.³⁰

²⁹Зайнутдинов Ш.Н. Инновацион салоҳиятни ошириш стратегияси. // Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар илмий электрон журнал №1 2011 й.

³⁰Зайнутдинов Ш.Н. Инновацион салоҳиятни ошириш стратегияси. // Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар илмий электрон журнал №1 2011 й.

1. Корхоналарни инновацияларнинг рискли йўлига қадам қўйишига ундовчи рағбатлар.

2. Корхоналар учун инновацияларни амалга ошириш.

Одатда корхоналарнинг инновацияларга рағбатлантириш уларнинг сифатли, рақобатбардош, янги маҳсулот ишлаб чиқариш ёки янада самарали ва модификацияланган технологиялардан фойдаланиш асосида олаётган фойда миқдорини оширишга интилиши билан боғланади. Мувоффақиятли инновациялар фойда ва хаттоки қўшимча фойда келтиради. Бироқ қўшимча фойда ёки қўшимча фойдаси йўлидаги инновацион бўсақадан ҳамма ҳам ўта олмайди. Янги маҳсулот ва технологияларни ўзлаштириш даврида харажат баланд бўлади.

Инновацион салоҳият тактик ва стратегик характерга эга бўлган қуйидаги асосий вазифаларни ўз ичига олади:

- ташқи ва ички бозорлардаги маҳсулотнинг реал рақобатбардошлигини баҳолаш;
- ишлаб чиқариш ва эксплуатациявий умумий харажатларини минимумга олиб келган ҳолда сифатнинг берилган даражасини таъминлаш;
- инвестицияларнинг зарурий ҳажмини ва уларни инновацион жараён босқичлари ҳамда иштирокчилари ўртасида тақсимланишини аниқлаш;
- янги маҳсулот сифатига бўлган харажатлар ва ишлаб чиқарувчининг инновацион фаолияти натижаларининг ўзаро алоқасини аниқлаш.³¹

Бозор иқтисодиёти шароитларида инновацияларни амалга ошириш самарадорлигини аниқлаш муҳим аҳамиятга эга. Ҳисобга олинadиган натижа ва харажатларга боғлиқ ҳолда самарадорликнинг қуйидаги турлари мавжуд. (1.3.1-жадвал)

Натижа ва харажатларни ҳисобга олишнинг вақт даврига боғлиқ ҳолда, жорий давр самарадорлиги ва йиллик самарадорлик кўрсаткичлари фарқланади.

1.3.1-жадвал

³¹Комилжанов Б.И. Инновациявий менежмент услубларини такомиллаштириш Т.: Фан нашриёти – 2007. 172б.

Инновацион самарадорлик турлари

самарадорлик турлари	омиллар, кўрсаткичлар
1. Иқтисодий	Кўрсаткичлар, инновацияни амалга ошириш билан белгиланадиган қиймат ифодасига эга барча натижалар ва харажатларни ҳисобга олади.
2. Илмий-техник	Янгилик, оддийлик, фойдалилик, дидга мослик, ихчамлик.
3. Молиявий	Кўрсаткичларни ҳисоблаш молиявий кўрсаткичларга асосланади
4. Ресурс	Кўрсаткичлар, ишлаб чиқариш ҳажми ва у ёки бу ресурс турининг истеъмолига, инновация таъсирини кўрсатади.
5. Ижтимоий	Кўрсаткичлар, инновацияни амалга оширишнинг ижтимоий натижаларини ҳисобга олади.
6. Экологик	Шовқин, электрмагнит майдон, ёруғлик, тебраниш, зарарли газлар, оғир металллар. Кўрсаткичлар, инновациянинг атроф муҳитга бўлган таъсирини ҳисобга олади.

Қабул қилинган вақт даврининг давомийлиги қуйидаги омилларга боғлиқ бўлади:³²

- инновацион давр давомийлиги;
- инновацион объектларининг хизмат муддати;
- бошланғич ахборотнинг ишончилиги даражаси;
- инвесторлар талаби.

Маълумки, самарадорликни баҳолашнинг умумий тамойили натижа ва харажатларни таққослашга асосланади. Ушбу нисбат ҳам натурал, ҳам пул катталикларида ифодаланган бўлиши мумкин. Аммо, асосийси “ишлаб чиқаришдаги самарадорлик – бу доимо нисбат” эканилигини билиш муҳимдир.

Умуман олганда, инновацион салоҳиятнинг энг қулай вариантини танлаш ва иқтисодий самарадорлигини аниқлаш муаммоси, бир томондан, инновациялардан олинган пировард натижанинг, уларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш харажатларидан юқори бўлишини, иккинчи томонидан эса, олинган натижаларни бошқа ўхшаш инновациялардан олиниши мумкин бўлган натижалар билан таққослашни талаб қилади.

³²Комилжанов Б.И. Инновациявий менежмент услубларини такомиллаштириш Т.: Фан– 2007. 172б.

Натижаларни харажатлар билан таққослашга асосланган инновацион салоҳият самарадорлигини ҳисоблаш услуги, янги ишланмалардан фойдаланиш мақсадга мувофиқлиги тўғрисида қарор қабул қилиш имконини беради.

Инновацион салоҳиятнинг умумий иқтисодий самарадорлигини баҳолаш учун қуйидаги кўрсаткичлар тизимидан фойдаланиши мумкин.³³

1. Интеграл самарадорлик

($C_{\text{инт}}$) – бошланғич йилга олиб келинган, яъни дисконтланган, ҳисоб даври натижалари ва инновацион харажатларининг айирмаси катталигидир.

Бу ерда: T_x – ҳисоб йўли;

X_{t-t} – йилдаги инновацион харажатлар;

α_t – дисконтлаш коэффиценти.

Интеграл самарадорлик, шунингдек, соф дисконланган даромад, соф келтирилган қиймат, соф келтирилган самарадорлик деб ҳам номланади.

2. Инновациялар рентабеллиги индекси

Дисконтлаш услуги – турли вақтда амалга оширилган харажат ва даромадлар услуги, маблағ кам бўлганда инновацияларга маблағ қўйиш йўналишини танлаш имконини беради. Ушбу услуб, қаттиқ чегараланган бюджетдан молиялаштириладиган ташкилотлар учун фойдали ҳисобланади.

Рентабеллик индекси – битта даврга олиб келинган даромадлар ва инновацион харажатларнинг нисбатидир.

Рентабеллик индекси қуйидаги формула бўйича ҳисобланади:

$$I_R = \frac{\sum_{j=0}^{T_r} D_j \cdot \alpha_1}{\sum_{t=0}^{T_r} K_t \cdot \alpha_1} \quad (2)$$

³³ Комилжанов Б.И. Инновациявий менежмент услубларини такомиллаштириш Т.: Фан нашриёти – 2007. 172б.

J_r – рентабеллик индекси;

D_j – j -даврдаги даромад;

K_t – t -даврдаги инновацияларга оширилган капитал қўйилмалар ҳажми.

Бу ерда тўлов оқимларининг инновацион даромад ва инвестициявий қисмлари таққосланади. Маблағлар чекланганлиги ва танқислиги шароитида, рентабеллик индекси юқори бўлган инновацион лойиҳалар устуворлигига эга бўлиши керак.

3. Рентабеллик меъёри

E_p – дисконтнинг шундай меъёрики, унда муайян йиллардаги дисконтланган даромадлар катталиги инновацион қўйилмаларга тенг бўлади. Бунда инновацион лойиҳанинг даромад ва харажатлари ҳисоб вақтида келтирилиш йўли билан топилади.

$$K = \sum_{t=1}^T \frac{K_1}{(1 + E_p)^t} \quad (4)$$

Ушбу кўрсаткич муайян инвестициявий қарорнинг, дисконт ставкаси билан ифодаланадиган даромадлилик даражасини бошқачароқ тавсифлайди.

Олинган E_p катталигини инвестор томонидан талаб қилинадиган рентабеллик меъёри билан таққосланади. Инновацион қарорни қабул қилиш тўғрисидаги масала, E_p қиймати инвестор талаб қилган катталиқдан паст бўлмаган тақдирдагина кўриб чиқилиши мумкин.

Агарда инновацион лойиҳа банк ссудаси ҳисобига тўлиқ молиялаштирилса, унда E_p банк фоиз ставкасининг мумкин бўлган максимал даражасини кўрсатади, фоиз ставкасининг ушбу даражадан юқори бўлиши лойиҳани самарасиз қилади. Инновацион фаолият натижалари муайян буюмлашган шаклга эга бўлиши ёки буюмлашмаган шаклда бўлиши мумкин. Инновацион салоҳиятни амалга ошириш ички ва ташқи харажатлар

билан боғлиқ.³⁴ Ўз навбатида ички харажатларни молиялаштириш манбалари қуйидагича тақсимланади:

- корхонанинг ўз шахсий маблағлари;
- бюджет маблағлари;
- нобюджет жамғармаларининг маблағлари;
- тадбиркорлик сектори ташкилотларининг маблағлари.

Тадқиқот ва ишланмаларга бўлган ички жорий харажатлар иш турлари ва фаолият секторлари бўйича тақсимланади. Хусусан, иш турлари бўйича:

- фундаментал тадқиқотлар;
- амалий тадқиқотлар;
- ишланмалар.

Фаолият секторлари бўйича:

- давлат;
- тадбиркорлик;
- олий таълим сектори;
- хусусий фойдасиз сектор.

Инновацион салоҳиятга эга бўлган харажатлар самарадорлигини баҳолаш учун, унинг натижаларини баҳолаш муаммосини ҳал этиш лозим.

Ишлаб чиқарувчилар ва харидорлардаги инновацион салоҳиятга эга бўлган харажатлар самарадорлигини фарқлаш лозим.

Янги маҳсулот турларини тайёрлаш, уларнинг технологик жаранёлари ва ишлаб чиқаришни ўзлаштириш харажатлари маҳсулот таннархига киритилмаслиги тармоқ ва тармоқлараро ИТТКИларни ва янги маҳсулот турларини ўзлаштириш бўйича тадбирларни молиялаштирувчи нобюджет жамғармалари ҳисобига қопланиши лозим.

ИТТКИ тармоқ ва тармоқлараро жамғармаларини яратиш ва уларни фойдаланиш тартиби Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг тегишли қарорлари билан белгиланади.

³⁴ Комилжанов Б.И. Инновациявий менежмент услубларини такомиллаштириш Т.: Фан – 2007. 172б.

Нобюджет жамғармаларининг маблағлари янги турдаги маҳсулот, ҳом ашё ва материалларни яратиш, инновацион (янги) технологияларни ишлаб чиқариш, фойдаланилаётган эски технологияларни янгисига модернизация қилиш, маҳсулотнинг техник ва технологик даражасини ошириш, меҳнат муҳофазаси, техник хавфсизлиги ишлари ҳамда бошқалар бўйича илмий-тадқиқот, тажриба–конструкторлики ишларини молиялаш-тиришга йўналтирилади.

Нобюджет жамғармаларидан олинган маблағлар ўз мақсади бўйича ишлатилиши шарт.

Кашфиётчилик билан боғлиқ харажатлар қуйидагиларни ўз ичига олади:

- тажриба-синов ишларини олиб бориш харажатлари;
- модел ва намуналарни яратиш харажатлари;
- кўргазмалар, конкурслар ва бошқа маркетинг тадбирларини амалга ошириш харажатлари.

Харидор, инновацион маҳсулот харид қилиши билан ўз моддий-техника базасини ишлаб чиқариб, бошқарув технологиясини такомиллаштиради. У инновацион маҳсулотни харид қилиш, уларни ташиш, ўзлаштириш ва ҳоказо харажатларни ўз бўйнига олади.

Инновацион маҳсулотлардан фойдаланишга бўлган харажатлар самарадорлигини, қуйидаги кўрсаткичларда таҳлил қилган ҳолда бошқариш мумкин:

- инновацияларни ўзлаштириш харажатлари;
- маҳсулотни ишлаб чиқариш ва сотишга бўлган умумий харажатлар;
- инновацияларни қўллаган ҳолда ишлаб чиқарилган маҳсулотни сотишдан олинган тушум;
- инновацияларни қўллаган ҳолда ишлаб чиқарилган маҳсулотни сотишдан олинган фойда;
- барча маҳсулотни сотишдан олинган тушум;
- асосий фондларнинг қиймати;

- соф фойда;
- ходимларнинг ўртача рўйхат бўйича сони.

Инновацион салоҳият бошқарувини таҳлил қилишда одатда қуйидаги шартли белгиларни киритилган:

X – сотилган маҳсулотни ишлаб чиқариш харажатлари;

OT – бутун маҳсулотни сотишдан олинган тушум;

$ИЎХ$ – инновацияларни ўзлаштириш харажатлари;

$ИМТ$ – инновацияларни қўллаган ҳолда ишлаб чиқарилган маҳсулотни сотишдан олинган тушум;

$МФ$ – маҳсулотни сотишдан олинган фойда;

$НА$ – номоддий активлар қиймати;

$НА/АФ$ – номоддий активлар ва асосий фондлар нисбати коэффициенти;

X/OT – савдо ҳажмининг бир-бирига тўғри келадиган харажатлар;

$СФ$ – соф фойда.

Инновацияларни ўзлаштиришга бўлган харажатларнинг самарадорлиги қуйидагиларда намоён бўлади:

- маҳсулот таннархининг пасайиши;
- меҳнат фонди билан қуроғланишнинг ўсиши;
- меҳнат унумдорлигининг ўсиши;
- маҳсулотни сотиш ҳажмининг ошиши;
- сотувлар рентабеллиги ва бошқа ишлаб чиқариш ҳамда молиявий кўрсаткичларининг ўсиши.

Инновацияларни ўзлаштиришнинг маҳсулот таннарига таъсирини таҳлил этиш учун натижавий кўрсаткичи сифатида савдо ҳажмининг бир-бирига тўғри келадиган харажатларни оламиз. Инновацияларни ўзлаштириш харажатларининг савдо ҳажми бир-бирига таъсирини таҳлил этиш имкониятини қуйидаги модел беради:

$$\frac{X}{OT} = \frac{ИУХ}{ИМТ} \cdot \frac{X}{ИУХ} \cdot \frac{ИМТ}{OT} \quad (5)$$

Бу ерда:

$\frac{ИУх}{ИМТ}$ – инновацияларни ўзлаштириш харажатлари, уларни қўлланган ҳолда ишлаб чиқарилган маҳсулот бирлигига нисбати;

– харажатларни, маҳсулот таннархига киритиладиган бошқа харажатлар ҳисобига ошиш коэффициенти;

$\frac{ИМТ}{ОТ}$ – янги маҳсулотдан тушган тушумнинг, умумий тушумдаги улуши.

Янги техника ёки технологияни қўллаган ҳолда ишлаб чиқарилган маҳсулотларни сотишдан олинган фойданинг, номоддий активларнинг ўртача йиллик қийматига таъсири, номоддий активлар рентабеллигини тавсифлайди:

$$R_{НА} = \frac{ЯМФ}{НА} \quad (6)$$

Бу ерда: $R_{НА}$ – инновацияларни ўзлаштиришдаги номоддий активлар рентабеллиги.

Корхона бошқарувининг инновацион ривожланиш самарадорлигини ҳисоблашда турли хилдаги коэффициентлардан фойдаланиш мумкин.

Корхонада инновацион салоҳиятни ривожлантириш учун киритилган инвестициялар самарадорлиги коэффициенти ҳисоблаш, йиллик ўртача фойдани инвестиция ўртача қиймати бўлиши орқали топилади. Бу коэффициентни ҳисоблашда ўртача йиллик соф фойда ва ўртача инвестиция қиймати унинг бошланғич ишлаб чиқариш қийматининг ярмидан фойдаланади. Олинган қийматни умумий капитал самарадорлик коэффициенти билан таққослаб кўриш эътиборга олиниши керак.

Бу ерда,

I_c – инвестиция самарадорлик коэффицицент;

$D_{\text{ўртача}}$ – ўртача йиллик соф фойда;

$\Phi_{\text{асосийқолдик}}$ – асосий фондларни қолдик баҳоси. Юқоридаги формулада келтирилган.

Инвестиция лойиҳасини самарадорлигини ҳисоблаш - бу инвестициядан келадиган самара кўрсаткичларини аниқлашни англатади. Инвестиция лойиҳасини асоси бу капитал қўйилмаларга бўлган эҳтиёжни аниқлашдан иборат. Шу сабабли Инвестиция лойиҳаси самарадорлиги капитал қўйилмалар самарадорлиги орқали аниқланади.

Жамият миқёсида капитал қўйилмалар самарадорлиги коэффициенти (K_c) миллий даромаднинг ўсиш миқдорини (ΔMD) капитал қўйилмалар суммасига (K_k) нисбатан аниқланади. Яъни:

Корхона миқёсида инвестиция самарадорлиги (капитал қўйилма) коэффициенти ($K_{k,c}$) қуйидагича ҳисобланади.

Бу ерда: T_i - i варинатдаги харажатлар;

E_n - капитал қўйилмалар самарадорлиги коэффициенти;

K - капитал қўйилмалар суммаси.

Режали иқтисодиётдан хўжалик юритишнинг бозор моделига ўтиш жараёнида, иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш тузилмасида инновацион сиёсатнинг ўрни ва ролини белгилаш муҳим аҳамият касб этади.

Давлатдаги хўжалик юритишнинг ҳар қандай модели ҳам инновацион салоҳиятни рағбатлантириш, илмий-техник салоҳиятни ривожлантириш, давлатнинг сиёсий ва иқтисодий мустақиллигини кучайтириш, асосийси, аҳоли турмуш тарзини ошириш учун иқтисодий ва ижтимоий шароитларни яратишни ўз олдига мақсад қилиб қўйиши керак.

Миллий иқтисодиётни бозор муносабатларига ўтиши, корхоналар ишлаб чиқараётган товарларга доимий тарзда янги ўзгартиришлар киритилишига, янги маҳсулотлар яратилишига, истеъмолчилар талабларини кондириниш учун илмий-техник тараққиётнинг энг янги ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий этилишига замин яратади. Буларнинг барчаси бозордаги мавжуд мавқени ушлаб туриш, корхонанинг узоқ муддатли иқтисодий самарадорлигини таъминлаш ва уларни Ўзбекистон шароитига мослаштиришга бўлган қизиқишни белгилаб беради.

Ишлаб чиқариш соҳасидаги устуворлик – турли хусусиятларга эга янги сифатли маҳсулотни ишлаб чиқаришга йўналтирилган бошқарув фаолияти, яъни инновацион салоҳиятга тегишли ҳисобланади.

Хулоса қилиб шуни таъкидлаш жоизки, жаҳон миқёсида тан олинган ҳамда мамлакатимизда таниқли иқтисодчи олимлар томонидан “инновация” тушунчаси турлича таҳлил қилиниб, ўрганиб чиқилган.

Инновация доимий равишда ҳаракатда бўлувчи, янгиланиб турувчи иқтисодий ҳолатдир. Инновацион салоҳият иқтисодий ривожланишни илмий-техникавий ёки ишлаб чиқариш жараёнини амалий жиҳатдан тубдан янгिलाш ва такомиллаштиришнинг асосий омили эканлигидан келиб чиққан ҳолда, фундаментал илмий тадқиқотлар асосан иқтисодиёт тармоқларини самарали ривожлантириш бўйича тегишли иқтисодий сиёсатга асосланган ҳолда олиб бориш лозим. У ишлаб чиқаришни, меҳнатни ташкил этиш, мавжудларини рағбатлантириш ҳисобига янги маҳсулот турларини ишлаб чиқариш ва хизматларни кўрсатишни ташкил этишда ифодаланади.

Мамлакатимизда фаолият юритаётган корхоналарнинг инновацион салоҳиятини ривожлантириш, бошқарув тизимини мустаҳкамлаш, янгилик

яратган ходимларни рағбатлантириш мақсадида турли хилдаги чоратадбирларни ишлаб чиқилиши натижасида ривожланиш даражамиз юқорилаб бормокда.

II боб. Наманган вилояти саноат корхоналари фаолиятининг инновацион салоҳияти таҳлили

2.1. Наманган вилоятининг умумий ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичлари таҳлили

Наманган вилоятида Президент И.А.Каримовнинг 2012 йил 19 январдаги Вазирлар Маҳкамасида бўлиб ўтган йиғилишида белгилаб берилган 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларини амалга оширилиши, шунингдек, қабул қилинган қатор Ҳукумат қарорлари бўйича белгиланган топшириқларни бажарилиши натижасида, 2012 йил якуни билан иқтисодиётнинг барча соҳаларида барқарор ўсиш суръатлари таъминланди.

Хусусан, Наманган вилоятида 2012 йилда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми ўсиши билан бир қаторда саноат корхоналарида янги ишчи ўринлари яратиш, эскирган технологияларни модернизация қилиш, яъни янги технологияларни олиб кириш натижасида саноат корхоналарининг инновацион салоҳиятини ошириш, янги турдаги маҳсулотларни ўзлаштириш, экспортбоп маҳсулот турларини кўпайтириш борасидаги бир қатор ишлар амалга оширилди (2.1.1-жадвал).

Наманган вилояти бўйича саноат корхоналарининг маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 2012 йил якунига кўра 1289,3 млрд. сўмни ташкил этиб, 2011 йилга нисбатан 114,9 фоизга ошган. Шаҳар ва туманларда саноат корхоналарининг ишлаб чиқариш ҳажми турли кўрсаткичларда бўлган. Шаҳар ва туманларни ўзаро солиштириб таққослайдиган бўлсак, 2012 йилга мўлжалланган ижтимоий – иқтисодий ривожлантириш дастурида белгиланган режанинг энг йирик қисмини Наманган шаҳри бажариб, саноат

махсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми бўйича 561,1 млрд. сўмлик режани бажарган. Режани энг паст миқдорда бажарган туманлар: Чортоқ 21,1, Косонсой 31,6, Мингбулоқ ва Янгиқўрғон туманлари 34,7 млрд. сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарганлар.

Халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш вилоят бўйича 819,2 млрд. сўмни ташкил этган, яъни 2011 йилга нисбатан таққослайдиган бўлсак, бу кўрсаткич 113,1 фоизга ўсган. Вилоятда хўжалик истеъмол молларини ишлаб чиқаришнинг энг кам ҳажмини Мингбулоқ тумани бажарган бўлиб, у 5,1 млрд. сўмлик халқ истеъмол молларини ишлаб чиқарган. Наманган шаҳри халқ истеъмоллари ишлаб чиқариш ҳажми бўйича вилоятда етакчилардан бири ҳисобланиб, у 417,4 млрд. сўмлик режани амалга оширилган.

2.1.1-жадвал

Наманган вилояти халқ истеъмол моллари ва саноат ишлаб чиқариш ҳажми кўрсаткичлари

шаҳар ва туманлар	саноат ишлаб чиқариш		ХИМ ишлаб чиқариш ҳажми	
	млрд.сўм	2011 й. якунига нисбатан фоизда	млрд.сўм	2011 й. якунига нисбатан фоизда
Вилоят бўйича	1289,3	114,9	819,2	113,1
Наманган ш.	561,1	108,4	417,4	108,8
Мингбулоқ	34,7	136,4	5,1	138,5
Косонсой	31,6	108,1	18,8	117,5
Наманган	112,1	141,5	76,1	140,3
Норин	45,5	151,0	20,9	316,5
Поп	94,1	117,6	34,9	107,5
Тўрақўрғон	61,2	104,7	18,2	103,5
Уйчи	86,1	117,9	31,6	104,9
Учқўрғон	151,8	110,4	104,8	106,8
Чортоқ	21,1	155,7	15,2	126,2
Чуст	55,2	110,2	34,8	114,7
Янгиқўрғон	34,7	122,4	41,4	105,1

Наманган вилоятида 2013 йилнинг 1 январ ҳолатига кўра рўйхатдан ўтган саноат корхоналари сони 2873 тани ташкил этиб, шундан фаолият кўрсатаётган саноат корхоналари сони 2316 тани ташкил этади. Рўйхатдан

ўтган саноат корхоналари сони, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан оладиган бўлсак, 105,8 фоизга ёки 157 тага кўпайганини кўриш мумкин.

Наманган вилоятида саноатнинг етакчи тармоқларидан енгил саноатда тўқимачилик, пахта тозалаш, пояфзал, мебел ишлаб чиқариш, озиқ-овқат ҳамда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш тармоқлари, машинасозлик ва метални қайта ишлаш, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш тармоқларига қарашли корхоналар ривожланиб, саноат ва халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришда салмоқли ҳиссаларини кўшиб келмоқда.

Қуйидаги диаграммани таҳлил қиладиган бўлсак, ўтган йилларга нисбатан, 2012 йил Наманган вилоятида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми юқорилаб бормоқда. Хусусан, Тўрақўрғон туманида 104,7 фоизга, Косонсой туманида 108,1 фоизга, Наманган шаҳрида 108,4 фоизга, Чуст туманида 110,2 фоизга, Учқўрғон туманида 110,4 фоизга, Поп туманида 117,6 фоизга, Уйчи туманида 117,9 фоизга, Янгиқурғон туманида 122,4 фоизга, Мингбулоқ туманида 136,4 фоизга, Наманган туманида 141,5 фоизга, Норин туманида 151,0 фоизга, Чортоқ туманида 155,7 фоизга ўсиш таъминланди (2.1.1-диаграмма).

Жумладан, ҳисобот даврида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмлари металлургия (қора) саноатида 2760,8 млн. сўмни (ўсиш суръати 109,9%), машинасозлик ва метални қайта ишлаш саноатида 130,1 млрд.сўмни (97,7%), ёғочни қайта ишлаш саноатида 24,2 млрд.сўмни (94,9%), қурилиш материаллари саноатида 42,5 млрд.сўмни (95,0%), енгил саноат тармоғида 489,2 млрд сўмни (116,7%), озиқ-овқат саноатида 400,0 млрд.сўмни (114,1%), дон маҳсулотлари саноатида 125,4 млрд.сўмни (113,5%), полиграфия саноатида 5289,4 млн.сўмни (85,6%) ташкил этган ҳолда умумий саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги энг юқори салмоғ енгил саноат (37,9%) ва озиқ-овқат саноати (31,0%) тармоқлари ҳиссасига тўғри келди³⁵.

2.1.1 - диаграмма

³⁵Наманган вилояти Иқтисодиёт бошқармаси жорий архивдан

**Наманган вилоятида саноат маҳсулотлари
ишлаб чиқариш ҳажми (2012 й.)**



Наманган вилоятида фаолият кўрсатаётган йирик корхоналар томонидан 688,8 млрд. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 104,4 фоизга ошган. Йирик саноат корхоналарининг умумий ишлаб чиқаришдаги салмоғи 53,4 фоизни ташкил этиб, қолган қисми кичик (18,7%) микрофирмалар (7,4%) уй хўжалиги ва якка тартибдаги хусусий тадбиркорлар ҳиссаси (13,8%)га тўғри келди. Уни қуйидаги (2.1.2-жадвал)да кўриш мумкин³⁶.

Жумладан, амалда бу:

- ноозиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш, ишлаётган қувватларни кенгайтириш ва янги қувватлар ташкил этиш йўналиши бўйича 2009-2012 йиллар давомида белгиланган 38 та лойиҳалар ўрнига 99 та лойиҳалар бажарилиб, фойдаланишга топширилди. Бу мақсадларга эришиш йўлида 73,8 млрд.сўмлик маблағлар сарфланиб, 2459 та янги иш ўринлари барпо этилди;

- қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш, уларни қайта ишлаш ва сақлаш бўйича ишлаётган қувватларни кенгайтириш ҳамда янги қувватлар ташкил этиш йўналишида 2009-2012 йилларда жами 54 та лойиҳа амалга оширилиши режалаштирилган бўлиб, амалда умумий қиймати 33,7

³⁶Наманган вилояти Иқтисодиёт бошқармаси жорий архивдан

млрд.сўмлик 65 та лойиҳалар фойдаланишга топширилди ва 1224 та янги иш ўринлари яратилди;

2.1.2 - жадвал

**Наманган вилоятида 2012 йил январ-декабр ойларида саноат
маҳсулотлари ишлаб чиқарилиши тўғрисида
МАЪЛУМОТ**

№	Корхоналар	Амалдаги нархда ишлаб чиқарилган маҳсулот		Солиштирма нархда ишлаб чиқарилган маҳсулот		
		2012 йил (минг сўм)	2011 йил (минг сўм)	2012 йил (минг сўм)	2011 йил (минг сўм)	Ўтган йилга нисбатан (фоиз)
1	Вилоят бўйича жами	1289309965,0	1051773011,0	1243704108,0	1082283799,0	114,9
	Шундан йирик корхоналар	688818197,0	619148031,0	662911201,0	634977697,0	104,4
2	Республика хўжалик бирлашмалари тасарруфидаги саноат корхоналари					
	Жами	757659132,0	634136176,0	727195280,0	655500638,0	110,9
	Йирик корхоналар	672162163,0	595010226,0	642943004,0	615038005,0	104,5

- қурилиш материалларини ишлаб чиқаришни ривожлантириш йўналишида 2009-2012 йилларда вилоятдаги 15 та минерал хомашё конларида 19 та корхона фаолият кўрсатиши режалаштирилган бўлиб, бугунги кунда булардан 16 тасига минерал ресурслар ва давлат геология Қўмитасининг «Ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқи» бўйича лицензиялар берилиб, ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Шунингдек, минерал хом ашё конларида геология қидирув ишларини ташкил қилиш бўйича 2009-2012 йиллар давомида 8 та минерал хомашё конларида 11 корхона томонидан геологик қидирув ишлари олиб бориш режалаштирилган. Ҳозирда 4 та конда геологик қидирув ишларини олиб бориш бўйича 8 та корхоналарга лицензиялар берилган бўлиб, улар ўз фаолиятини олиб бормоқдалар;

- хорижий инвестицияларни жалб қилган ҳолда янги лойиҳаларни ташкил этиш бўйича 2009-2012 йилларда умумий қиймати 45,8 млн АҚШ доллариға тенг 11 та лойиҳалар амалга оширилиши белгиланган. Шу даврда 15 та лойиҳаларға 38,3 млн.долларлик тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар, 825,7 млн. долларлик кредитлар ва 4,2 млн. доллар, ўз маблағлари жами 43,4 млн. доллар миқдорида инвестициялар жалб қилиниб, 1226 та иш ўринлари яратилди. Шунингдек, хорижий инвестициялар иштирокидаги 7 та янги корхоналар ташкил этилиб, бу мақсадларға эришишда 26,8 млн.АҚШ доллари миқдорида тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар, 700,0 минг. доллар ва 3771,0 млн. сўмлик, ўз маблағлари ҳамда 1900,4 млн. сўмлик кредит маблағлари жалб қилинди;

-истикболли саноат корхоналарини техник жиҳатдан модернизация қилиш ва молиявий соғломлаштириш бўйича Дастурға киритилган 21 та корхоналарда молиявий соғломлаштириш ва ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш даражасини ошириш ҳамда банк балансига ўтказилган корхоналар фаолиятини қайта ташкил этиш бўйича белгиланган тадбирлар амалга оширилиб, бу корхоналарға бугунги кунға қадар 689,3 минг АҚШ долларлик ва 58,5 млрд.сўмлик инвестициялар жалб қилинди. Бунинг ҳисобига 3663 та иш ўринлари яратилиб, 2012 йил якуниға кўра, 46,4 млрд.сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди;

-кооперациялашган етказиб беришлар асосида ишлаб чиқариш ҳажмини кенгайтирган ҳолда йирик саноат корхоналарида хомашё, материаллар, бутловчи буюмлар ва асбоб-ускуналар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш йўналишида 2009-2012 йилларда 22 та лойиҳалар амалга оширилиши ҳисобига 31,5 млн.доллар миқдоридаги маблағлар ўзлаштирилиб, 541 та янги иш ўринлари яратилди;

-Дастур бўйича янги иш ўринларини ташкил этиш параметрларига мувофиқ 2009-2012 йилларда 289,1 минг та янги иш ўринлари яратиш кўзда тутилган бўлиб, амалда 289,3 минг та янги иш ўринлари барпо этилди. Иш жойларининг 234,3 минг таси ёки 81,0 фоизи қишлоқ жойларида яратилди.

Мамлакатимиз иқтисодчи олимларининг ўтказган тадқиқотларига кўра, бугунги кунда, саноат тармоғини барқарор суръатлар билан ўсиб бораётганлигига қарамай, саноат корхоналарида бир қатор ички муаммолар мавжуд бўлиб, мазкур ҳолат саноат корхоналарини стратегик ривожлантириш вазифаларини амалга оширишга салбий таъсир кўрсатмоқда. Булар қуйидагилардан иборат:

- маҳаллий хомашёларнинг етишмаслиги натижасида хориждан импорт қилиниши;
- саноат корхоналарида молиявий ресурсларнинг самарали бошқаруви тўғри йўлга қўйилмаганлиги оқибатида тўла қувват билан ишламаслиги;
- банкдан олинган хорижий валютадаги кредитлар учун фоиз тўловлари валюта курсларининг ошиб кетиши ҳисобига ортиши ва валюта курсидаги фарқлардан зиён кўриш;
- дебиторлик қарзлари ўз муддатида ундирилмаслиги, тузилган шартномаларнинг бажарилишини тўлиқ назоратга олмаслик, бошқарув ишлари яхши йўлга қўйилмаганлиги;
- мавжуд имкониятлардан тўлиқ фойдаланилмаганлик ва айланма маблағларнинг етишмаслиги;
- саноат корхоналарида фойдаланилаётган ишлаб чиқариш воситаларининг жисмоний ва маънавий эскирганлиги натижасида, уларда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг таннархи ошиб кетиши ва сифати пастлиги;
- жаҳон бозорида саноат корхоналари томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларга глобал инқироз оқибатида талаб пасайиб кетиши;
- бюджет ва бошқа тўловлар бўйича ўз вақтида тўланмаган кредиторлик қарзлари учун пеня ва жарималар ортиб бориши.

Баъзи ҳолатларда саноат корхоналарини барқарор ишламаслигига ташқи ва ички омиллар биргаликда таъсир кўрсатади ва мазкур муаммолар йирик саноат корхоналарида юзага келмоқда. Бундай салбий ҳолатларни

бартараф этиш бугунги куннинг энг долзарб масалаларидан бирига айланиши лозим. Чунки саноат тармоғидаги муаммоларнинг бартараф этилиши мамлакат иқтисодиётини бундан юқори чўққиларни забт этиши учун бирламчи омил бўлиб хизмат қилади.

2.2. Наманган вилояти саноат ва қўшма корхонларнинг инновацион фаолияти самарадорлиги кўрсаткичлари таҳлили

Ҳар бир саноат корхоналарининг энг асосий вазифаларидан бири инновацион фаолият самарадорлигини оширишдан иборатдир. Самарадорлик хўжалик юритишнинг сифат ва миқдор кўрсаткичларини, шунингдек, буюмлашган ва жонли меҳнат харажатлари ҳамда олинган натижалар ўртасидаги муносабатни ифодалайди.

Афсуски, ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида “самарадорлик” тушунчаси, гарчи даромад олиш, харажатларни камайтириш, меҳнат самарадорлигининг ўсиши, фонд қайтими, рентабеллик ва ҳоказолар самарадорлик табиатига мос келиб, бозор иқтисодиёти талабларига зид келмасда, баҳо, фойда, даромад, харажат каби тушунчаларга қараганда кам қўлланилмоқда. Самарали ишлаш дегани ўз моҳиятига кўра, инновацион фаолият самарадорлигини ташкил этиш, мўлжалланган (режалаштирилган) фойдани олиш, ноишлаб чиқариш харажатлари ва йўқотишларни камайтириш, ишлаб чиқариш қувватлари ҳамда ишчи кучидан яхшироқ фойдаланиш, меҳнат самарадорлигини ошириш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг сифатини яхшилашни англатади.

Самарадорлик кўплаб техник, иқтисодий, лойиҳа ва хўжалик қарорларини аввалдан белгилаб беради. Корхона ўзининг хўжалик, илмий-техник ва инвестицион сиёсатини белгилашда самарадорликдан келиб чиққан ҳолда ёндошади.

Хусусан, Наманган вилоятида 2000 йил 29 декабрдаги 517-сонли “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг умумиқтисодиёт

комплекси иши самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорини бажариб, молиявий ҳолатни барқарорлаштириш, тўлов интизомини ҳамда пул-кредит сиёсатини мустаҳкамлаш борасида бир қатор тадбирлар амалга оширди:

- нақд пул тушуми устидан қатъий назорат ўрнатилди;
- тижорат банклари томонидан лойиҳаларнинг самарадорлиги ва харажатларни қоплашдан келиб чиққан ҳолда кредитлар ажратилиши устидан назоратни кучайтирилди;
- маҳаллий бюджет тақчиллигини инфляциясиз қоплашга босқичма-босқич ўтиш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилди;
- солиқ-бюджет сиёсатини такомиллаштириш ва солиқларнинг рағбатлантирувчи ролини кучайтирилди;
- бозор инфратузилмаларини ривожлантириш учун барча шароитлар яратилди;
- вилоятдаги Марказий банк ва 15 та тижорат банклари фаолияти банк тизимини ислоҳ қилиш талаблари асосида ташкил этилди.

Республикамизда саноат корхоналарини модернизация қилиш, уларни ривожлантириш бўйича сўнгги беш йил ичида юқори натижаларни ақс эттирди. Хусусан, Наманган вилояти саноат тармоғини ривожлантириш, корхоналар инновацион фаолият самарадорлигини ошириш бўйича бир қанча ишлар амалга оширилди.

Наманган вилоятида 2008-2012 йилларда саноат корхоналари камайиб борган бўлсада, лекин асосий маҳсулот турлари кўпайиб, 2008 йилда 63 хилдаги маҳсулот ишлаб чиқарилган бўлса, 2012 йилга келиб асосий маҳсулотни ишлаб чиқариш турлари 77 тани ташкил этган ва улардан келиб тушадиган тушум ортиб борган. Вилоятда саноат тармоғини ривожлантириш натижасида 2008 йилдан 2012 йилгача саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми 854768,6 млн. сўмга ошган. Халқ истеъмоли молларини ишлаб чиқариш ҳажми 552725,1 млн. сўмга ошганлигини қуйидаги (2.2.1-жадвал)да кўришимиз мумкин.

2.2.1-жадвал

Вилоятда саноат тармогини ривожланиши

кўрсаткичлар	ўлчов бирлиги	2008 й.	2009й.	2010й.	2011й.	2012й.	2012 й. 2011 й.га нисбати
саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш	млн.сўм	434541,4	534531,2	748671,4	1057321,2	1289310,0	114,9
халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш	млн.сўм	266502,8	329546,7	441874,7	651694,9	819227,9	113,1
корхоналар сони	бирлик	51	40	38	38	36	94,7
ишловчилар сони	киши	13618	14168	13353	14929	9972	66,7
меҳнат унумдорлиги	минг сўм	31909,3	37728,1	52335,4	70961,1	128930,9	181,6
асосий маҳсулот турлари	бирлик	63	57	71	72	77	106,9

Ҳозирги кунда Наманган вилоятида зарар кўриб ишлаётган корхоналар ҳам мавжуд. Уларнинг инновацион салоҳиятини ошириш бўйича бир қанча ишлар амалга оширилмоқда. Вилоятда зарар кўриб ишлаётган корхоналар сони 7 тани ташкил этиб, шундан 3 таси давлат корхоналари, 4 таси нодавлат корхоналари сифатида фаолият кўрсатмоқда. Вилоятдаги шаҳар ва туманларни солиштирадиган бўлсак, зарар кўриб ишлаётган корхоналар, Наманган шаҳрида 5 та, шундан давлат корхоналари 3 та, нодавлат корхоналари 2 та, Поп ва Уйчи туманларида 1 тадан нодавлат корхоналарни ташкил этади. 2012 йил якунига кўра, вилоятда корхоналар 12394,7 млн. сўм миқдорида зарар билан ишламоқдалар. Булардан давлат корхоналари 3281,5 млн. сўмлик, нодавлат корхоналари 9113,2 сўмлик зарар билан фаолият кўрсатмоқда. Наманган шаҳрида жойлашган 5 та корхона 10310,5 млн. сўмлик зарар билан ўз фаолиятни давом эттирмоқда. Поп туманида жойлашган 1 та корхона 812,3 млн. сўмлик, Уйчи туманида жойлашган 1 та корхона 1271,9 млн. сўм миқдорида зарар кўриб ишлаётгани ҳақидаги маълумот қуйидаги жадвалда ўз аксини топган. (2.2.2-жадвал)

Наманган вилоятининг 2013 йил ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастури бўйича, зарар кўриб ишлаётган корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан юксалтириш кўзда тутилган.

2.2.2-жадвал

Наманган вилоятида 2013 йилда зарар кўриб ишлаётган корхоналар тўғрисида МАЪЛУМОТ

шаҳар ва туманлар	Зарар кўриб ишлаётган корхоналар					
	01.12.2012 й. ҳолатига зарар кўриб ишлаган корхоналар, бирлик	шу жумладан		01.12.2012й. кўрилган зарар суммаси, (млн.сўм)	шу жумладан	
		давлат корхона -лари	нодав- лат корхона -лар		давлат корхона- лари (млн.сўм)	нодавлат корхона- лар (млн.сўм)
Вилоят бўйича	7	3	4	12394,7	3281,5	9113,2
Наманган шаҳар	5	3	2	10310,5	3281,5	7029
Поп	1		1	812,3		812,3
Уйчи	1		1	1271,9		1271,9

Иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида Наманган вилоятида фаолият кўрсатаётган, техник-технологик жиҳатдан эскирган корхоналарда янги техника-технологияларни жорий этиш, бошқарув тизимини такомиллаштириш, замон талабларига мос келадиган инновацион маҳсулотлар ишлаб чиқариш натижасида, корхоналарнинг инновацион салоҳияти юксалиб бормоқда.

2011 йил Наманган вилоятида барча манбалар ҳисобидан жами 652,3 млрд.сўм инвестициялар ўзлаштирилиб, бунинг 35,0 фоизи саноат корхоналарини модернизация қилиш ва технологик янгилаш дастурлари амалга оширилди.

Вилоятда саноат корхоналарининг инновацион салоҳиятини ривожлантириш ва ҳудудий инвестиция дастурига асосан 2011 йилда 100 дан ортиқ йирик ва кичик ишлаб чиқариш корхоналари ишга туширилди.

Жумладан, “Наманган момик сочиқлари” МЧЖда момик сочиқлар, “Водий ёғоч савдо” тикувчилик маҳсулотлари, “Анортоғ хазинаси” фермер хўжалигида гўшти қайта ишлаш, “Савдо ахил барқарор ривож” МЧЖда мева, сабзавотларни қуритиш, гўшт, балиқни дудлаш ва қайта ишлаш лойиҳалари амалга оширилди.

Наманган вилоятнинг 2012 йилга мўлжалланган ҳудудий инвестиция *(Вилоят ҳокимининг 2012 йил 25 январ 39-сонли қарори-диссертант)* дастури ишлаб чиқилиб, унга биноан, 2012 йилда 92 та лойиҳалар *(68 та янги қувват ва 24 та модернизация)* бўйича барча манбалар ҳисобидан 134,4 млрд.сўм *(банк кредити 83,7 млрд.сўм)* миқдорида инвестициялар жалб этилиши белгиланиб, 2800 дан зиёд янги иш ўринлари яратилиши кўзланган.³⁷

2012 йил якуни кўра, 178 та *(енгил саноатда 77 та, озиқ-овқат саноатида 51 та, қурилиш материаллари саноатида 31 та, 19 та бошқа соҳаларда)* ишлаб чиқариш объектлари фойдаланишга топширилди. Ушбу лойиҳаларда жами 66,2 млрд.сўм *(29,5 млрд.сўм банк кредити, 1,4 млрд.сўм тўғридан-тўғри қорижий инвестиция ва 35,2 млрд.сўм корхоналар ўз маблағлари)* миқдорида инвестициялар ўзлаштирилиб, 2042 та янги иш ўринлари ҳамда йилига 71,7 млрд.сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш қувватлари яратилди.³⁸

Ҳозирги кунда Наманган шаҳрида “Махсус металл саноат” МЧЖ³⁹ енгил ва юк автомобиллари учун метангаз, кислород баллонлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган замонавий завод ишга туширилиб, у бир гуруҳ маҳаллий тадбиркорлар сармояси ва банк кредити ҳисобига фаолият бошлаган саноат корхонасида 50, 65, 75, 80, 100 литрлик газ баллонлари ҳамда 40 литрлик кислород баллонлари ишлаб чиқарилмоқда. Йил охирига қадар корхонанинг иккинчи босқичи ҳам ишга туширилади ва ишлаб чиқариш ҳажми 2 баробар ортиши башорат қилинмоқда. Корхонада доимий иш билан банд бўлганлар сони 65 нафар кишини ташкил этади.

³⁷Наманган вилояти Иқтисодиёт бошқармаси жорий архивидан

³⁸Наманган вилояти Иқтисодиёт бошқармаси жорий архивидан

³⁹“Махсус металл саноат” МЧЖ маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган

Бугунги кунда корхонада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар экспорт салоҳияти ривожлантира олмасада, ички бозорни керакли маҳсулотлар билан тўйинтирмоқда. Ушбу маҳсулотлар ҳориждан олиб келинадиган нархга нисбатан 25-30 фоизга арзонлашди.

Вилоятда инновацион салоҳияти ошиб бораётган йирик саноат корхоналаридан бири “Мехмаш” очик акциядорлик жамияти (ОАЖ) бўлиб, унинг асосий вазифаси – бу пул-товар муносабатларининг ривожлантириш ва иш хизматларига бўлган ижтимоий эҳтиёжларини қондириш ҳамда уларни реализацияси асосида келиб чиққан манфаатларини таъминлашдан иборатдир.

2012 йилга қадар, “Мехмаш” ОАЖ турли хилдаги металларни ишлаб чиқариш ҳамда метални қайта ишлаш билан шуғулланиб келмоқда.

2012йилга келиб “Мехмаш” ОАЖ турли хил ўлчамдаги пўлат қувурлар 9185тонна миқдорида ишлаб чиқарилиб, уларнинг таннархи 24,9млрд. сўмдан ошди. Худди шу маҳсулот тури 2011йилда ишлаб чиқарилганда 9049тоннага тўғри келиб, унинг таннархи 23,4млрд. сўмга тўғри келган.

Кўриниб турибдики, бундай қувурларни ишлаб чиқариш ҳажми кўпайган. Сабаби, мазкур корхонанинг валюта тушуми айнан шу маҳсулотни ишлаб чиқаришда кўпаяди.

Бундан ташқари Наманган «Мехмаш» ОАЖда турли ускуналар ишлаб чиқариш йўлга қўйилган бўлиб, уларни буюртмачилар томонидан ўзлаштирилиши кучаймоқда.

Наманган «Мехмаш» ОАЖ ўз фаолияти давомида бозордаги рақобат муҳитини ҳисобга олиб ҳаракат қилади. Рақобат муҳитида устуворликка эришиш Наманган «Мехмаш» ОАЖнинг стратегик жиҳатдан белгиланган бирдан-бир мақсади бўлиб, бунинг учун янгича ёндашувлар асосида ишлашга тўғри келади.

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида Наманган «Мехмаш» ОАЖда инновацион маҳсулотлар яратиш асосида меҳнат фаолиятини ташкил этиш, бозор муҳитидаги рақобатбардошлигини оширишга хизмат қилади.

2011 йилда Наманган «Мехмаш» ОАЖда маҳсулотлар ишлаб чиқариш билан бирга, янги лойиҳалар устида иш бошланган эди. Бундай лойиҳалардан бири мис қувурлари ишлаб чиқариш бўлиб, ҳозирги кунга келиб бу турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш тўлиқ йўлга қўйилди. Ушбу лойиҳа афзалликдари қуйидагилардан иборат бўлди:

- хом ашё (мис) 100 фоиз маҳаллий бўлиб, мамлакатимизда АГМК томонидан йилига 90 минг тонна атрофида чиқарилди ва шундан 10-15 фоизи маҳаллий корхоналар томонидан қайта ишлашга йўналтирилди. Юртбошимиз таъкидлаганларидек, маҳаллий хом-ашёдан тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш ва бунинг натижасида қўшилган қийматни ошириш долзарб масаладир;

- маҳсулот 90-100 фоиз экспортга йўналтирилганлиги сабабли, йилига 25-30 млн. АҚШ доллари миқдорида валюта маблағлари тушумига эришилди;

- корхонанинг ишлаб чиқариш қувватининг ўзлаштириш даражаси 20-25 фоиз дан 60-70 фоиз кўтарилди.⁴⁰

Бундан ташқари корхонада кўплаб инновацион лойиҳалар ишлаб чиқилмоқда. Шулардан бири пўлат қувурлардан чиқадиган иккиламчи маҳсулотларни қайта ишлаш натижасида олинadиган 0,2 мм.дан 16 мм.гача бўлган сим маҳсулотларидир. Бу симларда турли хил ўлчамдаги михлар, интенсив боғлар учун шпаллерлар ишлаб чиқарилмоқда.

Бунинг натижасида Республика томонидан Наманган вилоятида 500 гектарга тенг интенсив боғлар яратилиб, уларни мувозанатини сақлаб туриш учун 100 минг тоннага яқин шпаллерлар ишлаб чиқарилиб, уларнинг таннари 30 млрд. сўмга етди.⁴¹

Наманган «Мехмаш» ОАЖдаги яна бир инновацион лойиҳа бу “Осма минерал ўғит сочғич”дир. Бу технология олимларимиз томонидан қайта ишлаб чиқилган. Ушбу технология ўз пайтида Францияда яратилган бўлиб,

⁴⁰ «Мехмаш» очик акциядорлик жамияти жорий архивдан

⁴¹ «Мехмаш» очик акциядорлик жамияти жорий архивдан

унинг нархи 50 минг долларни ташкил этади. Франциядан ўзлаштирилиши натижасида, корхона олимлари томонидан қайтадан яратилган технологиянинг таннари 16 млн. сўмга тўғри келади. Бундан кўриниб турибдики, ушбу инновацион технологияни импорт қилмасдан мамлакатимизда яратилиши, унинг инновацион салоҳиятини ривожланиб бораётганлигидан далолатдир.

Бундан кўриниб турибдики, Наманган “Мехмаш” ОАЖда инновацияларни қўллашга бўлган эътибор жиддий бўлиб, бундан келадиган фойда улуши ҳам анчагина юқоридир.

Бугунги кунда инновациялардан фойдаланиш ва уни ишлаб чиқаришга тадбиқ этиш, у асосида товарлар ишлаб чиқариб, бозорда рақобатбардошликни ошириш жуда муҳим аҳамият касб этади. Бунда инновацияларни қўллашдаги долзарблик Наманган “Мехмаш”ОАЖни иқтисодий жиҳатдан ривожланишига салмоқли таъсир кўрсатиш мумкин. Инновацияларни қўллаш нафақат технологик жараёнларни ривожланишига, балки бошқарув тизимининг такомиллашишига, аҳолининг тушмуш даражасини ошишига ижобий таъсир кўрсатади.

Наманган “Мехмаш”ОАЖда инновацияларни қўллашда урта асосий босқич ҳисобга олинади:

Биринчи босқич, илмий тадқиқот бўлиб, бунда илмий ғояларни шаклланишига доир ишлар амалга оширилади. Маълум бир технологик жараёни янгилаш нуқтаи назардаги янгича ёндашувлар синовдан ўтказилади. Синов муддатида тадқиқот ишлари амалга оширилади. Тадқиқотлар натижаларида аниқ кўрсаткичларда намоён бўлиб, илмий хулосаларга келинади. Илмий хулосалар асосида мавжуд жараёнларни янгилашдаги ёндашувлар ижобий ёки салбий натижалар бериши қайд этилади. Шундай хулосаларга қараб, муайян янгиликни амалиётга жорий этиш мумкин ёки мумкин эмаслиги таҳлил қилинади.

Иккинчи босқич, инновацион лойиҳани техник жиҳатдан ишлаб чиқиш. Бу босқичда технологик чизмалар, лойиҳалар асосида ишлаб чиқаришни

ташкил этиш масалалари кўтарилади. Лойиҳалаштириш жараёнида юзага келган муаммолар таҳлил қилиниб, бартараф этиб борилади. Бунинг натижасида келгусида яратилаётган инновацион маҳсулотни ишлаб чиқариш ҳақида янада аниқроқ тасаввур ҳосил бўлади.

Учинчи босқич, ишлаб чиқаришдаги ўзлаштириш. Бу босқич бевосита кўпчиликни меҳнاتини талаб этадиган босқич ҳисобланади. Ишлаб чиқаришда хомашёдан рационал фойдаланиш керак. Бугунги кундаги ишлаб чиқариш жараёнида техникадан фойдаланмаслик мумкин эмас. Чунки ишлаб чиқариш жараёнларида сифат кўрсаткичларининг устувор бўлиши янги техника ёки технологияларни қўлланилиши билан белгиланмоқда.

Бизинг фикримизча, бугунги кунда Наманган “Мехмаш”ОАЖда инновацияларни қўллашда фан-техника тараққиётининг ривожланиши билан боғлиқ қирралари кўп. Чунки инновацияларнинг аксарияти илм-фан йўналишидаги тадқиқот ва тажрибаларнинг натижалари бўлиб, ҳозирги замонга мос равишда мураккабликка томон силжиб бормоқда.

Наманган вилоятида саноат корхоналарининг инновацион салоҳияти юксалиб бориши натижасида экспорт-импорт ҳажми ҳам ошиб бормоқда (2.2.3-жадвал).

Шу билан бир қаторда вилоятда 2012 йил якуни билан 221,8 млн. долларлик *(2011 йилга нисбатан 107,8%)* ташқи савдо амаллари бажарилиб, шундан экспорт 85,6 млн.долларни (103,4%), импорт ҳажми 136,2 млн. долларни (110,7 %) ташкил этди. Ҳозирги кунда вилоятимиз саноат корхоналарининг экспортга нисбатан импорт ҳажми юқорироқ бўлиб турибди.

Ҳудудий экспорт дастурига асосан экспортёр корхоналар томонидан ўтган йил мобайнида 18,3 млн.доллар қийматида маҳсулот экспорт қилиниб, ўсиш суръати 2011 йилга нисбатан 109,6 фоизга, белгиланган прогнозга нисбатан эса 108,0 фоизга бажарилиши таъминланди.

Жумладан, «Иснам интер текс» 255,6 минг доллар (4,2 марта), «Истиқлол текстил дизайн» МЧЖ 218,5 минг доллар (198,6 %), «Баркас текс»

ҚК 266,4 минг доллар (156,7 %), «Водий ёғоч савдо» МЧЖ 909,3 минг доллар (165,3 %), «Давр Металл» МЧЖ 231,8 минг доллар (178,3 %) корхоналари кескин ўсиш суръатлари таъминланди.⁴²

2.2.3-жадвал

Вилоят бўйича бажарилган экспорт-импорт амалиётлари

(мингАҚШ доллар)

маҳсулот турлари	2008 йил	2009 йил	2010 йил	2011 йил	2012 йил
жами экспорт	86232,1	86203,3	330236,3	82757,2	87028,8
Шундан:					
Пахта толаси	47135,7	35031,5	51175,7	14379,7	8022,6
Кимё маҳсулотлари	75,2	1,0	681,8	625,7	204,9
Қора ва рангли металллар	4,6	0,6	54,5	224,4	333,4
Машина ва ускуналар	279,5	43,7	232,5	540,7	500,5
Озиқ-овқат маҳсулотлари	14432,1	21742,5	233256,8	14034,6	15942,8
Хизматлар	4071,4	4070,5	6180,1	9067,0	12350,9
Нефт маҳсулотлари	4127,8	2262,8	620,9	200,2	31,2
Бошқалар	16105,8	23050,6	38034,1	43684,8	49642,5
жами импорт	81222,2	99486,4	144568,6	122993,7	135130,7
Шундан:					
Кимё маҳсулотлари	12246,3	15165,8	25139,5	30139,7	36921,4
Қора ва рангли металллар	1894,7	1490,6	8736,2	9320,5	11180,5
Машина ва ускуналар	31061,4	45519,4	36717,9	47442,7	57665,3
Озиқ-овқат маҳсулотлари	15811,1	17966,5	51066,2	23597,4	16634,8
Нефт маҳсулотлари	56,5	222,1	194,4	304,8	713,2
Хизматлар	98,9	72,2	85,2	1935,7	896,2
Бошқалар	20053,3	19049,8	22629,3	10253,0	11119,4

Йил сайин вилоятда экспорт фаолиятини юритувчи корхоналарнинг сафи барқарор ўсиб бориши кузатилмоқда. 2011 йилнинг якуни билан экспорт амалларини бажарувчи корхоналар сони 59 тани ташкил этган бўлса, 2012 йил якунига кўра, уларнинг сони 23 тага ортиб, 82 тани ташкил этди.

Қайд этилганидек, 2012 йил Наманган вилоятдаги экспортёр корхоналар сони ортиб борди. Уларнинг инновацион салоҳияти юксалгани билан бир қаторда янги турдаги маҳсулотларни экспортга чиқариш ҳажми

⁴²Наманган вилоят Статистика бошқармаси 2008-2012 йй.даги архив маълумотлари

хам кенг йўлга қўйилди. Хусусан, жорий йилдан бошлаб вилоятдаги «Замин люкс текстил» МЧЖда (65,6 минг доллар) эркаклар кўйлаги, «Роснампоставка» МЧЖ (31,2 минг доллар) ва «Гулшан шойи импекс» корхоналарида (188,8 минг доллар) гудрон маҳсулотлари, «Дилрабо СДА» ХК (289,4 минг доллар) ва «Хак текс» МЧЖ (193,6 минг доллар) корхоналарида трикотаж маҳсулотларини экспортга чиқариш йўлга қўйилди.⁴³

Ҳозирги кунда вилоятдаги саноат корхоналарнинг инновацион салоҳиятини оширишда хорижий инвестицияларнинг аҳамияти катта.

2012 йил якунига кўра, хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналар сони 61 тани ташкил этди. Қўшма корхоналарнинг 48 таси саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришга, 3 таси савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасида, 3 таси қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлашга, 4 таси телекоммуникация, 2 таси қурилиш материалларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган ва 1 таси фармацевтика соҳаларда фаолият кўрсатмоқда (2.2.4-жадвал).

2012 йилнинг март ойида Наманган туманида пардоз-андоз буюмлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган Ўзбекистон-Корея «UNILEVER CHEMICAL» қўшма корхонаси, май ойида Наманган шаҳрида ипакчилик саноатига ихтисослаштирилган Ўзбекистон-Сингапур «VERIGROW IPAGI» қўшма корхонаси, июн ойида полимер хомашёсидан қурилиш материаллари ишлаб чиқаришга ихтисослашган Ўзбекистон-Хитой «Turbo Plast Plus» қўшма корхонаси, июл ойида Тўрақўрғон туманида тикувчилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган Ўзбекистон-Россия «BIRYUZA GROUP» қўшма корхонаси, ноябр ойида Поп туманида тикувчилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган Ўзбек-Молдова «Абдумалик-Лазиз Импекс» қўшма корхонаси ҳамда ноябр ойида Наманган туманида тикувчилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришга

⁴³Наманган вилоят Статистика бошқармаси жорий архивидан

ихтисослаштирилган Ўзбекистон-Хитой «Aisha Home Textile» қўшма корхоналари фаолиятини бошлаган.

2.2.4-жадвал

Наманган вилоятининг ташқи иқтисодий фаолиятининг асосий кўрсаткичлари

Шаҳар ва туманлар	Ташқи савдо айланмаси, (минг АКШ. долл.)	Экспорт, (минг АКШ. долл.)	Импорт, (минг АКШ. долл.)	Рўйхатга олинган хорижий сармоя иштирокидаги корхоналар (ХСИК) сони, дона	Шу жумладан, фаолият кўрсатаётган ХСИК, дона	Шулардан ҳуқуқий мақомга эга бўлган ХСИК, дона	ХСИК томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ва хизматлар ҳажми, (млн.сўм)	ХСИК экспорти ҳажми, (минг АКШ долл.)	Ҳисобот даврида ташкил этилган ХСИК, дона
Вилоят бўйича	221837,0	85622,0	136215,0	61	54	54	326526,0	36637,6	6
Наманган ш.	137347,4	36824,1	100523,3	25	22	22	226411,5	16215,3	1
Мингбулоқ	-	-	-					-	
Косонсой	1587,4	472,7	1114,7	3	2	2	1090,0	337	
Наманган	28280,3	19496	8784,3	8	8	8	47500,0	7416	3
Норин	297,2	193,6	103,6	2	2	2	248,0	-	
Поп	13723,3	11232,5	2490,8	6	5	5	30425,4	11232,5	1
Тўрақўрғон	3119,6	847,1	2272,5	4	3	3	2372,8	557,7	1
Уйчи	10681,8	4815,5	5866,3	5	4	4	10474,7	242,9	
Учқўрғон	4207,7	-	4207,7	1	1	1	100,8	-	
Чортоқ	2434,7	588,6	1846,1	3	3	3	1165,4	217,6	
Чуст	10188,5	6175,9	4012,6	3	3	3	5566,8	418,6	
Янгиқўрғон	779,3	300,5	478,8	1	1	1	1170,6	-	

2012 йил якунига кўра, вилоятдаги қўшма корхоналар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ва кўрсатилган хизматлар ҳажми 326,5 млрд.сўмни (ўсиш 110,1 %) ташкил этди, Вилоятда ишлаб чиқарилган жами маҳсулотдаги улуши 29,4 фоизга етди ўтган йилга нисбат оладиган бўлсак, 2011 йилда 26,7 фоизга ошганлигини кўриш мумкин. (2.2.5-жадвал)

Ўтган давр мобайнида қўшма корхоналарнинг экспорт ҳажми 33,2 млн.долларни ташкил этиб, 2011 йилга нисбатан 112,6 фоизга ўсди ёки вилоят жами экспортдаги улуши ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 3,6 бандга ортиб 39,1 фоизга етди.

Қўшма корхоналарнинг импорт ҳажми 72,6 млн.долларни ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 116,2 фоизга ортиши таъминланди.

2.2.5-жадвал

Вилоятдаги қўшма корхоналар томонидан маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмлари ҳақидаги М А Ў Л У М О Т

ҳудудлар	ишлаб чиқариш ҳажми(млн. сўм)		2012 йилни2011 йилга нисбати (фоиз)	салмоғи (фоиз)
	2011 й.	2012 й.		
Вилоят бўйича	271847,8	268823,0	98,9	100,0
Наманган ш.	209499,3	215910	103,1	80,3
Косонсой	-	-	-	
Мингбулоқ	1210,3	970,2	80,2	0,4
Наманган	28321,6	31106,5	109,8	11,6
Норин	-	-	-	
Поп	19705,4	228	1,2	0,1
Тўрақўрғон	65,4	743,7	1137,2	0,3
Уйчи	4725,0	10019	212,0	3,7
Учқўрғон	-	-	-	
Чортоқ	304,6	588,4	193,2	0,2
Чуст	4596,1	9257,6	201,4	3,4
Янгиқўрғон	3420,1	-	-	-

Бунинг натижасида вилоятда фаолият кўрсатаётган корхоналар инновацион фаолият юксалиб бормоқда. 2012 йил Наманган вилоятида енгил саноат корхоналарининг фаолияти юқори даражада ривожланган. Эндликда асосий эътиборни вилоятда фаолият кўрсатаётган бошқа турдаги саноат корхоналарини ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда.

2.3. Наманган вилояти саноат корхоналари модернизация қилиш ва инновацион салоҳиятини юксалтириш таҳлили

Маълумки, ҳар бир давр иқтисодиётнинг ўзига хос хусусиятлари бўлади. Улар ишлаб чиқариш муносабатлари, хўжалик юритиш механизми, шакллари ва меҳнатни ташкил этиш жараёнларида намоён бўлади. Жамият тараққиётининг қонуниятларига кўра, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш бир текисда давом этмасдан, қуйидан юқорига, оддийликдан мураккаблик томон юксалиш тамойилларига асосланади. Бу эса тараққиётнинг универсал қонуниятларидан бири ҳисобланади. Ҳар бир замон иқтисодиёти ўзининг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий тузилмасига асосланади. Иккинчи томондан эса, бу иқтисодиёт ишлаб чиқариш воситалари, инновацион техника ва технологияларга эга бўлади. Айнан мазкур икки жиҳат ҳар бир даврнинг иқтисодий ривожланишида ўзининг изини қолдиради ва ривожланиш даражасини белгилаб беради.

Мазкур зиддиятларнинг мазмуни истеъмол билан ишлаб чиқаришнинг вақт нуқтаи назаридан мос келмаслигида, ишлаб чиқариш муносабатларининг ишлаб чиқариш усулидан олдинда юриш каби ҳолатларда намоён бўлади. Маълумки, ушбу зиддиятлар иқтисодий тарққиётнинг ҳаракатлантирувчи кучи ҳисобланиб, иқтисодиёт, ишлаб чиқаришга оид барча янгиликлар аввало ишлаб чиқариш муносабатларида қуртак ҳолида вужудга келади, сўнгра ишлаб чиқариш тизимига татбиқ этилади. Айнан шу ҳолат иқтисодий трансформация жараёнларини вужудга келтиради, ривожланишнинг бир босқичидан кейинги такомиллашган босқичига ўтишида моддий ва техник-технологик асос яратади. Иқтисодий трансформация натижасида сифат, техник-технологик жиҳатдан олдинги тизимга нисбатан инновацион иқтисодиёт вужудга келади. Инновацион иқтисодиёт – бу самарали инвестиция, рақобат механизми асосида тадбиркорлик фаолиятининг кенг ривожланиши ва ишлаб чиқариш томонидан ихтиролар, янгиликлар ва кашфиётларни ишлаб чиқаришга тезкор татбиқ этишга лаёқатли иқтисодиётдир.

Глобаллашув шароитида бир томондан ишлаб чиқаришнинг марказлашуви, байналминаллашуви, миллий хўжаликларнинг ўзаро

боғлиқлиги ва яхлитлигининг ошиши, иккинчи томондан эса, ресурсларнинг тезкорлик билан камайиши, аҳолининг жадал суръатлар билан кўпайиши, инновацион иқтисодиётга ўтишни ҳаётий заруратга айлантирмоқда. Жаҳон иқтисодиётини ҳаракатга келтирувчи куч, ривожланишни таъминлайдиган асосий омиллардан бири фан-техника тараққиёти бўлиб, унинг намоён бўлиш шакли инновациялар ва илғор технологиялар, бошқарув ҳамда ижтимоий соҳадаги инновацион фаолият ҳисобланади.

Инновацияларнинг бир нечта муҳим функциялари мавжуд. Инновациялар биринчи функциясининг мазмун-моҳияти шундан иборатки, ялпи ички маҳсулотни ишлаб чиқариш харажатларини, маҳсулот қийматига жонли меҳнат улушини камайтириш, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ҳамда юксак меҳнат унумдорлигига эришишдир. Иқтисодиётда ишлаб чиқарувчи кучларни рационал жойлаштириш ва уларнинг инновацион салоҳиятидан унумли фойдаланишни тақозо этади. Инновацияларнинг яна бир функционал вазифаси жамиятда жисмоний шахслар, меҳнат жамоалари ва хўжалик юритувчи субъектлар томонидан яратилган янгиликлар, ихтиролар, кашфиётларни иқтисодий амалиётга татбиқ этиш орқали ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифатини оширишдан иборат қуйидагича инновацион ривожланишга ўтиш заруриятини белгиловчи омиллар (2.3.1-жадвал).⁴⁴

Мамлакатда инновацион иқтисодиётга ўтишда, уни ривожлантиришда миллий инновацион тизим яратилиши зарурий шартлардан бири ҳисобланади. Миллий инновацион тизим – бу инновацион фаолиятни рағбатлантириш, қўллаб-қувватлашни амалга оширадиган субъектлар ва институтлар мажмуасидир. Миллий инновацион тизим таркибига давлат, бизнес субъектлари, ўқув юртлари, илмий-текшириш институтлари ва таълим муассасалари киради. Миллий инновацион тизимни ташкил этиш, ривожлантиришда давлат асосий рол ўйнайди. Давлатдан уларни имтиёзли солиққа тортиш, тўғридан-тўғри молиялаштириш, имтиёзли кредитлар

⁴⁴ Шокирова Ф. Инновацион ривожланиш моделлари ва иқтисодий ўсиш // Иқтисод ва молия 2012. №3


ажратиш ва венчур фондлаирини ташкил этиш каби чоралар билан уларни қўллаб қувватлаш масадга муофиқдир.

2.3.1-жадвал

Инновацион ривожланишга ўтиш заруриятини белгиловчи омиллар ва функционал вазифалар

омиллар	функционал вазифалар
Иқтисодиётда даврийлик тавсифига эга бўлган молиявий – иқтисодий инқирозларнинг вақти-вақти билан содир бўлиб туриши	Жамиятда ижтимоий-иқтисодий танглик-ларнинг келиб чиқиши ва хўжалик юритувчи субъектларнинг инқироздан чиқиш учун ўз фаолиятига ихтиролар ва янги ёндашувларни қўллашнинг долзарб масалага айланиши.
Бозор иқтисодиёти шароитида хўжалик субъектларининг молиявий мустақиллиги ва рақобатбодошлигини таъминлаш	Бозор иштирокчилари томонидан ишлаб чиқарилган товарлар ва хизматларнинг рақобатдошлигини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқаришни модернизация қилиш.
Табиий, иқтисодий ва минерал ресурсларнинг чекланганлиги	Ресурслардан тежамкорлик билан самарали фойдаланиш ва шу мақсадда замонавий технологиялар, стандартлар ишлаб чиқарилиши ҳамда ишлаб чиқаришнинг альтернатив усулларига ўтиш.
Аҳоли сонининг узлуксиз равишда ошиб бориши	Дунё, мамлакатлар аҳолисининг ўсиши, эҳтиёжларнинг табиий ва ўз-ўзидан узлуксиз ошиб бориш тенденциясининг вужудга келиши.
Миллий иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларидаги асосий фондларнинг эскириш даражасининг юқрилиги	Давлат ва миллий иқтисодиётнинг рақобатдошлигини таъминлаш учун асосий фондларни янгилаш муддатларини қисқартириш орқали таркибий ўзгаришларни амалга ошириш.

Қуйидаги чизмадан кўринадики, инновацион ривожланиш даражасини жамият ҳаётининг иқтисодий, ижтимоий ва инновацион фаолият соҳаларидаги айрим кўрсаткичларга қараб аниқлаш мумкин. Агар мамлакат иқтисодиётида хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятига давлат томонидан аралашув даражаси паст бўлса, соғлом рақобат, мустақил инвестицион муҳит учун ҳуқуқий, иқтисодий, институционал шарт-шароитлар яратилган бўлса, миллий хўжалик тармоқларидаги капиталнинг оқими бир тармоқдан бошқасига ўтиши тезкор, жадал кечса, хулоса қилиш мумкинки, бундай иқтисодиётда инновацион ривожланишлининг барча иқтисодий асослари яратилган бўлади. (2.3.1-чизма)

Инновация ривожланиш индикаторлари

шароитида инновацион ривожланишнинг учта асосий моделини қайд этиш мумкин:⁴⁵

1. Макро миқёсда илмий – ишлаб чиқариш циклининг барча босқичларини ўзида мужассаб этган мақсадли лойиҳаларни ишлаб чиқариш ва амалиётга татбиқ этиш модели (АҚШ, Англия, Франция).

2. Иқтисодиётнинг таркибий тузилишини мўътадил иновацион муҳит яратиш орқали оптималлаштириш, янгилик ва ихтироларни кенг тарқатишга ихтисослашган модель (Германия, Швеция, Швейцария).

3. Инновацион инфратузилмани ривожлантириш орқали янгиликлар яратишни рағбатлантирувчи модел (Япония, Ж.Корея).

⁴⁵ Шокирова Ф. Инновацион ривожланиш моделлари ва иқтисодий ўсиш // Иқтисод ва молия 2012. №3

Барқарор иқтисодий ўсишни сақлаб қолишни инновацияларсиз амалга ошириш мушкул вазифадир. Шу нуқтаи назаридан Ўзбекистонда инновацион ривожланишнинг биринчи моделида, яъни фан-техника тараққиёти ютуқларини иқтисодий амалиётга татбиқ этиш йўлидан борилди.

Инновацион ривожланишнинг иккинчи моделидан ҳам фойдаланганда мамлакатда фаол инвестиция сиёсати олиб борилиши натижасида иқтисодиётни реал секторини қўллаб қувватлаш, бу орқали ички бозорни товар ва хизматларга тўйинтириш рақобатбардош маҳсулотлар экспорт салоҳиятини кўтариш масаласи кўзда тутилган


Ўзбекистонда, хусусан Наманган вилоятида инновацион иқтисодиётни шакллантириш жараёнида ишлаб чиқариш тармоқларини инновацион ривожланиш йўлига ўтказишнинг устувор йўналишлари ва изчиллигини аниқлаш муҳим аҳамиятга эгадир (2.3.2-чизма).

Қуйидаги чизмадан кўринадики, Ўзбекистонда иқтисодиётнинг инновацион моделига ўтишни аввало электроэнергетика тизимидан, ундаги муаммоларни ҳал этишдан бошлашни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Инновацион фаолият билан шуғулланадиган субъектларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш орқали мамлакатда инновацион салоҳиятнинг ривожланишига эришиш мумкин. Яратилган инновацион маҳсулотларни тижоратлаштириш, ишлаб чиқаришга жорий этиш механизмининг амал қилиши натижасида кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш билан инновацион фаолият ўртасида ўзаро алоқадорлик ва ҳамкорликка асос солиш зарур.

2.3.2-чизма

Ўзбекистон инновацион ривожланишни таъминлашнинг устувор йўналишлари



Республика инновацион иқтисодиётни юксалтириш, барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш бўйича қуйидаги таклифлар ва тавсифлар ишлаб чиқилган бўлиб, улар:

1. Миллий иқтисодиётда инновацион фаолликка эришиш, инновацион ривожланишни таъминлашнинг устувор йўналиши деб, республиканинг электро-энергетика тизими, саноат ва унинг автомобилсозлик, машинасозлик, енгил саноат, кимё, нефть-газ соҳалари, қишлоқ ҳамда ахборот-телекоммуникация тизимларини ҳисоблаш мақсадга мувофиқдир. Лекин бу соҳадаги ғоят муҳим, бирламчи устувор вазифа сифатида мамлакат ҳудудидаги барча ишлаб чиқариш қувватларини узлуксиз электрэнергияси ва уларни тегишли, замонавий ахборот-телекоммуникация хизматлари, ишончли ахборотлар билан таъминлашни ташкил этиш лозим.

2. Давлат томонидан самарали инновация сиёсатини ишлаб чиқиш, унинг амал қилиш механизмларини яратиш ва хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини инновацион иқтисодиёт мезонлари нуқтаи назаридан баҳолашни ташкил этиш лозим. Инновацион фаолият билан шуғулланувчи хўжалик юритувчи субъектлар ичида юқорида келтирилган мезонлар бўйича энг фаолларига янада қулайроқ шароит яратиш, рағбатлантириш учун имтиёزلарни мутаносиб равишда кенгайтириб бориш зарур.

3. Республика инновацион фаолиятини мувофиқлаштирувчи, рўйхатга олувчи “Инновацион ишланмаларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни ташкил этувчи “Инновацияларни мониторинг қилиш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш агентлиги”ни ташкил этиш ва унинг ҳузурида махсус, мустақил “Инновациялар жамғармаси”ни таъсис этиб, унинг асосий вазифаси иқтисодиётни модернизация қилиш жараёнида юқори рискли, йирик инновацион лойиҳаларни чет эллик инвесторлар билан ҳамкорликда молиялаштириш, суғурталаш деб белгиланиши лозим.

4. Худудий инновацион инфратузилмаларни барпо этиш жойларда юқори технологияли ишлаб чиқаришни қўллаб-қувватлаш инновацион фаолликни таъминлашнинг асоси бўлиб хизмат қилади. Бундан ташқари, жамиятнинг инновацион маданиятини оширишга эришиш лозим. Гап шундаки, муҳим янгиликлар, йирик технологик ихтироларнинг кашф этилган вақти уларни жамият томонидан қабул қилиш, улардан самарали фойдланиш хронологиясига мос келмайди. Чунки инновациялар ва ихтиролар ҳамиша жамиятнинг ривожланганлик даражасидан олдинда юради.

Республикада самарали, барқарор иқтисодий ўсишга эришишдаги мавжуд муаммолар таҳлили шуни кўрсатдики, мустақиллик йилларида мисли кўрилмаган натижаларни қўлга киритиш билан бир қаторда бартараф этилиши, лозим бўлган масалалар ҳам борлиги аниқланади. Мазкур масалаларнинг ҳал этилиши ўйлаймизки, иқтисодий ўсишнинг ички имкониятларидан янада самарали фойдаланишга, инновацион ишлаб

чиқаришни шакллантиришга халқимизфаровонлигини юксалитиришга ижобий таъсир кўрсатади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 14 августда қабул қилинган “2009-2012 йилларда Наманган вилоятида саноатни ривожлантириш ва ишлаб чиқаришни модернизация қилиш дастури тўғрисида”ги қарори вилоят иқтисодий тараққиётида муҳим аҳамият касб этди.

Вилоятда фаолият кўрсатаётган “Наманган қоғози” масъулияти чекланган жамиятининг ташкил этилиши мазкур қарор ижросининг дастлабки самараларидан бири бўлди. Ушбу корхонада ёзув, офсет ва енгил картон қоғозлари ишлаб чиқарилмоқда. Корхона собиқ «Намбум ЛТД» корхонаси негизида ташкил этилган бўлиб, мазкур жамият учун Ташки иқтисодий фаолият миллий банки томонидан бир миллиард 200 миллион сўм миқдорида сармоя ажратилди. Бундан ташқари корхонани модернизация қилиш ишларига 500 минг АҚШ доллари миқдорида инвестиция жалб этилди.⁴⁶

Хусусан, Наманган вилоятида 2012 йил якунига кўра, модернизация дастури бўйича 21,0 млрд. сўмлик 51 та корхонада модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш лойиҳалари амалга оширилиши, 1044 та янги иш ўринлари яратилиши режалаштирилганлиги кўрсатиб ўтилган (2.3.1-жалвал).

2012 йил якуни билан жами 64 та корхоналарда модернизация қилиш ишларига 30,9 млрд.сўмлик маблағ сарфланиб, сарфланган маблағларнинг 23,9 млрд.сўмлиги банк кредитлари ва 6,9 млрд.сўмлиги ташаббускорларнинг ўз маблағлари ҳисобидан амалга оширилди. Ушбу корхоналарда лойиҳаларни амалга ошириш натижасида 1208 та янги иш ўринлари яратилди.

Вилоятда 2012 йил якунига кўра, модернизация ишларини амалга оширган лойиҳаларнинг 54 таси ноозиқ овқат ва 10 таси озиқ-овқат

⁴⁶ Наманган вилояти Иқтисодиёт бошқармаси жорий архиви

махсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналар бўлиб, булар томонидан қўшимча 7,5 млрд.сўмлик янги қувватлар яратилди.

Худудлар бўйича қарайдиган бўлсак, Наманган шаҳрида жами 30 та, Мингбулоқда туманида 1 та, Норинда, Янгикўрғон туманларида 2 та Косонсойда, Попда туманларида 3 та, Наманган, Уйчида туманларида 4 тадан корхоналарда модернизация, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш ишлари амалга оширилиб келинган.

Ушбу корхоналарни тижорат банклари томонидан кредитлар билан қўллаб қувватланиши, вилоятдаги кўплаб ишламай турган ёки паст қувватда, маънан эскирган ускуналар билан маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналарни қайта тикланишига ва сифатли маҳсулот ишлаб чиқарилишига ёрдам берди.

2.3.1-жадвал

2012 йилда Наманган вилоятида инновация дастурлари асосида мавжуд корхоналарни модернизация қилишнинг асосий кўрсаткичлари

Шаҳар ва туманлар	Дастур бўйича жами лойиҳалар		шундан, йўналишлар бўйича бажарилганлари		Жами лойиҳалар		шундан, молиялаштириш манбалари бўйича						Иш ўринлари	
	режа	амалда	ноозик-овқат маҳсул отлари	озик-овқат маҳсул отлари	режа	амалда	ўз маблағлари (млн.сўм)		хорижий инвестиция (минг долл.)		банк кредитлари (млн.сўм)			
							режа	амалда	режа	амалда	режа	амалда	режа	амалда
Вилоят бўйича	51	64	54	10	15606,0	30892,4	6879,4	6912,3		5480,0	8726,6	23980,1	1044	1208
Наманган ш.	30	31	27	4	10289,2	14819,2	5409,2	3112,1			4880,0	11707,1	658	508
Мингбулоқ	1	1	1		125,0	125,0	25,0	25,0			100,0	100,0	22	22
Косонсой	3	3	3		500,0	638,0	280,0	178,0			220,0	460,0	44	50
Наманган	4	3	1	2	1840,8	624,2	549,2	134,2			1291,6	490,0	35	18
Норин	2	2	2		493,0	493,0	123,0	123,0			370,0	370,0	78	50
Поп	2	3	3		1150,0	1290,0	150,0	170,0			1000,0	1120,0	90	100
Тўрақўрғон	2	6	5	1	270,0	1493,0	20,0	463,0		4800,0	250,0	1030,0	15	147
Уйчи	4	9	8	1	743,0	10674,0	228,0	2246,0		550,0	515,0	8428,0	42	171
Учқўрғон	1	1	1		25,0	30,0	5,0	5,0			20,0	25,0	5	20
Чортоқ		1		1		216,0		216,0		130,0				15
Чуст		1	1			200,0		50,0				150,0		37
Янгиқўрғон	2	3	2	1	170,0	290,0	90,0	190,0			80,0	100,0	55	70

Вилоят саноат корхоналари иқтисодиётининг инновацион салоҳияти йил сайин ўсиб бормоқда. Бунинг асоси албатта, вилоятга киритилаётган турли хилдаги инвестициялардир. Вилоятга инвестицияларни киритилиши натижасида зарар кўриб ишлаётган, иш фаолиятини банкрот деб эълон қилинган, техник ва технологик жиҳатдан жуда эскирган саноат корхоналарини замон талабига мос тарзда модернизация қилиниб, уларни ривожланишига асос яратилди.

Хулоса қилиб шуни айтиш жоизки, ҳозирги кунда Наманган вилоятида енгил саноат таромқларининг ривожланиш даражаси қолган корхоналарга караганда бир мунча юқорироқдир. Наманган вилояти саноат корхоналарининг кейинги даврдаги инновацион салоҳиятини бошқариш, молиявий-иқтисодий фаолияти қуйидагиларни ривожланитиришга имкони яратмоқда:

- ноозик-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича ишлаётган қувватларни кенгайтириш ва янги қувватлар ташкил этиш;
- қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш, уларни қайта ишлаш ва сақлаш бўйича ишлаётган қувватларни кенгайтириш ва янги қувватлар ташкил этиш;
- хорижий инвестицияларни жалб қилган ҳолда янги лойиҳаларни ташкил этиш;
- истиқболли саноат корхоналарини техник жиҳатдан модернизация қилиш ва молиявий соғломлаштириш;
- кооперациялашган етказиб беришлар асосида ишлаб чиқариш ҳажмини кенгайтирган ҳолда йирик саноат корхоналарида хом-ашё, материаллар, бутловчи буюмлар ва асбоб-ускуналар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш.

Ушбу чора-тадбирлар натижасида ишлаб чиқариш корхоналарининг инновацион салоҳияти ошириб боради. Уларни техник ва технологик жиҳатдан ривожланишига сабаб бўлади.

III боб. Корхоналарда инновацион салоҳиятни бошқаришни такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш йўллари

3.1. Инновацион салоҳиятни бошқаришнинг концептуал модели

Концептуал ёндашув энг асосий ғояни, муайян устуворликларга эга инновацион жараёни бошлаш ва уни амалга оширишни англатади. Мамлакатимиз тараққиёти, умуман, иқтисодиётда инновацияларнинг, илмий-техник ютуқларнинг ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишдаги роли ва аҳамияти ниҳоятда катта. Ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлиги оширилишининг 70 фоизи техник омиллар – маҳсулот, технологик янгилик ва янгиланишлар ҳисобига таъминланади.

Шу билан бирга айтиш жоизки, кўплаб корхоналар, илмий-техник мажмуалар, ташкилотлар, шунингдек, айти пайтда самарали фаолият юритиб келаётган алоҳида тармоқлар учун инновациялар хавфли бўлиши ҳам мумкин. Чунки улар турли янгиликларни яратгани ва ўзлаштирганлари билан, ушбу илмий-техник ютуқлар қандай оқибатларга олиб келишини кўра билмасликлари, инновацион фаолиятнинг зарур даражаси ва йўналишларнинг мос тарзда сақлаб қола олмасликлари мумкин. Бунинг натижасида, аксарият ҳолларда, инновацион ечимлар натижалари асосида самарадорликни таъминлашга, уринишларга қарамай, молиявий-иқтисодий кўрсаткичларнинг тушиб кетишига бозор улушининг бой берилишига ва охир-оқибатда, инқирозга юз тутишига олиб келиши мумкин. Бунинг натижасида шундай хулоса қилиш мумкинки, корхоналар ва кичик тармоқ молиявий-иқтисодий аҳволининг ёмонлашуви фақат инновацияларни йўқлиги оқибатида содир бўлмайди. Бу ерда муаммо инновацияларнинг ўзида эмас. Балки биринчи галда, янгиликларни самарали бошқариш ва бунда муайян кўрсаткичга ёки кўрсаткичларга йўналтирилганлигидадир. Қуйидаги кўрсаткичлар ушбу фикримизни тасдиқлайди. Инновацион ишланмаларнинг атиги 10 фоизигина тижорат ютуғига олиб келади, қолган 90 фоизи муваффақиятсиз ишланмалардан иборат бўлади.

Инновацион янгиликларни жорий этаётган корхоналар олдида инновацион жараёнларни бошлашдан олдин ҳал этилиши зарур бўлган бир қатор масалалар мавжуд бўлиб, уларга қуйидагилар киради:⁴⁷

- инновацион жараённинг барча вазифалари ва босқичларини корхонада ҳал этиш;
- инновацион ишланмаларнинг қанча қисми ўзга ташкилотлар томонидан бажарилишини аниқлаш;
- қўйилган масадга лицензиялар ёки “ноу-хау”ни қўлга киритиш йўли билан эришиш;
- инновацион ишлар харажатлари ишлаб чиқаришга ёки маркетингга сарфланадиган умумий харажатларга қараганда, юқорироқ бўлган самарадорликни таъминлай олиши;
- ишлаб чиқариш ва маркетингга сарф этилган харажатлар қисқа муддатда анча самарали фаолият юритаётган корхонанинг узоқ вақт давомида самарадорлигини кафолатлай олиши.

Янгиликларни турли-туман хилларини ҳисобга оладиган бўлсак, бу саволларга жавоб топиш янада мушкулдир. Ушбу корхоналарга комплекс тарзда қараладиган бўлса ёки уларни турли даражада бирлаштирилиши учун муайянустуворликларга йўналтирилган аниқ концепция ишлаб чиқилган бўлиши керак. Жаҳоннинг кўпгина мамлакатларида сўнгги пайтларгача инновацияларни бошқаришнинг барча даражаларида уларнинг маҳсулотга йўналтирилганлиги, яъни, янгиликларнинг ишлаб чиқаришга қаратилганлигини кузатиш мумкин эди(2.3.1-чизма). Концепцияга кўра, инновацион жараёни маҳсулотга йўналтирилганликни ифодалайди, яъни бунда истеъмолчининг ишлаб чиқарувчига нисбатан позицияси жуда заиф бўлади. Бу ерда янгиликларни яратиш, ўзлаштириш ва тарқатишга боғлиқ бўлган барча шартларни ишлаб чиқарувчи қўяди.

⁴⁷ Мирзохидов Х., Раҳматов Д. Инновацияларни бошқаришнинг концептуал модели // Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси 2012. №1

Бозор муносабатларига ўтиш, ишлаб чиқаришнинг таркибий қайта қурилиши ҳамда ижтимоий эҳтиёжларнинг мураккаблашуви истеъмолчи позицияларининг кам мустаҳкамланишига олиб келади. Шунини эсда тутиш керакки, маркетинг ғояси, уларнинг бундай ўзгариши нуқтаи назаридан олиб қараганда, янгиликлар ўз ҳолича якуний мақсад эмас, фақатгина истеъмолчи эҳтиёжларини англашдан иборат. Гарчи, сўнгги йилларда истеъмолчиларнинг талаблари маълум даражада яратилаётган янгиликларда аксини топаётган бўлса-да, барибир бу ижобий жараён инноваторни, яъни, инновациялар “ташаббускори”ни истеъмолчига яқинлаштирмайди.

2.3.1-чизма

Инновацияларни бошқаришнинг кузатув тизими



Бундан келиб чиқадики, тадқиқотчи конструктор ва технолог ҳанузгача бозордан ажралиб қолмоқда. Улар ҳали инновацияларнинг тижорат нуқтаи назаридан салоҳиятига ҳамда уларнинг шахсий ва ишлаб чиқариш эҳтиёжларини қондира олишига баҳо беролмайдилар. Шунинг учун ҳам, муқобил янги концептуал ёндашув зарур.

Бундай ёндашувга инновацион билимларни истеъмолчилар эҳтиёжларини қондиришга йўналтириш жараёни сифатида қаралади. Янгилик-маҳсулот фақат технология ташувчисига айланиб, у касб этган шакл эса фақат технология қондирилаётган эҳтиёж билан боғлангандан кейин намоён бўлади. Натижа битта – янгилик-маҳсулот бўлса-да, биз, бу ерда уни ишлаб чиқарувчининг инновацион салоҳиятни бизнес мақсадларига трансформациялаш характери ҳақидаги тасаввурларининг қанчайин

ўзгарганини кўрамиз, чунки, иккинчи ёндашув бўлажак истеъмолчининг эҳтиёжларига бўйсунлирилган. Янгиликлар кўрсаткичлари бўлажак бозор эҳтиёжларига боғланганда муваффақиятсиз янгиликлар фоизи камаяди, зеро, уларнинг кўпчилиги бундай боғлиқликнинг йўқлиги билан белгиланади.

Инновацияларнинг самарадорлиги тижорат ютуғига кўплаб омиллар билан таъсир қилади, улардан энг асосийлари:⁴⁸

- бозорга йўналтирилганлик;
- инновацион лойиҳаларни танлаб олиш ва баҳолашнинг самарали тизими;
- лойиҳаларни самарали бошқариш ва назорат қилиш;
- ижодий ғоялар манбаи;
- ташкилотнинг янгиликларга мослашувчанлиги, таъсирчанлиги;
- янгиликларга қаршилик кўрсатиш.

Бунда энг муҳим жиҳат – бозорга йўналиш олиш билан бевосита боғлиқ. Яъни, қўйиладиган вазифалардан бири – ИТТКИ соҳаси билан маркетинг ўртасида доимий алоқани йўлга қўйишдир. Бу ерда коммуникацион қийинчиликлар ва корхоналар ташкилий тузилмаси билан боғлиқ муаммолар туғилдики, улар ИТТКИ билан банд ходимлар ҳамда маркетинг бўйича мутахассислар ўртасида самарали муносабатларни йўлга қўйишга ёрдам бермай, балки тўсқинлик ҳам қилади.

Маълумки, янгиликларни яратиш ғояси одатда бозор эҳтиёжларидан келиб чиқади ёки ИТТКИ бўлинмалари ичида туғилади. Ушбу икки йўлдан қайси бири самаралироқ эканлиги ҳақида кўпинча қарама-қарши фикрлар билдирилади. Бозор иқтисодиёти ривожланган мамалакатлар амалиёти шуни кўрсатмоқдаки, янгиликлар асосини, ташкил қиладиган барча ғояларнинг 25-35 фоизи ИТТКИ бўлинмалари ичида пайдо бўлади. Уларнинг аниқ нисбати қандай бўлмасин, шуниси аниқки, ИТТКИ ҳам маркетинг, ҳам ғояларнинг асосий манбаи бўлиб хизмат қилади, ривожланишига эса, аксарият ҳолларда

⁴⁸ Мирзохидов Х., Раҳматов Д. Инновацияларни бошқаришнинг концептуал модели // Ўзбекистон иқтисодиёт ахборотномаси 2012. №1

заиф коммуникациялар ва ўзаро тушинишнинг йўқлиги тўсқинлик қилади. Янгиликларни яратиш ғоясининг ушбу иккита ижодий манбасини бир-бирига қарши қўйиш унчалик тўғри эмас. Техник томонлар ва бозорга боғлиқ жиҳатларни бир-бирига унумли боғлаш зарур, бунга эса, хизматлар ўртасида яқин алоқаларни йўлга қўйиш орқали эришиш мумкин.

Кўриб чиқилган концептуал моделларга нисбатан бу шуни англатадики, ҳар иккала ёндашув, яъни “Маҳсулотга йўналтирилганлик” ва “Бозорга йўналтирилганлик” маълум даражада ўз ўрни ва аҳамиятига эга. Давлат иқтисодий ривожланишининг, тармоқлар ва корхоналар ҳолатининг ҳозирги босқичида иккинчи концептуал бошқарув – бозорга йўналтирилгани устуворлик берилади. Бироқ шунга қарамай, мазкур ҳолда ҳам ижодий ғояларнинг икки манбаи ўртасида муайян нисбат сақланиши лозим. “Маҳсулотга йўналтирилганлик” концептуал ёндашувидан воз кечиш, бозор муносабатларига ўтиш заруриятини рўқач қилиш мақсадга мувофиқ эмас, шу билан бирга инновацияларни бошқаришнинг барча даражаларида нотўғридир. Ушбу қарашлар янги ишланмаларнинг камайиб кетишига, инновациялар илмий-техник даражасининг пасайишига ва охир-оқибат, мамлакатнинг, унинг минтақалари, шунингдек, алоҳида тармоқлар ва корхонларнинг инновацион салоҳияти ривожланиш нуқтаи-назаридан орқада қолишига олиб келади.

3.2. Корхонанинг инновацион жараёнларини бошқаришда инвестиция салоҳиятидан фойдаланиш

Ўзбекистон миллий иқтисодиётини ривожлантиришнинг замонавий босқичларида ишлаб чиқариш соҳасида фаолият кўрсатаётган корхоналарнинг рақобат кураши тобора жаддаллашиб бормоқда. Бундай шароитларда ишлаб чиқариш корхоналари иқтисодиёт учун муҳим аҳамият касб этади.

2010 йилда инқирозга қарши тадбирлар дастурини амалга оширишда, инвестицияларни жалб этиш, биринчи навбатда, ички ресурслардан

фойдаланиш ҳисобига иқтисодийнинг энг муҳим етакчи тармоқларини жадал модернизациялаш, техник ва технологик янгилаш, транспорт ва инфратузилма коммуникацияларини ривожлантириш устувор йўналишларидан бўлиб қолди.

Маълумки, инқирозга қарши тадбирлар дастурида белгилаб берилган асосий йўналишларнинг 2009-2012 йилларга мўлжалланган учдан бир реал сектордаги ресурслар базасини ва инвестицион фаолликнинг ўсишини таъминлаб берувчи тадбирларни кенгайтиришга қаратилган. Дастурни амалга ошириш, янада аниқроқ айтадиган бўлсак, тижорат банклари томонидан модернизациялаш, техник ва технологик қайта куриш лойиҳаларини молиялаштириш учун 2009 йилда жами 2,4 триллион сўмлик, 2008 йилга нисбатан таққослайдиган бўлсак, 1,6 марта кўпроқ инвестиция кредитлари ажратилди.⁴⁹ Хусусан, 2009 йилда инвестиция дастурлари ва техник модернизациялаш бўйича тармоқ дастурлари доирасида 690 та инвестиция лойиҳаси амалга оширилди, улардан 3003 та лойиҳа муваффақият билан ниҳоясига етказилди.

2012 йил давомида республикаимиз иқтисодийётига жорий этилган инвестицияларнинг умумий ҳажми 8,2 миллиард АҚШ долларини ташкил этди, бу эса 2008 йилга нисбатан деярли 24,8 фоизга кўпроқ деганидир. Жалб қилинган инвестицияларнинг ҳажми 68 фоизга ўсди ва уларнинг асосий қисмини бевосита инвестициялар ташкил этади.⁵⁰

Мамлакатимизда олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар йил сайин юксалиб бормоқда. Натижада 2010 йилда 9 миллиард 700 миллион АҚШ долларига тенг миқдорда инвестиция жалб қилинган бўлиб, 2009 йилга нисбатан 13,6 фоизга ошган. Бу эса ЯИМнинг қарийб 25 фоизини ташкил этади. Ушбу инвестицияларнинг салкам 72 фоизи ишлаб чиқариш корхоналарини барпо этишга, жумладан, 38 фоизга яқини асбоб-ускуна ва

⁴⁹ Каримов И.А. Бизнинг асосий вазифамиз – ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. 2009 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқурлари ва 2010 йил иқтисодий дастурининг энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи. 2010 йил 30 январь

⁵⁰ Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий – иқтисодий ривожланиши // www.stat.uz

илғор технологиялар сотиб олишга йўналтирилди. Шу борадаги умумий кўйилмалар ҳажмида хорижий инвестициялар ва кредитлар улуши 28,8 фоизни, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар миқдори эса 2 миллиард 400 миллион доллардан зиёдни ташкил этди. Барча молиявий манбалар ҳисобидан техник ва технологик қайта жиҳозлаш учун йўналтириладиган инвестициялар ҳажми 3 миллиард 600 миллион доллардан ошгани ёки 2010 йилдаги барча капитал кўйилмаларнинг 37,5 фоизини ташкил этгани принципиал муҳим аҳамиятга эгадир.⁵¹

2011 йилда инвестициялар ҳажми 10 миллиард 800 миллион АҚШ доллардан ошган бўлиб, бу 2010 йилга нисбатан 11,2 фоиз кўп демакдир. Инвестицияларнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 23,9 фоизни ташкил этгани мамлакатимизкорхоналарида инновацион жараёнларни бошқаришда инвестиция салоҳияти жадал фаоллашиб бораётганидан далолат беради.⁵²

Ҳозирги кунга келиб йил сайин инвестиция салоҳияти ошиб бормоқда. Ўтган йилда иқтисодиётимизга 11 миллиард 700 миллион доллар миқдорида ички ва хорижий инвестициялар жалб этилди. Бу борадаги кўрсаткич 2011 йилга нисбатан 14 фоизга ўсди. Жами инвестицияларнинг 22 фоиздан ёки 2 миллиард 500 миллион доллардан ортиғини хорижий инвестициялар ташкил этиб, уларнинг 79 фоиздан кўпроғи тўғридан-тўғри хорижий инвестициялардир.⁵³

2009-2014 йилларга мўлжалланган инвестиция лойиҳалари дастурининг тўлиқ амалга оширилиши учун барча молиявий манбалар ҳисобидан 4,5 миллиард АҚШ доллари миқдорида маблағ ажратилиши кўзда

⁵¹ Каримов И.А. Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси // press-service.uz

⁵² Каримов И.А. Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади. 2011 йил якунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. // press-service.uz

⁵³ Каримов И.А. Бош мақсадимиз – кенг қўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси, Халқ сўзи, 2013 йил 19 январь

тутилган. Инвестиция дастурларининг 2010 йил учун энг юқори кўрсаткичлари – 42,6 фоиз корхоналар маблағлари хиссасига тўғри келди.

Президентнинг “2011-2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисидаги” қарори мамлакатимизнинг саноатлашган индустриал салоҳиятини ривожлантириш векторларидан бири сифатида тавсифлаш мумкин.⁵⁴

Ушбу қарор яқин йиллар ичида мамлакатимиз саноатини ривожлантиришнинг мақсадлик кўрсаткичларини, шунингдек, амалга оширишга тайёрланган ёки ҳозирги вақтда амалга оширилаётган инвестиция лойиҳалари рўйхатини ўз ичига олган “2011-2015 йилларда Ўзбекистон саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисидаги Дастур”ни тасдиқлайди. Республика бўйича беш йил давомида 259 та саноат лойиҳасини амалга ошириш учун 30 миллиарддан АҚШ доллардан зиёд маблағ сарфлаш режалаштирилган. Янги қурилиш доирасида режа бўйича 23,05 миллиард АҚШ долларимикдорида маблағ сарфлаш кўзда тутилган. Фаолият кўрсатаётган корхоналарни модернизациялаштиришга 5,242 миллиард АҚШ долларимикдоридаги капитал қўйилма, турли тармоқларга мансуб корхоналарни қайта жиҳозлаш учун эса 1,783 миллиард АҚШ доллари талаб этилади.⁵⁵

Саноатни ривожлантиришга мўлжалланган дастуряна ишлаб чиқиლაётган 99 лойиҳани ўз ичига олади. Уларнинг дастлабки қиймати 6,446 миллиард АҚШ долларига тенг. Мамлакатимиз саноат корхоналарининг инновацион салоҳиятини ошириш мақсадида турли хил ислохотлар олиб борилмоқда. Улар саноат ислохоти, шунингдек, ёқилғи-энергетика, кимё, металлургия, енгил саноат, қурилиш ва машинасозлик тармоқларига оид, умумий ҳисобда қарайдиган бўлсак, дастлабки қиймати 10,98 миллиард

⁵⁴ “2011-2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори. 2010. 472 модда

⁵⁵ Пайгамов Р. Ўзбекистон миллий иқтисодиётини модернизациялаш шароитида индустриал талабшорликнинг инвестициявий салоҳиятидан фойдаланиш. // Иқтисод ва Молия 2012 й. №7

АҚШ долларига тенг 158 та истикболдаги инвестиция лойиҳаларини амалга оширишнинг ўзидagina тутлади.

Бу қадар катта миқдордаги маблағларнинг ажратилиши саноат корхоналарини кенг миқёсда модернизация қилиш, уларни замонавий юқори технологик жиҳозлари билан таъминлаш, саноат тармоқларига замонавий илмий ютуқлар ва илғор инновацион технологияларни жадал суръатларда жорий этиш, саноат учун юқори малакали ходимларни тайёрлаб беришни янада кенгайтириш каби долзарб вазифаларнинг амалга оширилишига сабаб бўлди. Унинг асосида ишлаб чиқаришни диверсификация қилиш, маҳаллий хом ашёни чуқур ва сифатли қайта ишлаш, маҳсулотнинг харид бозорини кенгайтириш асосида экспорт учун мўлжалланган рақобатбардош саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни янада кўпайтириш, мамлакатнинг экспорт имкониятларини, унда фаолият кўрсатаётган саноат корхоналарини инновацион салоҳияти барқарор ўсишини таъминлаб бериши зарур.


Президент томонидан тасдиқланган дастурнинг ҳаётга тадбиқ этилиши саноат корхоналарини 2010 йил натижаларига кўра 8,3 фоизга, башорат қилинаётган 2015 йилда эса 11,8 фоизга ўсишини таъминлаб беради. Умуман беш ичида ишлаб чиқариш ҳажми 1,64 марта яъни 30,748 триллион сўмдан 50,412 триллион сўмга ўсиши кўзда тутилмоқда. ЯИМ тузилмасида саноат улуши ҳам ўсиб, 23,9 фоиздан 28 фоизга етиши кўзланган. Инвестиция салоҳияти ва унинг шаклланиши замонавий шароитларда энг аввало, саноатдаги ишлаб чиқариш корхоналари ва тадбиркорлик ресурсларининг ҳам ўз ичига олган бошқа кучларни инвестицион имкониятлари тизимини акс эттиради (3.2.1-чизма).

Инвестицион фаолият инвестиция жараёнида ресурслардан фойдаланиш натижаларини шакллантириб қолиш билан чекланиб қолмай, балки бир қатор ташқи омилларни ҳам бирлаштиради. Инвестиция лойиҳаларини самарали амалга ошириш учун бу жараёндаги хатарлар, яъни лойиҳанинг яшовчанлик хатари, ташкиллаштириш ишларидаги камчиликлар, жумладан, солиқ тўловлари ва бошқа юклатилган, масалан, қарзни

тўлолмаслик, бошқа тўловлар туфайли пул маблағларининг йўқолиб кетиш хатарларини камайтириш механизмини ишлаб чиқариш, тадбиркорлик стратегияси бозор сегментларини аниқлаб олишга, техник-технологик, минтақавий, тармоқ омилларини ҳисобга олган ҳолда истеъмолчиларнинг ҳақиқий талабини башорат қилиш, шунингдек, товар, нарх ва харид хатар-тасодифларини эътиборга олиш учун имкон яратади.

3.2.1-чизма

Инвестиция салоҳиятини шакллантириш схемаси



Бу жиҳатдан бозор инфратузилмаси субъектлари фаолиятини назорат қилиш, иқтисодий ва молиявий кучларни қўллаб-қувватлашда давлатнинг роли ўсиб бормоқда.

Халқ хўжалик ёндашувлари, корхоналар, фирмалар ва корпорацияларнинг фаолияти самарадорлигини кучайтириш концепцияси асосида ҳукумат, илмий институтларда кўрилаётган, яқин йиллар ҳамда истиқболда, 2016 йилгача мамлакатни ривожлантириш дастурлари таҳлили, шунингдек, алоҳида минтақалар тажрибасини ўрганиш муҳим аҳамият касб этади.

Саноат инвестиция сиёсатини асослашга тизимли ёндашув мамлакатни ижтимоий иқтисодий ривожлантириш вазифалари, ресурс ва интеллектуал салоҳият билан боғлиқ ҳолда саноат тармоқларини ривожлантиришнинг стратегик инновация ҳамда инвестициянинг устуворлигини белгилаб беради. Шунга боғлиқ равишда таркибий қайта қуриш минтақавий товар бозорлари шаклланишининг башоратларига, саноат ишлаб чиқаришни давлат томонидан тартибга солишнинг тармоқ ва республика бўғинлари тавсияларига, корхоналар маркетинг хизматларининг самарали меҳнатларига асосланиши лозим.

3.3. Инновацион салоҳиятни оширишда хориж тажрибаларидан фойдаланиш

Ўзбекистон иқтисодиётининг юқори суръатлар билан барқарор ривожланиши истиқлолнинг дастлабки йилларидан Президент И.А. Каримов ташаббуси билан амалга ошириб келинаётган, пухта ўйланган кенг қўламли ислохотлар самарасидир. Барча тармоқларни мувозанатли ривожлантириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, саноат корхоналарининг инновацион салоҳиятини олишириш, техник ва технологик янгиланиш, маҳаллийлаштириш дастурининг амалга оширилиши, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ҳар томонлама қўллаб қувватланиши мамлакатимиз бозорларида харидоргир импорт ўрнини босадиган ҳамда экспортбоп маҳсулотлар ҳажмини мунтазам ошириш имконини бермоқда. Илм-фан ва ишлаб чиқариш ўртасидаги ҳамкорликнинг мустаҳкамланиши ҳаёт синовидан ўтган, зикр этилган ижобий жараённи рағбатлантирувчи ва жадаллаштирувчи механизмга айланди.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда илмий, жумладан инновацион салоҳият, давлатимиз раҳбарининг доимий қўллаб-қуватлаши самарасида изчил ривожланиб бормоқда. Бу борада давлат грантлари, шунингдек, қўшимча инвестицияларни жалб қилиш тизими ташкил этилиб, ундан самарали фойдаланилмоқда.

Инқирозга қарши чора-тадбирлар дастурини ҳаётга татбиқ этиш давомида иқтисодий ислохотларни изчил амалга ошириш, уларни ривожлантириш ва чуқурлаштириш мамлакатимизда самарали натижаларга эришиш имконини бермоқда.

Шуниси эътиборлики, мамлакатимиз бу ютуқларга глобал молиявий-иқтисодий инқироз ва ундан чиқиш шароитида эришмоқда. Ҳолбуки, дунёнинг аксарият давлатларида бу жараён қийинчилик билан кечмоқда.

Бугунги кунда, саноат корхоналарининг инновацион салоҳияти ошиб бораётганлиги сабабли, улар ўртасида рақобат кучайиб айрим корхоналар энг илғор замон талабларига жавоб берадиган технологияларга эҳтиёж сезмоқда. Бундай технологияларнинг жорий этилиши эса маблағ хомашё ва бошқа ресурсларни кам сарфлаган ҳолда юқори сифатли ва харидоргир маҳсулот ишлаб чиқариш имконини яратади.

Ўзбекистон иқтисодиётининг инновацион салоҳияти бундай оқилона ёндашуви туфайли тобора юксалиб бормоқда. Мамлакатимиз интеллектуал маҳсулотиларга бугунги кунда ҳам ички, ҳам ташқи бозорда талаб катта. Масалан, ҳозирги кунгача мамлакатимизда бўлиб ўтаётган инновацион ярмарка давомида умумий қиймати 44,7 миллиард сўмлик илмий-техник ишланмаларни жорий этиш тўғрисида жами 1545та шартнома имзоланган эди. Уларнинг сони йил сайин кўпайиб бормоқда. Миллий иқтисодиётимиз етакчи тармоқларининг йирик корхоналарини инновацион салоҳиятини ошириш уларни бошқарув тизимини такомиллаштириш, модернизация қилиш, ҳамда техник-технологик янгилаш кичик, ўрта, йирик корхоналарни ривожлантиришга муҳим ҳисса қўшмоқда.

Ҳозирги пайтда жаҳон ҳамжамиятининг ривожланган мамлакатларида анъанавий илмий-техника тараққиётида инновацион, илмий технологик тартибга жадал ўтиш жараёни рўй бермоқда. Инновацион тартибнинг аввалгисидан фарқи шундаки, фаннинг шаклланиши ва давлат томонидан молиялаштириш тизимидан технологик, илмий инновациялар барча турларини давлат томонидан рағбатлантиришга ўтиш кузатилмоқда.

Ҳозир АҚШда ва хусусан, ғарбий Еропада, энг аввало Франция, Германияда фан-техника сиёсатининг инновацион сиёсатга айланиши рўй бермоқда. Унинг асосий вазифаси – илмий ва технологик инновациялар, энг аввало, кичик ва ўрта корхоналар учун, шунингдек, ўрта ва қисқа муддатли дастурлар соҳасида тезкор диверсификация учун энг қулай шароитлар яратишдан иборатдир. Корхоналарни молиялаштириш, инновацион салоҳиятини ошириш бўйича АҚШ жаҳонда етакчи ўринлардан бирини эгалламоқда. Бунинг натижасида ривожланаётган мамлакатлар АҚШда фаолият кўрсатаётган бошқа мамлакатларнинг йирик, кичик ва ўрта корхоналар инновацион салоҳиятини ошириш йўллариини ўрганмоқдалар. Булар қаторида Ўзбекистон ҳам мавжуд бўлиб, нафақат АҚШ балки дунёнинг ривожлаган мамлакатлар билан ҳамкорликда фаолият юритмоқдалар.

Иқтисодиётнинг модернизация қилинишида мамлакатнинг илм-фан салоҳияти, ютуқларини, янгиликларни ишлаб чиқаришга жорий қилиш, илмий муассасалар ва ишлаб чиқариш корхоналарининг ўзаро ҳамкорлиги катта рол ўйнайди. XX асрнинг 50-йилларида АҚШда бошланган илмий-техника инқилоби илмий муассасалар ва ишлаб чиқариш корхоналарининг ҳамкорлиги ва боғланиши натижасида вужудга келган эди ва бу ҳозиргача давом этмоқда.

Бугунги кунда жаҳонда бир неча миллион киши илмий-тадқиқот фаолияти билан шуғулланади. АҚШ, Япония, Франция, Германия ва Буюк Британия улкан илмий инновацион салоҳиятга эга бўлган мамлакатлар ҳисобланади. Шуларнинг ичида АҚШ жуда катта илмий-инновацион салоҳиятга эгаллиги билан кескин ажралиб туради. Мазкур мамлакатда 3,0 млн.га яқин ялпи аҳолининг ҳар 10 мингтасига ҳисоблаганда 113 киши илмий-тадқиқот ишлари билан шуғулланмоқда. Илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларига (ИТТКИ) ажратилган харажатларнинг ҳажми бўйича (140 млрд. доллар атрофида) АҚШ дунёда биринчи ўринни эгаллайди. АҚШ ва Ғарбий Европанинг етакчи мамлакатларида ИТТКИга

ажратилган харажатлар ички маҳсулотининг 1,5-3,0 фоизини ташкил этади. Ривожланаётган мамлакатларда ушбу кўрсаткич 0,4 фоиздан ошмайди. Аҳоли жон бошига ҳисоблаганда ИТТКИ харажатлари ўртача ривожланган мамлакатларда 110 долларга, ривожланаётган мамлакатларда эса атиги 1 долларга тенг.⁵⁶

АҚШ, Япония, Европа Иттифоқи мамлакатларининг барқарор ривожланиш траекториясига ўтишига иқтисодиётнинг реал секторида инновацион жараёнларни кенгайтириш асосида эришилган. У ёки бу мамлакатнинг инновацион салоҳияти, одатда маълум назарий моделнинг акс эттирилиши бўлиб ҳисобланмайди, балки у турли йўналишдаги тадбирлар композициясидир, бунда миллий инновация сиёсатининг ўрни бекиёсдир.

Ҳозирги жаҳон молиявий иқтисодий инқироз шароитида турли мамлакатларда инновацион салоҳиятини оширишда инновацион сиёсатнинг қуйидаги муҳим йўналишларини ажратиб, ўрганиш мумкин. (3.3.1-жадвал)

Бундай шароитда ривожланган мамлакатлар киритилаётган ёки яратилаётган инновацияларни ўта эҳтиёткорлик билан амалга оширишлари лозим.

Инновацион фаолликни рағбатлантириш учун турли мамлакатларда фан сиғимкорлиги юқори бўлган маҳсулотни ўзлаштиришда ўта зарур ҳисобланган турли имтиёзлар ва префекциялар қўлланилади. Улар эгилувчан, танловли, муддатни узайтириш, солиқ кредитлари, тезлаштирилган амортизация кўринишида амал қиладилар. (3.3.2-жадвал)

Шундай қилиб, мамлакат рақобатбардошлигини ошириш, унинг самарали илмий тадқиқот ҳамкорлигини ривожлантириш, инновацион салоҳиятини юксалтириш учун қулай иқтисодий муҳитни яратишга қаратилган, фан ва ишлаб чиқариш ўртасида боғловчи бўғин бўлиб давлатнинг инновацион сиёсати ҳисобланади.

⁵⁶ Ёркулов Ҳ.О. Иқтисодиётни модернизация қилишда инновацияларнинг ўрни – Тошкент кимё технология институти., Илмий ахборотномаси 2011 й.

Жаҳон мамлакатлари миллий инновация сиёсатларининг йўналишлари.⁵⁷

Инновация сиёсати йўналишлари	Ўзига хослиги	Мамлакатлар
1	2	3
Миллий инновация тизими таркибини оптималлаштириш	Инновациялар соҳасида давлат бошқарув ва режалаштириш тизимини оптималлаштириш Фанни давлат томонидан молиялаштириш ва инновация соҳасини оптималлаштириш Фундаментал тадқиқотларни ривожлантириш	Япония, Норвегия, Германия АҚШ, Швеция, Франция, Буюк Британия, Дания, Норвегия, Тайвань, Австралия Буюк Британия, Швеция, Словения
Мамлакат ичида бизнес ва фан – инновацион кооперациясини рағбатлантириш	Фан ва корпорацияларнинг симметрик яқинланишини рағбатлантириш Фан ва инновацион соҳага йирик давлат қўйилмалари ва миллий хусусий капитални жалб қилиш Инновацион соҳага хорижий инвестицияларни жалб қилувчи хусусий секторнинг инновацион фаоллигини рағбатлантириш Илмий секторнинг инновацион ташаббусини рағбатлантириш	АҚШ, Финляндия Исроил, Финляндия Буюк Британия, Ирландия, Хитой, Корея, Ҳиндистон, Исроил Германия, Япония, Дания
Халқаро инновацион тизимларга интеграциялашув	Мажмуавий интеграция Технологик ихтисослашув	Финляндия, Исроил, Хитой Корея, Сингапур, Тайвань, Ҳиндистон
Ички инновацион тизимларни йўлга қўйиш	Инновация соҳасида алоқаларни ташкил этиш учун алоҳида шароитларни яратиш Миллий минтақалар ташаббусларини рағбатлантириш	АҚШ, Норвегия, Ирландия Франция, Германия, Финляндия
Миллий инновацион тизимни шакллантириш	Фаннинг давлат сектори таркибини қайта ўзгартириш Фан ва таълим интеграциясини фаоллантириш Инновацион соҳага кичик ва ўрта бизнесни жалб қилиш Юқори технологиялар соҳасидаги устувор экспорт йўналишларини аниқлаш	Болгария, Польша, Литва, Латвия, Эстония, Чехия, Румыния, Чехия, Словакия, Турция Чехия, Румыния, Чили, Турция

⁵⁷ Эгамбердиев Ф.Т. Глобаллашув шароитида жаҳоннинг етакчи мамлакатларининг инновацион сиёсати // Иқтисодиёт ва Инновацион технологиялар илмий электрон журнал 2011 й. №1

Сўнги йилларда Ўзбекистон инновацион салоҳиятни жадал ривожлантиришни, барқарор иқтисодий юксалишнинг бош двигатели сифатида фаол кўриб чиқмоқда, инновацион технологиялар ва фанни ривожлантириш масаларини муҳим давлат устуворликлари қаторига кўймоқда⁵⁸.

АҚШда инновацион салоҳиятни ошириш асосан хусусий тадбиркорлик билан шуғулланувчиларда учрайди. Давлатнинг бу борадаги сиёсати мавжуд ютуқлардан хўжаликда фойдаланишга, корхона ички ва ташқи алоқаларни мустаҳкамлашга қаратилган.

3.3.2-жадвал

Ривожланган мамлакатларда Илмий тадқиқот ва тажрибавий – конструкторлик ишларига (ИТТКИ) солиқ имтиёзлари.⁵⁹

Мамлакатлар	Солиқ ундурмаларининг ИТТКИ харажатларига нисбати	Солиқ ундурмаларининг энг кўп миқдори
Япония	Йирик компаниялар-8-10%, Кичик ва ўрта компаниялар- 12%	2008 йилгача – солиқ тўловлари суммасининг 20%и; 2008 йилдан бошлаб йирик компаниялар солиқ тўловлари суммасининг 30%и, кичик ва ўрта компаниялар солиқ тўловларининг 100%гача
АҚШ	Умумий суммадан 3-5%, меъёрдан ошувчи харажатларга 20%	Солиқ тўловлари суммасининг 25%
Канада	Умумий суммадан 20%	Мавжуд эмас
Буюк Британия	Умумий суммадан 8,4	Мавжуд эмас
Франция	Умумий суммадан 10%	16 млн.евро
Хитой	Умумий суммадан 15%	Мавжуд эмас

АҚШда инновациялардан фойдаланиш усул ва воситалари анча кенг ривожланган. Бунга у ёки бу маънода корхонанинг инновацион фаоллигини рағбатлантирувчи турли хил давлат тадбирлари киради. Саноат корхоналари

⁵⁸ Каримов И.А. Ўзбекистон республикаси Конституциясининг 18 йиллигига бағишланган тантанали мажлисдаги маърузаси; Ишлаб чиқаришга инновацион лойиҳалар ва технологияларни жорий қилишни рағбатлантириш бўйича қўшимча чора- тадбирлар тўғрисидаги ПҚ – 916, 15.07.2008 й. қарори; Президентнинг “2009-2014 йилларда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатадан қайта қуриштириш бўйича муҳим лойиҳаларни амалга ошириш чоралари дастури тўғрисида”ги ПҚ – 1072, 12.03.2009 й. Қарори.

⁵⁹ Эгамбердиев Ф.Т. Глобаллашув шароитида жаҳоннинг етакчи мамлакатларининг инновацион сиёсати // Иқтисодиёт ва Инновацион технологиялар илмий электрон журнал 2011 й. №1

ва университетларнинг ҳамкорликдаги тадқиқотларига оид йирик дастурлар давлатнинг мақсадли илмий жиҳатдан иштирокчилар фаолиятининг бошқа корпорация механизмини назарда тутди.

Ўзбекистонда АҚШ давлат инновация сиёсатининг маълум бир томонини қўллаш мумкин, бунда давлат молиявий маблағларининг умумлашишини ва саноат корхоналари инновацион салоҳиятини оширишда етук малакали кадрлар билан таъминлашни рағбатлантириши лозим. Узок истиқболга мўлжалланган таваккал илмий техника лойиҳаларига маблағ ажратишга саноат корхоналарини қизиқтириш учун давлат дастлабки харажатларни ўз бўйнига олиб қолмасдан, иштирокчи корхоналарга кашфиёт ва ихтиролардан фойдаланишда бепул лицензиялар ҳам бериши керак бўлади.

АҚШдаги йирик корхоналарда ишлаб чиқариш ҳажми кўпинча энг мақбул меъёрдан ошади, айнан шу нарса корхоналар инновацион салоҳиятини ривожланишида монополияни тўхтатади. Ўзбекистонда йирик корхоналарнинг инновацион салоҳиятини оширувчи кўмакчи сифатида фаолият кўрсатадиган кичик корхоналарни ташкил этиш учун янада кенг шарт-шароитлар яратиш зарур.

Айтайлик, Японияда инновация сиёсатини амалга оширишнинг ўзгача механизми мавжуд, яъни Япония ҳукуматининг дастурий ҳужжатларида баён этилган илмий техника янгиликлари яратилишида стратегик тадқиқотлар етакчилари, йўлбошчилар гуруҳи ўқитилишини таъминлашга қаратилган. Айни пайтда, инновация сиёсатини қайта кўриш заруриятидан келиб чиққан ҳолда, шу мамлакатнинг бошқалардан афзал бўлган ўз техника ва технологиясини ишлаб чиқиш ҳамда татбиқ этиш патент, лицензия савдосига нисбатан талабчанликни ошириш орқали рағбатлантирилади.

Япония тажрибаси шуни кўрсатадики, демак, Ўзбекистонда ривожланаётган инновация соҳаси жиддий технологияларни амалга ошириш ассоциатив шаклда илмий текшириш ташкилотлари ва корхоналари имкониятларини вақтинчалик ёки доимий тарзда бирлаштиришни талаб

этади. Албатта, бунда бош лойиҳани амалга ошириш учун давлат буюртма бериш орқали кўмаклашмоғи керак.

Саноат корхоналари ривожланган мамлакатларнинг инновационсалоҳияти замонавий давлат стратегиясига хос бўлган бир қатор умумий хусусиятларни санаб ўтиш мумкин:⁶⁰

- илмий тадқиқотларнинг давлат томонидан молияланиши;
- солиқ ва амортизация сиёсатига мос ҳолда ривожланган шартнома тизимиёрамида тадбиркорликка илмий тадқиқотлар учун таъсир ўтказиш;
- университетлар ва давлат илмий марказларида умуммиллий аҳамиятга эга илмий тадқиқотларни ўтказиш;
- таълим тизимини молиялаш ва ташкилий такомиллаштириш, айниқса, юқори малакали кадрлар тайёрлаш;
- илмий-техник маълумотларни тарқатиш тизимини янада ривожлантириш.

Юқорида санаб ўтилган саноат корхоналари ривожланган мамлакатлардаги давлатинновация соҳаси стратегиясининг умумий томонларини у ёки бу даражада Ўзбекистон шароитида қўллаш мумкин. Бу ўринда албатта, илгари тўпланган тажриба, анъана ва ҳукуматнинг мавжуд имкониятларини ҳисобга олиш керак бўлади.

Францияда илмий-техника ва инновацион салоҳият ривожланишининг устунликларини башорат қилиш ҳамда белгилаш бўйича ишлармамлакатдаги йирик хусусий саноат ва давлат корхоналари томонидан амалга оширилади. Бу борада бирқатор муаммолар мавжуд бўлсада, Франция йирик башорат қилиш лойиҳаларини амалга ошириш бўйича катта тажрибага эга.

Италияда молиялаш ва техник имкониятлар муаммолари мавжуд тармоқларга оид корпорация ва йирик инновация корхоналари ўртасида номуустаҳкам бўлмаган алоқа мавжуд. Данияда эса, «тармоқлар схемаси» (чизмаси) деб аталувчи йирик инновационкорхоналар тармоғи мавжуд бўлиб, у дунёнинг фақатгина ривожланган мамлакатларига экспорт қилинади.

⁶⁰ Матмуратов Ф.М., Гимуш Р.И. Инновацион менежмент Ўқув қўлланма Т.: 2008. 144 б.

Ўзбекистондаги иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш шароитида корхоналарнинг инновацион салоҳияти бошқарувини барқарор ўсиши натижасида, янги технологияларга инвестициялар жалб этиш, корхоналарда рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ёрдам беради.

Ўзбекистон иқтисодий ҳолатининг инновациялар билан ўзаро боғлиқлигини қуйидаги асосий жиҳатларда кўриш мумкин:

-биринчидан, инновациянинг миллий иқтисодиётга таъсирини тадқиқ этиш нуктаи-назаридан давлатнинг моддий асоси сифатида бутунлигича кўриш;

-иккинчидан, инновацияларнинг алоҳида корхона фаолиятига таъсирини таҳлил қилишда бозор субъекти сифатида қараш;

-учинчидан, инновацион салоҳиятни амалга оширишнинг ижтимоий-иқтисодий оқибатларини ўрганиш.

Фикримизча, бу фаолиятни инновациялар бажарадиган функциялардан келиб чиққан ҳолда амалга оширган маъқул. Маълумки, инновациялар кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришни амалга ошириш учун, фан-техника тараққиётини тезлаштириш, миллий ишлаб чиқариш сифати ва рақобатбардошлигини ошириш учун ижтимоий ишлаб чиқаришни таркибий қайта қуриш ва халқ хўжалиги барча тармоқларининг тараққиёти учун, саноат учун зарур хомашё базасини яратиш, ишсизлик муаммосини ҳал этиш, шунингдек, бошқа кўпгина муаммоларни ҳал этиш учун асос бўлиб хизмат қилади. Буларнинг барчаси биргаликда мамлакат иқтисодиётини соғломлаштиришга, инновацион салоҳиятни оширишга, уни юксалтиришга ёрдам беради.

Хулоса қилиб шуни таъкидлаш жоизки, бугунги кунда юртимизда фаолият кўрсатаётган корхоналарни жадал модернизация қилиш ва техник қайта жиҳозлашни таъминлаш, юксак технологиялар асосида ишлайдиган автомобилсозлик ва газ-кимё, электр техникаси ва тўқимачилик, озиқ-овқат ва фармацевтика, ахборот ва телекоммуникациялар тармоғи ҳамда бошқа йўналишлардаги янги, замонавий ишлаб чиқариш қувватларини ташкил

этишга қаратилган фаол инвестиция сиёсатини юритишга устувор аҳамият берилмоқда.

Тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, жаҳон хўжалигини ривожлантиришда халқаро капитал миграцияси муҳим аҳамиятга эга, чунки у мамлакатнинг ташқи иқтисодий ва сиёсий алоқалари мустаҳкамланишига олиб келади, уларнинг ташқи савдо айланмаларини, ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтиради, иқтисодий ривожланишни жадаллаштиради, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг жаҳон бозоридаги рақобатбардошлигини, импортчи мамлакатлар техник инновацион салоҳиятини ва мамлакатдаги бандликни оширади.

Хулосава таклифлар

Ўзбекистон ва жаҳон иқтисодиётининг келгуси тараққиёти, асосан, мамлакатга киритилаётган инновацияларга боғлиқлигини бугунги кунда деярли ҳар бир мутахассис ва хўжалик юритувчи субъект англаб етганлигини назарда тутиб, ҳозирги кунда республикаимиз иқтисодиётига инновацияларни жалб этиш, яратиш уларни мамлакатимизда ўтказилаётган иқтисодий ислохотларнинг самарали ижросини таъминлаш муҳим асосига айланганлиги билан боғлиқлигини тушуниб олиш қийин эмас. Мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожланишида яратилаётган инновацияларнинг аҳамияти каттадир. Маълумки, ҳар қандай давлат дунёдан ажралган ҳолда жаҳон тажрибаларини ўрганмасдан, дунёнинг етакчи давлатлари илм, фан ва техника соҳасида эришган ютуқларини қабул қилмасдан ривожланиши мумкин эмас.

Бу борада сўз кетганда И.А.Каримовнинг куйидаги фикрларини таъкидлашимиз лозим: "... жойларда иқтисодиётни юксалтириш, замонавий техника ва технологиялар билан жиҳозланган янги корхоналарни барпо этиш ва реконструкция қилиш учун хорижий сармояларни жалб қилиш, ... нечоғлик катта ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканини кимгадир исбот қилиб беришга ҳожат йўқ. Бу авваломбор, аҳоли бандлиги, унинг иш ҳақи ва даромадларини ошириш, охир – оқибатда республикаимиз ҳудудлари, шаҳар ва туманларимиздаги энг муҳим ижтимоий муаммоларни ечиш демакдир”⁶¹

Иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида миллий иқтисодиётни барқарор ривожланишини таъминлаш, инновацион салоҳиятдан самарали фойдаланиш, иқтисодий сиёсатнинг асосий концептуал йўналишларидан бири ҳисобланади.

Ўзбекистондаги ва шунингдек, иқтисодий ўтиш даврида бўлган бошқа мамлакатлардаги саноат корхоналарнинг раҳбарлари инновацион салоҳиятни бошқариш ва оширишда хорижий шерик корхоналар билан ҳамкорлик қилишга тайёр эканлигини билдиришмоқда. Аммо мамлакатимизда

⁶¹ Каримов И.А. Инсон манфаатлари устуворлигини таъминлаш – барча ислохот ва ўзгаришларимизнинг бош мақсадидир. // Халқ сўзи, 2008йил 9 феврал

ўтказилаётган тадқиқотлар шуни кўрсатдики, уларнинг ҳаракатлари бири-бирига бирмунча зид.

Саноат корхонаси раҳбарларининг фикрига кўра, корхонанинг инновацион салоҳиятини оширишда уни бошқариш бирмунча мураккаб босқич ҳисобланади. Сабаби корхонага киритилиши лозим бўлган сармояларни тўғри жалб этиш ва уни сармоядорга қайтариш, яъни ҳамкорликнинг ўзаро олди-берди босқичидан иборат. Олинган маблағни самарали ўзлаштириш ва фойда олиш улар учун муаммо ҳисобланмайди. Уларнинг ўз сармоялари қўйилган саноат корхонасини бевосита бошқаришда қатнашишга ёки бундай корхоналарни назорат қилишга интилишлари шу билан изоҳланади.

Саноат корхоналарининг инновацион салоҳиятини ривожлантириш борасидаги яратилган қулай шарт-шароитлар, соҳанинг иқтисодий ривожланишдаги, аҳолини иш билан бандлиги ва даромадларининг ўсишидаги роли янада кучайиши ҳамда ЯИМ, экспорт, тармоқлар ҳамда соҳаларнинг ишлаб чиқариш кўрсаткичларидаги улуши ортиб боришига хизмат қилади.

Саноат корхоналарида модернизация қилиш жараёнларини такомиллаштириш мақсадида: 1) модернизация қилиш ва техник қайта қурулантириш дастурларини ишлаб чиқишда уларга эскирган жиҳозларни босқичма-босқич муомаладан чиқариб бориш бўйича чора-тадбир, талабларнинг киритилишини таъминлаш ҳамда инновацион бошқарув салоҳиятини такомиллаштириш; 2) корхоналарда эскирган техника ва технологик линияларнинг мавжудлиги бўйича инвентаризация ўтказилиб, уларни босқичма-босқич чиқариб бориш юзасидан мониторинг ташкил этиш зарур; 3) корхона ишлаб чиқариш фаолиятига янги асбоб-ускуналар ва техник жиҳозларни муайян даврда қиймати жиҳатидан бир текисда ҳамда асбоб-ускуналарнинг технологик жиҳатидан узвийлиги ва изчиллигини ҳисобга олган ҳолда киритилишини таъминлаш; 4) маҳсулот ва хизматлар ассортиментини кенгайтириш вазифасига алоҳида эътибор қаратиш; 5)

корхона асосий воситалари таркибидаги оптимал пропорцияларнинг сақланишини таъминлаш зарур.

Саноат корхоналарида инновацион салоҳият бошқарувининг асосий тамойиллари “Кузатув кенгаши” томонидан корхонанинг «шаффоф»лиги, акциядорлар ва инвесторлар ишончининг ортиши, компаниянинг инвестицион жалб этувчанлиги ўсиши, корхонада акциядорлар, менежерлар ва ишчи ходимлар манфаатлари мувозанатининг аниқ тартибга солиниши, ваколатларни акциядорлар йиғилиши, кузатув кенгаши ва ижроия органлари ўртасида чегараланиши, ходимларнинг қабул қилинаётган инновацион бошқарув қарорлари ҳақида кўпроқ хабардор қилинишини таъминлаш, корхона ва унинг тузилмалари фаолиятини етарли ҳамда зарур даражада ташкилий, молиявий «шаффоф»лигини таъминлашни назарда тутадиган кетма-кетликдаги инновацион салоҳият стратегиясини ишлаб чиқишига асосланиши лозим.

Бугунги кунда жаҳон молиявий-иқтисодий инкирознинг республикамиз иқтисодиётига таъсири бошқа ривожланган ва айрим қўшни давлатлардагига қараганда мазмунан фарқ қилади. Агар бошқа мамлакатларда бу жараёнлар бевосита молия тизимининг издан чиқиши, ишлаб чиқариш ҳажмларининг кескин қисқариб кетиши, кўплаб йирик корхоналарнинг ёпилиши орқали намоён бўлса, бизда жаҳон хомашё бозорларида талабнинг сусайиши туфайли нархларнинг кескин пасайиши ҳамда бунинг оқибатида экспорт даромадларининг сезиларли камайиши, асосий савдо ҳамкорларимизнинг харид қобилияти пасайиши натижасида ташқи савдо айланмасининг қисқариши орқали намоён бўлади.

Мамлакатимизда олиб борилаётган иқтисодий ислохотларнинг асосий йўналишларидан бири бизда мавжуд бўлган ишлаб чиқариш ҳамда хизмат кўрсатиш тармоқларининг инновацион салоҳиятини ошириш, бошқарув тизимини ривожлантириш ва янги саноат тармоқларини яратишдан иборатдир. Ушбу вазифаларни бажаришдан кўзда тутилган асосий мақсад мамлакатимиз ички бозорини сифатли истеъмол товарлари билан тўлдириш

ва жаҳон бозори халқаро стандартларга жавоб бера оладиган рақобатбардош товарлар экспортини амалга оширишдир.

Кейинги йилларда иқтисодийимизда юз бераётган жиддий таркибий ва сифат ўзгаришларига алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. 2000 йилда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотини шакллантиришда саноат ишлаб чиқаришининг улуши бор-йўғи 14,2 фоизни ташкил этган бўлса, 2012 йилда бу кўрсаткич 31,8 фоизга етганида яққол кўриш мумкин. Саноат маҳсулоти умумий ўсишининг қарийб 70 фоизини юқори қўшилган қийматга эга бўлган тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга йўналтирилган соҳалар ташкил этади. Бундан кўринадики, ҳукуматимиз томонидан саноат корхоналарининг инновацион салоҳиятини барқарорривожланишини таъминлаш натижасида янги иш ўринларининг кўпайишига, аҳоли бандлигининг ошишига, аҳоли бандлигининг ошиши орқали даромаднинг ошишига, аҳоли турмуш фаровонлигининг ошишига эришишдек ўзоқни кўзлаган инновацион стратегик мақсад назарда тутилган.

Саноат корхоналарининг инновацион салоҳиятини бошқаришда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва техник қайта қуроллантириш дастурларини ишлаб чиқишда янги, замонавий техник воситалар ва технологик линияларни ишлаб чиқариш жараёнига босқичма-босқич, изчил равишда киритиб боришга етарли эътибор қаратмаслик ёки амал қилмаслик қуйидаги қатор салбий ҳолатларнинг юзага келишига сабаб бўлмоқда:

- ишлаб чиқариш жараёнларида узилишларнинг пайдо бўлиши, аксарият ҳоларда саноат корхоналар ишлаб чиқариш фаолиятини муайян муддатга бутунлай тўхтатиб қўйилиши;
- айрим оралиқ ишлаб чиқариш жараёнларига хизмат қилувчи ускуналарнинг изчил кетма-кетликда ишга туширилмаслиги оқибатида ягона технологик занжирнинг узилиши;
- ишлаб чиқаришда маромийлик тамойилининг бузилиши, унинг ишлаб чиқариш ҳамда молиявий натижаларга салбий таъсир кўрсатиши ва ҳ.к.

Юқоридаги уч кўринишнинг асосий сабаби бу корхоналарда бошқарув тизимининг сустлиги, замон талабига мос келмаслиги натижасида юз беради.

Ҳозирги бозор иқтисодиётини ривожлантириш шароитида фан-техника ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий этиш, бошқариш ишларини механизациялаш ва электрон ҳисоблаш машиналарини бошқариш ишларида қўлланиш бу ишларни бажариш жараёнларини бирмунча осонлаштиради ва бошқарувчиларнинг инновацион ҳамда интеллектуал салоҳияти, малакасини юқори бўлишини талаб этади. Буларнинг барчаси кадрлар тузилмасига таъсир этиб, ундаги ишчилар, хизматчилар улушини, муҳандис-техник ходимлар улуши кўпайиши ҳисобига камайтириб боради.

Диссертация иши мавзусидаги илмий изланишлардан сўнг хулоса қилиб, қуйидаги таклифларни киритмоқчимиз:

1. Корхоналарнинг инновацион салоҳиятини бошқариш, ошириш ва ташқи савдосини ривожлантиришда давлат иштироки меъёрлари оптимал вариантини топиш керак, бунда асосан тармоқлар тараққиёти ва минтақавий салоҳият даражалари тўғри баҳоланиши, ундан ташқари соҳаларда сармоя жалб қилишнинг усулларини кўрсатиш.

2. Инновацион салоҳиятни бошқаришда экспорт фаолиятини амалга ошириш, асосан тайёр маҳсулотлар сотишни рағбатлантириш. Шунингдек, бунда хомашё ва табиий ресурслар экспортини қисқартириш.

3. Корхоналар бошқарувининг инновацион салоҳиятини оширишда чет эл корхоналари билан бирга фақат ишлаб чиқаришда эмас балки, бошқарув тизимида ҳамкорлик ишларини олиб бориш.

4. Корхоналарга киритилаётган инновацион технологияларнинг фаолияти ҳақидаги маълумотларни интернет ёки корхонадан маълумот олиш имконияти кенгантириш.

5. Янги ташкил этилаётган инновацион корхонанинг ҳужжат ишларида бир эркинликлар яратиш.

6. Инновацион маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналарга солиқ тўловида янада кенгроқ имконият яратиш.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

I. Ўзбекистон Республикаси қонунлари

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2012.
2. Ўзбекистон Республикасининг «Хусусий корхоналар тўғрисида»ги Қонуни. Қонун ва қарорлар. -Т.: Ўзбекистон, 2011.

II. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва қарорлари, Вазирлар маҳкамасининг қарорлари

3. “Мамлакатимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг рақобатдошлилигини янада ошириш ва товарларни республикага ноқонуний олиб киришга қарши курашни кучайтириш” тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 23 январдаги қарори
4. “Саноатда ишлаб чиқариш харажатларини қисқартириш ва маҳсулот таннархини пасайтириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар” тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 28 ноябрдаги қарори
5. “2012 йил учун саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурига тузатишлар киритиш” тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 22 июлдаги 180-сонли, 2012 йил 5 октябрдаги 284-сонли қарори
6. “Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этилишини рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. // Халқ сўзи, 11 апрел 2012й.
7. Президентининг “Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларни барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида”ги (2008 йил 28 ноябрь) 4058-сонли Фармони

8. “Ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлашни рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони.// Халқ сўзи, 15 март 2007 й.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Йирик саноат корхоналарини билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида коперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида. Халқ сўзи. - 2006. 6 январь.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Республика енгил саноатини бошқаришни такомиллаштириш тўғрисида. 2002 йил 1 июль, ПФ-3102-сон
11. «2011 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2012 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси мажлисининг қарори // Халқ сўзи, 2012 йил 20 январь
12. «Саноат тармоқлари корхоналарининг маънавий эскирган ва ейилган асбоб-ускуналарини жадал янгилашга доир қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 19 апрельдаги Қарори. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 17-сон
13. «Йирик корхоналар ва ишлаб чиқаришларда технологик асбоб-ускуналар ва технологияларнинг техник аудитини ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 15 мартдаги Қарори. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 10-11-сон, 103-модда
14. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори. Республика енгил саноатини ривожлантириш ва бошқаришни ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида. 2002 йил 2 июль, 240-сон.

III. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг асарлари

15. Каримов И.А. Бош мақсадимиз – кенг кўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2013 йил 19 январ

16. Каримов И.А. 2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг 2011 йилнинг асосий якунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси.// Халқ сўзи, 2012 йил 20 январ

17. Каримов И.А. 2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади. Т.: Ўзбекистон, 2012.

18. Каримов И.А. Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади (Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасидаги маърузаси). // Халқ сўзи, 22 январ 2011 й.

19. Каримов И.А. Бизнинг йўлимиз – демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва модернизация жараёнларини изчил давом эттириш йўлидир. Президент Ислон Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 19 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. // Халқ сўзи, 2011 йил 8 декабрь.

20. Каримов И.А. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилашни изчил давом эттириш – давр талаби. Президент Ислон Каримовнинг 2008 йилда

мамлакатимизни ижтимоий иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2009 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устивор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси. // Халқ сўзи, 2009 йил 14 февраль

21. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари 2009 й.

Каримов И.А. «Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир». – Т.: «Ўзбекистон», 2005.

22. Каримов И. А. Ўзбекистон иқтисодий ислохатларни чуқурлаштириш йўлида.-Т.: Ўзбекистон, 1995

IV. Асосий адабиётлар

23. Йўлдошев Н.Қ., Мирсаидова Ш.А.,Голдман Е.Д. “Инновацион менежмент”Дарслик – Т.: 2011

24. Маҳмудов Н.М, Маджидов Ш.А. “Инвестицияларни ташкил этиш ва молиялаштириш”. Ўқув қўлланма. – Т.: ТДИУ, 2010

25. Р.И. Гимуш, Ф.М. Матмуратов “Инновацион менежмент” Ўқув қўлланма Т.: 2008 й.

26. Ж.П Нарзиев “Стратегик ва инновацион менежмент” ўқув қўлланма Т.: 2008 й.

27. Б.И.Камильжанов “Инновациявий менежмент услубларини такомиллаштириш” Т: 2007 й.

28. Абдусаттарова Х.М.,Акабирова Д.Н., Расулова И.А. “Инновацион стратегия” ўқув қўлланмаТ:2007 й.

29. Бухоро озиқ-овқат ва енгил саноат технологияси институти “Менежмент” кафедраси “Инновацион менежмент ва лойиҳаларни бошқариш таҳлили”маърузалар матни Бухоро – 2006 й.

30. Аншин В.М. и др. “Инновационный менеджмент”. М. «Дело» 2003 г.

31. Ф.Эргашев, Д. Рахимова, А. Сагдуллаев, О.Парпиев, Ш. Зайнутдинов “Инновацион менеджмент. Дарслик”. Тошкент ,”Академия”. 2003 й.

V. Қўшимча адабиётлар

32. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2011 йилнинг асосий якунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишлари бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги “2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади” мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисодиёт. - 2012.

33. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрдаги қўшма мажлисидаги “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича ўқув-услубий мажмуа. Тошкент: “Иқтисодиёт” нашриёти, 2010

34. Просветов Г.И. “Экономика предприятия: задачи и решения”. Учеб. практическое пособ. – М.: «Альфа-Пресс», 2009.

35. Ходиев Б.Ю., Шодмонов Ш.Ш., Ғафуров У.В. “Мамлакатни жадал ислох этиш ва модернизация қилиш – миллий тараққиётимизнинг мантиқий босқичи: Илмий-оммабоп рисола”. – Т.: ТДИУ, 2008.

36. Фаттохова Ж.А., Яушев Р.И., Толипов К.Ф., Хамидуллин М.Б. “Ўзбекистонда корпоратив бошқарувни жорий этиш муаммолари”. – Тошкент, Иқтисодий тадқиқотлар маркази, 2006

37. Бозоров Р. “Активизация инновационной деятельности в строительной отрасли”. Магистерская диссертация. ТАСИ 2004 г.

38. Махмудов Э.Х. “Корхона иқтисодиёти”. Ўқув қўлланма. –Т.: Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси нашриёти, 2004

39. Н. Расулов “Ўзбекистон шароитида хориж инновацияларини жорий этиш” НамДУ Илмий ахборотномаси 2012 й. №3. 115-118 бетлар

40. Н. Расулов “Корхонада инновацион салоҳиятни ташкил этиш” 2013 й. №1. 47-49 бетлар.
41. Н. Расулов “Наманган вилояти саноат корхоналари бошқарувининг инновацион салоҳияти” Аудит, молия ва банк 2013 й.
42. Ш. Ғуломов, Инқироздан кейинги ривожланиш: инновацион истиқболлар Электрон журнал ЖИДУ 2011 й.
43. Ш.Н.Зайнутдинов Инновацион салоҳиятни ошириш стратегияси "Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар" илмий электрон журнали. № 1, сентябрь, 2011 йил
44. Шодиев Т.Ш. Ишлаб чиқаришни модернизациялаш, интеллектуаллаштириш ва диверсификациялаш асо-сида иқтисодий ўсиш сифатини ошириш “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 1, сентябрь, 2011 й.
45. Махмудов Э.Х., Ортиқов А., Каримов Ф. Корхона - иқтисодиётнинг асосий буғини // Ҳамкор, 2010 йил 7 февраль
46. Абдуллаев Б., Абдураимов И. Инновация субъектлари фаолияти самарадорлигини аниқлаш. Бозор, пул ва кредит. №9 2005, 66-69 б.
47. Васильев Л.Н. Развитие инновационной деятельности в США или как удвоить ВВП. –М.: Экономика, 2005
48. Абдуллаев А., Аббдурахимов М. Сифат менежменти тизими: самарали татбиқ этиш Ҳамкор.2005 й.
49. Кузык Б.Н., Яковец Ю.Б. Россия – 2050 Стратегия инновационного развития. –М.: «Экономика», 2004
50. Абдуллаев Б. Инновация жараёнида хориж тажрибаси имкониятлари. Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси. №4-5 2001 й. 55-56 б.

VI. Даврий нашрлар, статистик тўпламлар ва ҳисоботлар

51. Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика Қўмитаси маълумотлари.
52. Наманган вилояти Статистика бошқармаси маълумотлари.

53. Наманган вилояти ҳокимлиги Иқтисодиёт бошқармаси маълумотлари

VII. Интернет нашрлар

54. www.edu.uz

55. www.gov.uz

56. www.google.uz

57. press-service.uz

58. iqtisodiyot.uz

59. tdiu.uz

60. inno.uz

61. ndpu.uz

Илова**1-Илова**

Инновацион лойиҳанинг асосий бўлимлари қуйидагилар:

1. Умумий кўриниш (таклиф этилаётган инновацион лойиҳанинг мақсади ва моҳияти, таклиф этилаётган инновациянинг тури, лойиҳани амалга оширишдан кутилаётган ҳақиқий фойда ҳамда лойиҳани амалга оширишга сарфланадиган харажатлар миқдори ва турлари).

2. Товарлар ёки хизматлар тавсифи (таклиф этилаётган товарлар ва хизматлар баёни, улардан фойдаланиш соҳаси, янгилиги ва патент билан ҳимояланганлиги, дизайннинг ўзига хослиги, товарлар ва хизматларнинг асосий техник-иқтисодий ва истеъмол тавсифлари, уларнинг расмдаги тасвири, товарлар ва хизматлар афзалликлари, сертификатлаш ва ҳ.к.).

3. Товарлар ва хизматларни сотиш бозорлари (сотув бозори тури, истиқболли бозорлар, уларнинг жойлашуви ва тавсифи, бу бозорларда фирманинг башоратланаётган улушлари, салоҳиятли истеъмолчилар тавсифи, янги товарлар ва хизматларга талабни белгиловчи омиллар, сотувларнинг салоҳиятли ҳажмлари ва ҳоказолар).

4. Товарлар ва хизматлар рақобатбардошлиги (рақобатчи фирмаларнинг қисқача тавсифи, янги товар ёки хизматнинг рақобатчи фирмадаги ўхшаш товар ёки хизматга нисбатан рақобат афзалликлари, фирма товарлар ва хизматлар рақобатбардошлигини ҳимоя қилиш учун қўллайдиган рақобат стратегиялари ва ҳоказолар).

5. Маркетинг режаси (амалга оширилаётган лойиҳанинг маркетинг мақсадлари ва стратегияси, лойиҳани амалга ошириш натижасида фирма таклиф қиладиган товарлар ва хизматларни илгари суриш ҳамда сотиш стратегияси, товар ёки хизматни сотишни рағбатлантириш усуллари, миқдорларга сотишдан кейин хизмат кўрсатишни ташкил қилиш, таклиф этиладиган товарлар ёки хизматлар ҳақида ижтимоий фикрни шакллантириш, маркетинг бюджети ва ҳ.к.).

6. Ишлаб чиқариш режаси (янги товарлар ишлаб чиқаришни

бозорга, таъминотчиларга, ишчи кучига, транспорт йўллари ва ҳ.к.ларга нисбатан жойлашуви, ишлаб чиқариш майдонлари, қувватлари ва уларни кенгайтириш имкониятлари, моддий-техник, инсоний ва бошқа ресурслар манбалари ва уларга эҳтиёж, улардан фойдаланиш имкони, ишлаб чиқаришни кооперациялаш имкониятлари, ишлаб чиқариш ҳажмлари ва харажатлари, қўлланилаётган технологиялар, ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ва товарни ишлаб чиқаришни кенгайтириш муддатлари, ишлаб чиқаришнинг экологиклиги ва ҳ.к.).

7. Ташкилий режа (ташкилий тузилма, ходимларга, мутахассисларга бўлган эҳтиёж, уларни меҳнатга жалб қилиш шакллари, касблар бўйича иш ҳақининг зарурий даражаси, меҳнатни рағбатлантириш тизими, ходимларни касбий тайёрлаш, малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш тизими, лойиҳани амалга оширишга бошчилик қилаётган маъмурий-бошқарув ходимлар ҳақидаги маълумотлар ва ҳ.к.).

8. Лойиҳанинг юридик таъминоти (фирманинг ташкил қилинган ва рўйхатдан ўтказилган санаси, ким томонидан ва қаерда рўйхатга олинган, юридик манзили, фаолияти тури ва амалга оширилаётган операциялар характери, мулкчилик шакли, капитал мансублиги, фирманинг нуфузли акциядорлари, пайчилари, мазкур фаолият тури учун лицензия, мазкур фаолият турлари бўйича бошқа ташкилотлар билан шартномалар ва келишувлар).

9. Иқтисодий таваккалчилик. Суғурталаш (таваккалликлар гуруҳлари рўйхати, улар манбалари ва вужудга келиши эҳтимоли юқори бўлган даврлар, лойиҳанинг иқтисодий қалтислигига баҳо бериш, таваккалликлардан суғурталаш дастури, суғурта полислари нусхалари ва ҳ.к.).

10. Молиялаштириш стратегияси (лойиҳани амалга ошириш учун молиявий маблағлар ва уларнинг манбалари, кредит ва акциядорлик капитали кўринишидаги маблағлар улуши, кредит олиш шартлари, молиявий маблағларни киритишнинг иқтисодий рентабеллиги, лойиҳага киритилган

маблағларни қайтариш муддатлари, кутилмаган харажатларни қоплашга мўлжалланган молиявий маблағлар захираси ва ҳ.к.);

Молиявий режа (лойиҳани амалга ошириш натижасидаги товарлар ва хизматларни сотиш ҳажмлари, лойиҳани амалга ошириш учун йиллар бўйича капитал харажатлари ва улар қамрайдиган хусусий маблағлари, узок муддатли ва қисқа муддатли кредитлар, товарлар ва хизматларни ишлаб чиқариш ҳамда сотиш бўйича жорий даромадлар ва харажатлар баланси ва ҳ.к.).

**Наманган вилоятида 2012 йил январ-декабр ойларида саноат
маҳсулотлари ишлаб чиқарилиши тўғрисида
МАЪЛУМОТ (Туманлар кесимида)**

№	Корхоналар	Амалдаги нархда ишлаб чиқарилган маҳсулот		Солиштирма нархда ишлаб чиқарилган маҳсулот		
		2012 йил (минг сўм)	2011 йил (минг сўм)	2012 йил (минг сўм)	2011 йил (минг сўм)	Ўтган йилга нис- батан (фоиз)
	<i>Мингбулоқ тумани</i>	26939621,0	17428792,0	25831901,0	19533944,0	132,2
1	Мингбулоқ пахта тозалаш	26939621,0	17428792,0	25831901,0	19533944,0	132,2
	<i>Косонсой тумани</i>	10330487,0	9996772,0	10284338,0	10098962,0	101,8
2	Косонсой пахта толаси	10330487,0	9996772,0	10284338,0	10098962,0	101,8
	<i>Наманган тумани</i>	37588256,0	20555540,0	35292456,0	19195647,0	183,9
3	Тошбулок Текс КК	13826139,0	9262875,0	12935000,0	7916932,0	163,4
4	Наманганвино	9242774,0	4346462,0	8939872,0	4786503,0	186,8
5	Наманган тола Текстил	14519343,0	6946203,0	13417584,0	6492212,0	206,7
	<i>Норин тумани</i>	23447378,0	21795674,0	22096548,0	21909028,0	100,9
6	Норин тола	23447378,0	21795674,0	22096548,0	21909028,0	100,9
	<i>Поп тумани</i>	64369108,0	66552114,0	61043421,0	63532248,0	96,1
7	Поп Фен	15341432,0	19705448,0	14093215,0	12996030,0	108,4
8	Узрубериод	5644931,0	13044078,0	5644931,0	12781069,0	44,2
9	Поп пахта тозалаш	23612560,0	19382365,0	21545106,0	21437916,0	100,5
10	Попдонмаҳсулот	19770185,0	14420223,0	19760169,0	16317233,0	121,1
	<i>Тўрақўрғон тумани</i>	37156101,0	30290128,0	36835606,0	31746050,0	116,0
11	3-сон пахта тозалаш заводи	37156101,0	30290128,0	36835606,0	31746050,0	116,0
	<i>Уйчи тумани</i>	40553219,0	33346067,0	39726214,0	33256304,0	119,5
12	Уйчи пахта тозалаш	33641335,0	30613541,0	32208670,0	31052389,0	103,7
13	Мега Текстиль КК	3608284,0	2732526,0	3608284,0	2203915,0	163,7
14	Кап Текс МЧЖ	3303600,0	0,0	3909260,0	0,0	0,0
	<i>Учқўрғон тумани</i>	125529356,0	106150399,0	127793039,0	114270379,0	111,8
15	Учқўрғон пахта тозалаш	33085973,0	30495577,0	32540645,0	30718722,0	105,9
16	Учқўрғон ёғ	32653677,0	29796678,0	35730727,0	31411147,0	113,8

17	Учқўрғон дон маҳсулот	59789706,0	45858144,0	59521667,0	52140510,0	114,2
	<i>Чуст тумани</i>	19431420,0	17782750,0	19227651,0	17994522,0	106,9
18	Чуст пахта тозалаш	19431420,0	17782750,0	19227651,0	17994522,0	106,9
	<i>Янгиқўрғон тумани</i>	13909471,0	10330314,0	12641150,0	11897920,0	106,2
19	Янгиқўрғон Шароби	13909471,0	10330314,0	12641150,0	11897920,0	106,2
	<i>Наманган шаҳри</i>	272907746,0	260781676,0	252170680,0	271603001,0	92,8
20	Кока кола	42869642,0	32132384,0	37101813,0	32883594,0	112,8
21	Нестле	118224057,0	103861305,0	103211414,0	108438941,0	95,2
22	Уз Часис	43532969,0	39785041,0	41943460,0	41550405,0	100,9
23	Нам Текс	15627,0	1920106,0	86667,0	2826668,0	3,1
24	Хаин текс	3317693,0	24217802,0	4167440,0	29774950,0	14,0
25	Нотўқимачи	11147768,0	18794525,0	12303794,0	12246265,0	100,5
26	Намангандонмаҳсулот	35709149,0	30931363,0	35420062,0	33668054,0	105,2
27	Электр курилмалари	8600911,0	4472960,0	8687020,0	5143767,0	168,9
28	"Карбонам" МЧЖ	9489930,0	4666190,0	9249010,0	5070357,0	182,4
	Ёрдамчи саноат корхоналари	85496969,0	39125950,0	84252276,0	40462633,0	208,2
	<i>Маҳаллий ҳокимият тасарруфидаги саноат корхоналари</i>					
	Жами	531650833,0	417636835,0	516508828,0	426783161,0	121,0
	Йирик корхоналар	16656034,0	24137805,0	19968197,0	19939692,0	100,1
	Кичик бизнес субъектлари	514994799,0	393499030,0	496540631,0	406843469,0	122,0
	<i>Наманган тумани</i>	10503197,0	18044398,0	14522114,0	13128726,0	110,6
1	Миришкор	10503197,0	18044398,0	14522114,0	13128726,0	110,6
	<i>Тўрақўрғон тумани</i>	574302,0	349682,0	405924,0	399840,0	101,5
2	"4-кишлоққурилиш комбинати" ОАЖ	574302,0	349682,0	405924,0	399840,0	101,5
	<i>Чуст тумани</i>	1009380,0	1078507,0	1236276,0	1557373,0	79,4
3	"Рау Томъ" ҚК	400584,0	643721,0	627480,0	1122587,0	55,9
4	Сероб Текс	608796,0	434786,0	608796,0	434786,0	140,0
	<i>Наманган шаҳри</i>	4569155,0	4665218,0	3803883,0	4853753,0	78,4
5	"Наманганмаш" АЖ	4430558,0	3473163,0	3665286,0	3661698,0	100,1
6	Наманган Силк Инвест	138597,0	1192055,0	138597,0	1192055,0	11,6